



ИСЛОМ КАРИМОВ

**ВАТАНИМИЗНИНГ
БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ
ВА БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШИНИ
ТАЪМИНЛАШ—БИЗНИНГ
ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ**

17

“ЎЗБЕКИСТОН”



436.7
32
K-26
14




ИСЛОМ КАРИМОВ

**ВАТАНИМИЗНИНГ
БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ
ВА БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШИНИ
ТАЪМИНЛАШ—БИЗНИНГ
ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ**

17

B 13558



ТОШКЕНТ
“ЎЗБЕКИСТОН” НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
2009

66.3(5Ў)
К 25

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларининг 17-жилдидан давлатимиз раҳбарининг 2008—2009 йилларда Вазирлар Маҳкамаси, Халқ депутатлари вилоятлар кенгашлари йиғилишлари, турли халқаро анжуманлар, тантанали маросимларда сўзлаган нутқлари ва маърузалари ҳамда табриклари ўрин олган.

ISBN 978-9943-01-462-6

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2009

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ
МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ**

Азиз ватандошларим, юртдошларим!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун кўп миллатли халқимиз мустақил Ватанимизнинг 17 йиллик қутлуғ тўйини баланд руҳ ва катта хурсандчилик билан нишонламоқда.

Мана шу барчамиз учун энг улуғ, энг азиз истиқлолимиз байрами билан сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбдан табриклаш менга насиб этганидан чексиз бахтиёрман.

Қадрли дўстлар!

Биз бугун ўтган йиллар мобайнида босиб ўтган тараққиёт йўлимизни холисона баҳолар эканмиз, эски мафкуравий тизим ва ғоялардан бутунлай воз кечиб, янги ҳаёт барпо этиш йўлида қўлга киритган, дунё аҳли тан олаётган юксак марра ва ютуқларимиз барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлаши табиийдир.

Мустақилликка эришгандан кейин амалга оширган кенг кўламли ишларимиз, биз мақсад

қилиб қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти, эркин ва обод Ватан қуришга қаратилган, юртимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини мутлақо ўзгартириб юборган том маънодаги тарихий ўзгаришлар ва ҳаётнинг ўзи, ҳақиқатан ҳам, биз бундан 17 йил олдин қабул қилган миллий тараққиёт стратегияси яккаю ягона тўғри йўл эканини яққол тасдиқлаб бермоқда.

Мана шу ўта оғир ва мураккаб йўлда қанча-қанча синовлардан ўтиб, қийинчилик ва машаққатларни бошимиздан кечириб, аввало, меҳнаткаш халқимизнинг мустақкам иродаси, қатъияти ва фидойилиги эвазига амалга оширган ишларимизнинг ҳосилини бугун ҳаётимизнинг барча жабҳа ва соҳаларида, ҳар қайси ҳудуд ва минтақамизда кўрмоқдамиз.

Бунинг тасдиғини, айниқса, мустақил тараққиёт йўлимизнинг кейинги беш-етти йиллик даврида қўлга киритган юксак марраларимиз мисолида кузатиш қийин эмас.

Фақатгина охирги беш йил давомида иқтисодиётимизнинг ўсиш даражаси 48 фоизни, йилига эса ўртача 8 фоиздан зиёдни ташкил этгани, аҳолининг реал даромадлари икки карра, ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига ҳисоблаганда икки ярим марта ортгани мамлакатимиз барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётганини кўрсатади.

2007 йилда ўртача ойлик иш ҳақи 1,5 марта кўпайди, жорий 2008 йилда ҳам маошларимизнинг ўсиш суръатлари ўтган йилга нисбатан кам бўлмайди, иншоолло.

Ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган бундай ижобий ўзгаришлар мамлакатимизда аниқ мақсад билан, изчил олиб борилаётган, чуқур ўйланган ислохотларни жорий этиш ва маънавий ҳаётимизни юксалтиришга қаратилган сиёсатнинг амалий ифодаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу борада таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва маърифат, баркамол авлодни вояга етказиш каби муҳим соҳаларга алоҳида эътибор бераётганимизни қайд этиш зарур.

Бугун диёримизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, ёрдам ва кўмакка муҳтож бўлган инсонларни эътиборсиз қолдирмаслик, муҳтарам фахрийларимизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш каби инсонпарварлик руҳида олиб бораётган эзгу ишларимиз давлат сиёсатимизнинг узвий бир қисмига айланиб кетганини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда ёшларимизга кенг йўл очиб бериш, шу борада 2008 йилга «Ёшлар йили» деб ном беришимиз, ҳаётга кириб келаётган навқирон авлодимизнинг билим ва тажриба эгалла-

ши, жамиятда муносиб ўрин топиши, ёш оилаларнинг оёққа туриши учун ҳар томонлама ёрдам бериш — буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, бугун биз қураётган янги ҳаётнинг илдиз ва пойдеворини янада мустаҳкамлашга замин яратмоқда.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун юртимизда амалга оширган улкан ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, айтиш пайтда олдимизга қўйган улуг мақсадларимизга, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига етиш учун ҳали белни маҳкам боғлаб, қаттиқ меҳнат қилишимиз зарурлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз ва англаймиз.

Мана шу кўзлаган юксак марраларимизга етиб бориш, эртанги кунга мустаҳкам ишонч билан қараб яшаш учун бизда барча асослар бор.

Биринчидан, бизнинг мамлакатимиз, халқимиз ўтган давр мобайнида оғир синов ва қийинчиликларда тобланди, ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтишда анча тажриба орттирди. Айтиш мумкинки, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворини қуриб олдик.

Бугунги салоҳиятимиз ва имкониятларимиз мустақиллигимизнинг биринчи йилларидаги ҳолатдан ер билан осмонча фарқ қилади. Бугун бизнинг вазнимиз ва салмоғимиз ҳам, куч-қудратимиз ҳам янада ошиб, Ватанимиз олдида янги уфқлар ва имкониятлар очилмоқда.

Иккинчидан, эртанги кунга ишончимиз кучайиб бораётганининг яна бир муҳим омили шундаки, бизнинг ўз олдимизга қўйган марра ва режаларимиз аниқ ва равшан.

Бу режалар, аввало, бой имкониятларимиз ва салоҳиятимизга таяниб, бошлаган ва амалда ўзини оқлаган ислохотларни чуқурлаштириш ва босқичма-босқич давом эттириш, халқаро илғор тажриба ва ютуқлардан фойдаланиб, мамлакатимизни модернизация қилиш, иқтисодиётимизни барқарор ўсиш суръатлари билан ривожлантиришдек юксак мақсадларимизни амалга оширишга қаратилган.

Учинчидан, ёруғ келажагимизни таъминлашнинг муҳим шарти ва гарови ҳаётимизнинг барча жабҳаларини — бу сиёсий ёки иқтисодий соҳа бўладими, ижтимоий ҳаёт ёки суд-ҳуқуқ тизими бўладими — буларнинг барчасини янада такомиллаштириш, аҳолимизнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини кучайтириш, кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, жамиятимизни янада эркинлаштириш, ижтимоий ва нодавлат ташкилотларнинг мавқеи ва таъсирини ошириш, бир сўз билан айтганда, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишга эришишдан иборатдир. Бугунги кунда бу масала энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Тўртинчидан, олдимизда турган улкан мар-
раларни эгаллашнинг энг асосий мезони — бу
халқимизнинг бақувват иймон-этиқоди, тобо-
ра юксалиб бораётган онгу тафаккури, ҳаётга,
меҳнатга, мулкка муносабати тубдан ўзгараётга-
ни, ўз фуқаролик бурчини чуқур англаб, Ватан-
га муҳаббат ва садоқат, дахлдорлик туйғуси би-
лан яшаётганида намоён бўлмоқда.

Айниқса, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал
қилувчи кучи сифатида майдонга чиқаётган, мил-
лий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асо-
сида тарбия олаётган, жисмоний ва маънавий
соғлом, баркамол ёш авлодимиз тимсолида бу
ҳақиқат яна бир бор ўз тасдиғини топмоқда.

Маълумки, Шарқда азал-азалдан 17 ёш бало-
ғат ва етуклик рамзи ҳисобланади. Истиқлоли-
мизнинг биринчи йилида туғилган фарзандла-
римиз бугун умрнинг ана шундай гўзал ва беғу-
бор фаслига қадам қўймоқда. Бугунги кунда
мамлакатимизда ўн етти ёшга тўлган навқирон
ўғил-қизларимизнинг сони олти юз етмиш уч
минг кишини ташкил этмоқда.

Улар ва уларнинг қаторида охириги ўн йил да-
вомида бутунлай янгитдан қурилган мактаб, ли-
цей ва коллежларни тутатиб, замонавий билим
ва касб-ҳунарларни эгаллаган, қалби, юраги
шижоат ва жўшқинлик билан тўлган миллион-
лаб ёшларимизнинг ҳаётга катта умид ва ишонч

билан кириб келаётгани барчамизнинг кўнглимизни тоғдек кўтаради.

Ўзингиз айтинг, азиз дўстлар, биродарлар, бундай қудратли тўлқин, бундай катта бойликка эга бўлган юртни енгиб бўладими?!

Бешинчидан, биз бугун барча эзгу орзу-интилишларимизни, ҳаётий режаларимизни амалга оширишда жаҳон ҳамжамияти билан ҳамоҳанг бўлиб яшаш, барча узоқ ва яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб обрў-эътибор ва ишонч қозонишни яна бир муҳим омил, деб биламиз.

Бизга елкадош бўлиб, халқимизнинг салоҳияти ва эртанги кунига ишонч билдирган хорижий ҳамкорларимиз билан ҳар томонлама амалий алоқаларни кенгайтириш учун ҳаракатларимизни давом эттирамиз.

Бу борада биз ўзаро манфаатларга жавоб берадиган, минтақамизда ва бутун жаҳонда тинчлик ва барқарорликни сақлашга хизмат қиладиган муносабатларни ривожлантириш, барча можароларни тинч йўл билан ечишга ўз ҳиссамизни қўшиш, шу аснода ўз фаоллигимизни янада оширишни устувор вазифамиз, деб ҳисоблаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг элчиларини, мухтарам меҳмонларимизни, биз-

нинг қувончимизга шерик бўлаётган барча чет эллик дўсту биродарларимиз ва ҳамкорларимизни эл-юртимиз номидан қутлаб, уларга самимий тилаклар билдиришга ижозат бергайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Биз бундан 17 йил муқаддам дунёда ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, фаровон ҳаёт курамыз, деб азму қарор қилдик.

Шу мақсадда истиклол йўлини, мустақиллик йўлини танладик. Бу йўлдан қатъий бормоқдамыз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз!

Бугун мен мана шу юксак минбарда туриб, шу булук мақсад сари собитқадамлик билан бораётган, барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Мана шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор табриклаб, қалбимда бўлган энг эзгу туйғуларимни изҳор этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

2008 йил 31 август

ВАТАНИИ ШАРАФЛАГАНЛАР ЭЛ-ЮРТ АРДОҒИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2008 йил 10 сентябрь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекинда бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлга киритган спортчиларимизни, уларнинг устоз ва мураббийларини қабул қилди.

— Биз бугун яқинда Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX Олимпиада ўйинларида қатнашган ва юксак ғалабаларга эришган спортчиларимизни қутлаш ва тақдирлаш учун тўпландик, — деди давлатимиз раҳбари. — Бутун жаҳон спорт ишқибозлари қатори Ўзбекистонда ҳам миллионлаб мухлислар дунёдаги энг нуфузли мусобақа бўлган ана шу халқаро олимпиада беллашувларининг қандай кескин ва машаққатли курашлар остида ўтганини кузатиб турди.

Ҳеч шубҳасиз, айнан мана шундай шиддатли ва мурасасиз курашларда юксак марраларни эгаллаш учун қатнашган спортчиларимиз, албатта,

халқимизнинг, жамоатчилигимизнинг диққат-эътиборида бўлгани, ҳар қайси спортчининг мухлислари уларни қўллаб-қувватлаб, мадад тилаб тургани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда бу ўйинларга бетараф одам бўлмади, бутун Ўзбекистон халқи сизлар эришган ютуқларни, худдики, ўз ғалабасидек қабул қилди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Шу нуқтаи назардан баҳолаганда, мана шу Олимпиадада сизлар қўлга киритган натижалар бутун халқимизнинг, авваламбор, сизларга жону дили билан омад ва муваффақият тилаб турган ёшларимизнинг ғалабаси бўлди, десак, бу ҳам айна ҳақиқат бўлади, деди Президенти-миз.

Пекиндаги мусобақаларда иккинчи бор Олимпиада чемпиони олтин медалини қўлга киритган Артур Таймазов, кумуш медаллар билан тақдирланган Абдулла Тангриев ва Сослан Тигиев, бронза медалларига сазовор бўлган Екатерина Хилько, Ришод Собиров ва Антон Фокин ана шундай ўта кескин ва шиддатли курашларда ғолиб чиқиб, ҳақиқатан ҳам қаҳрамонлик намунасини кўрсатгани халқимизга чексиз қувонч ва гурур бахш этганини бугун барчамиз хурсандчилик билан қайд этамиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мана шундай юксак марралар ва ютуқларга эришган Ўзбекис-

тон спортчиларини, Олимпиадада қатнашган барча йигит-қизларимизни, шу ғалабаларни қўлга киритишга муносиб ҳисса қўшган, ёш спортчиларни тарбиялаб, уларга куч-қувват ва маҳорат бағишлаган устоз-мураббийларни, бутун команда аъзоларини яна ва яна бир бор табриклаш менга катта мамнуният ва ифтихор етказди.

Бу ғалабанинг асосий моҳияти ва аҳамияти шундаки, у Ўзбекистон номини ва нуфузини бутун дунёда янада юксалтириш, халқимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини намоён этишга хизмат қилади.

Айни пайтда бу улкан ютуқ бугун ҳаётга кираётган, машҳур спортчилар сафига киришни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, куч-ғайрати ва спорт маҳоратини ошириб келаётган ёш, навқирон авлодимизга ўрнак ва ибрат бўлиши билан, айниқса, шарафлидир.

— Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, — деди Президентимиз, — Ўзбекистон спорт жамоатчилиги, спортга ихлосманд бўлган халқимиз Пекин Олимпиадаси якуни билан бир ҳақиқатни яхши англаб, хулоса чиқармоқда. Яъни, бутун жаҳон жамоатчилиги кузатиб турадиган бундай нуфузли мусобақаларда ғалабага эришиш, ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган натижаларни қўлга киритиш, энг аввало, бизнинг барчамизга боғлиқдир.

Биринчи навбатда, спортчиларнинг ўзига, уларнинг азму шижоат, ирода ва қатъият бобида ҳеч кимдан кам бўлмасдан, дунёдаги энг юксак спорт марраларини эгаллаш учун интилишига боғлиқ. Ва албатта, спорт устозларининг ўз мураббийлик малакаси ва маҳоратини оширишига боғлиқ. Ўзбекистонимизда бутун дунёга донғи таралган спорт устозлари мактабини яратишимизга боғлиқ.

Бўлиб ўтган Олимпиадада спортчиларни тайёрлаш бўйича Хитой тажрибасини чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш, керак бўлса, спорт соҳасида илғор илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш зарур.

Лекин олдимизда турган энг катта вазифа — мамлакатимизда спортни ҳар томонлама ривожлантириш учун давлат ва ижтимоий идораларнинг, бу масалага дахлдор бўлган барча ташкилотларнинг, кенг жамоатчиликнинг куч ва имкониятларини сафарбар этиш, айниқса, спорт билан фаол шуғулланаётган азиз фарзандларимиз сафини янада кенгайтириш лозим.

Энг муҳими, нафақат спорт соҳасига ажратилаётган маблағларни кўпайтириш, айти пайтда бу масалага эътиборимизни яна ва яна бир бор кучайтириш зарур.

Ҳаммамизга маълумки, биз Пекин Олимпиадаси якунларини чуқур таҳлил қилиш ва тегиш-

ли хулосалар чиқариш, 2012 йилда Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига чуқур тайёргарлик кўриш учун ҳукумат комиссиясини тузиш ҳақида қарор қабул қилдик.

Ўйлайманки, бу қарорда кўзда тутилган мақсад ва вазифалар жаҳон ва Осиё қитъасида, минтақамизда бўлиб ўтадиган мусобақаларда катта ютуқ ва ғалабаларни, янги-янги медалларни қўлга киритиш йўлида мустақкам замин бўлиб хизмат қилади.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, илгари айтган даъватни яна бир бор такрорлаб айтишга ижозат бергайсиз: бўш келманглар, азиз фарзандларим, эртанги кун бизники, марра бизники.

Барчамиз шу даъват билан яшашимиз керак, шу даъватни амалга ошириш учун ўзимизни аямаслигимиз керак, — деди пировардида Ислом Каримов.

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПРОФЕССОР-
ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИГА,
БУТУН ЖАМОАСИГА**

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни мамлакатимизда ва бутун Ўрта Осиё минтақасида энг нуфузли ва етакчи олий ўқув юртларидан бири бўлган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ташкил топганига 90 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ўзбекистон Миллий университетининг Ватанимиз тарихи ва тараққиётидаги алоҳида ўрни ва мавқеини, унинг нафақат республикамызда, балки минтақамызда ҳам биринчи замонавий олий таълим муассасаси сифатидаги беқиёс аҳамиятини халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Бу мўътабар олий ўқув даргоҳининг ўтган асрнинг 18-йилида «Туркистон мусулмонлари халқдорилфунуни», 20-йилда «Туркистон давлат университети», 23-йилда «Ўрта Осиё давлат университети», 60-йилга келиб «Тошкент давлат уни-

верситети» деб аталгани ва ниҳоят, 2000 йили «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети» деган юксак ном олгани унинг узоқ ва давомли, шу билан бирга, шарафли тарихий йўлни босиб ўтганидан далолат беради.

Ҳеч шубҳасиз, бу, ўз навбатида, университетнинг ҳаёти Ўзбекистон ҳаёти билан узлуксиз ва чамбарчас боғланиб кетганини, Ватанимиз қандай машаққатли ўсиш ва юксалиш жараёнларини бошидан кечирган бўлса, уларнинг барчаси ушбу билим даргоҳи тимсолида акс этганини кўрсатади ва бу бетакрор фан ўчоғи, таълим масканига нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиром уйғотади.

Бугун университетнинг қутлуғ тўйини кенг нишонлар эканмиз, унинг узоқ йиллар мобайнида юртимиз ва қўшни давлатларни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, Ўрта Осиёдаги кўплаб олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасаларини шакллантиришга қўшган улкан ҳиссаси, ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги барча университетлар учун ҳар томонлама таянч маскани бўлиб келаётганини таъкидлашимиз табиийдир.

Мана шундай қувончли кунда барчамиз бундан 90 йил муқаддам, ўта офир, қалтис ва мураккаб бир даврда университетнинг тамал тошини қўйган буюк маърифатпарвар боболаримиз-

нинг муборак номларини миннатдорлик билан эсга оламиз, уларнинг маънавий жасорати, руҳи поклари олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Миллий университетимизни бугунги юксак даражага кўтаришда катта хизмат қилган атоқли илм-фан намояндаларининг, миллионлаб ёшларга таълим ва инсонийлик сабоғини берган заҳматкаш устозларнинг хотирасини ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этамиз.

Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг қайси соҳаси ва тармоғини олмайлик — бу давлат ва жамият қурилиши ёки иқтисодиёт бўладими, илм-фан ёки маданият ривожини бўладими — буларнинг барчасида мана шу олий ўқув юртида камолга етган минг-минглаб инсонлар ўзининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин.

Бу ерда фаннинг муҳим соҳалари, хусусан, математика, физика, биология, кимё, геология ва бошқа замонавий тармоқлар бўйича шаклланган илмий мактабларнинг фаолияти халқаро илмий жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилгани ва бундай изланишлар бутун ҳам изчил давом эттирилаётгани, айниқса, эътиборга сазовордир.

Кейинги йилларда бу масканда бугунги тараққиётимиз учун устувор аҳамиятга эга бўлган

биоинформатика, генетика, ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер лингвистикаси, экология, социология, сиёсатшунослик каби бир қанча янги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилгани университетнинг салоҳият ва имкониятлари тобора юксалиб бораётганини кўрсатади.

Бугун Ватанимиз олдида турган ҳеч кимдан кам бўлмайдиган озод ва обод, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш билан боғлиқ устувор масалани ҳал этишга қодир бўлган янги авлодни тарбиялашда Миллий университетимизнинг зиммасига юклатилган вазифа нақадар масъулиятли эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаймиз.

Миқёси ва аҳамиятини ўлчаш қийин бўлган бундай юксак мақсадларни амалга ошириш барчамиз, авваламбор, университет раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар, талаба ёшлар, унинг кўп миллатли жамоаси олдида, табиийки, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўяди. Бу борада давлатимиз ва жамиятимиз ёрдамига суяниб, университетнинг ўқув ва илмий салоҳиятини, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг замон талаб қиладиган стандарт ва андозаларга жавоб беришига эришиш, Талабалар шаҳарчасини янада обод этиш, ёшларнинг билим ва таълим олиши, маънавий юксалиши, жисмоний тарбия ва

спорт билан шуғулланиши учун барча шароитларни яратиб бериш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу ўринда бугунги давр билан ҳамоҳанг бўлиб яшаш, доимо янгиликка интилиш, тараққий топган давлатлардаги олий ўқув юртлари ва халқаро илмий марказлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга эришишда ишончли замин бўлади, деб умид қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларнинг олдингизда турган яна бир муҳим вазифани унутмасликка барчангизни даъват этмоқчиман: Ўзбекистон Миллий университети қарийб бир асрлик тарихимиз давомида илму фан, таълим-тарбия ва маърифат бешиги бўлиб, бугун мамлакатимизда тобора юксалиб бораётган олий ўқув юртларига етакчи бўлиб, раҳнамо бўлиб келган ва сиз, азизлар бундан кейин ҳам бундай масъулиятли вазифани шараф билан адо этасизлар, деб ишонаман.

Сизларни, сизлар орқали бутун юртимиз маърифат аҳлини бугунги қутлуғ сана билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, ишларингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

2008 йил 27 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!

Қадрли устозлар!

Дунёдаги энг машаққатли, айна пайтда ша-
рафли касб эгаси бўлган сиз, азизларни умум-
халқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар
куни билан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, биз барчамиз, ёшимиз ва кас-
бу коримиздан қатъи назар, қалбимизда унутил-
мас из қолдирган қадрдон мактабимиз ва унинг
бағрида кечган беғубор йилларимизни, бизга
билим берган, инсонийлик фазилатларини ўргат-
ган меҳрибон ўқитувчи ва мураббийларимизни
умр бўйи катта ҳурмат ва эҳтиром билан эслай-
миз. Айна шундай устозларга нисбатан миннат-
дорлик ва қарздорлик туйғуси азал-азалдан хал-
қимиз эъзозлаб яшаётган энг буюк қадриятлар-
дан бири бўлиб келмоқда.

Биз истиқлолга эришганимиздан кейин таъ-
лим соҳасида эски қолиплардан воз кечиб, бу-
тунлай янгича принципларга, аввало, миллий

анъана ва қарашларга, жаҳондаги илғор андозаларга асосланган тизимни барпо этиб, ҳаётимизга чуқур жорий этганимиз бугунги кунда ўзини амалда тўлиқ оқлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Буни ҳозирги вақтда нафақат юртимиз аҳли, балки кенг халқаро жамоатчилик тан олиб, бу тизим узоқни кўзлаётгани, унинг миқёси ва кўлами ортиб, мамлакатимизнинг буюк келажаги учун том маънода ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани, таъбир жоиз бўлса, «портлаш таъсири»га олиб келиши мумкинлигини эътироф этмоқда.

Асосий маъно ва моҳиятини мутлақо янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий янгилик ва технологияларни ўзлаштиришга қурби-қудрати етадиган, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топаётган, маънавий ва жисмоний етук ёшларимизни тарбиялашдек эзгу мақсад ташкил этадиган бу тизим ҳақли равишда ўзгаларнинг ҳавасини уйғотмоқда.

Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ана шундай ёш авлодимизни вояга етказаётган фидойи ўқитувчи ва мураббийларга эътиборни кучайтириш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, соҳа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизимини яратиш таълим соҳасида олиб бораётган ислохотларимизнинг самараси ва пировард натижасини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Шу борада умумтаълим мактабларида хизмат қилаётган ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи кейинги икки йил мобайнида 2,8 баробар оширилганини қайд этиш жоиз. Фақатгина мана шу йилнинг ўзида олий ўқув юртлари, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи қўшимча равишда 1,5 баробар оширилгани бу йўлда яна бир муҳим қадам бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Албатта, таълим соҳасида ишлаётган мутахассисларнинг бугунги ва келажак ҳаёти учун замин туғдириб бермасдан, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламасдан, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламасдан туриб, бу ҳақдаги барча даъватлар кутилган натижани бермаслигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Табиийки, ҳозирги кунда турмуш даражаси ва сифатининг тобора ўсиб бориши ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, унинг меҳнاتини холисона баҳолаш ва рағбатлантириш масаласини давлат ва жамиятимиз олдига муҳим вазифа қилиб қўймоқда. Бундай сиёсатни изчил амалга ошириш ва узлуксиз давом эттиришни мен бундан буён ҳам ўзимнинг Президент сифатидаги юксак бурчим деб биламан.

Биз мустақиллик йилларида олдимизда турган энг устувор вазифа — соғлом ва баркамол

авлодни тарбиялашдек эзгу орзу-интилишларимизни рўёбга чиқариш авваламбор юқори малакали педагоглар, устоз-мураббийларга боғлиқ эканини чуқур англаган ҳолда, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, кадр-қимматини жойига қўйиш, янги ҳаёт, янги жамият қуриш жараёнида жойларда ва марказда кундалик муаммоларни маърифат аҳли билан бамаслаҳат ечиш масаласига алоҳида эътибор қаратаётганимиз албатта бежиз эмас.

Бугунги кунда мамлакатимизда қарийб 1 миллион таълим соҳаси ходимлари ўзининг кўз нури ва қалб кўри, билим ва истеъдодини бағишлаб, 7 миллиондан зиёд ўғил-қизларимизга таълим ва тарбия бераётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу соҳада бизнинг қандай катта куч ва салоҳиятга эга эканимиз аён бўлади.

Шу маънода, мамлакатимизда 1 октябрь санасини Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — мана шундай гўзал ва мўътабар байрам сифатида белгилаб, уни дам олиш куни деб эълон қилганимиз дунёда камдан-кам учрайдиган мисол бўлиб, давлатимиз, халқимизнинг, шахсан ўзимнинг сиз, азизларга бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромимнинг яққол ифодаси десам, янглишмаган бўламан.

Шу ўринда яна бир фикрга алоҳида тўхталиб ўтишни лозим деб биламан. Бугунги кунда юк-

сак маънавиятни жамиятимизда енгилмас кучга айлантириш ҳақида қизгин фикр алмашувлар бўлиб ўтаётганидан барчангиз яхши хабардорсиз. Бу ўта муҳим ва долзарб масалани кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйишнинг зарурати ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Фақат таъкидлаб айтмоқчиман: болаларимизни миллий қадриятлар руҳида камол топтириш, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг ворислари эканимизни фарзандларимизга етказиш, уларни аждодларимиз қолдирган улуғ ва бетакрор мероснинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ана шундай муҳим тушунчаларни биз интилаётган эркин ва фаровон, обод ҳаётни бунёд этишга қодир бўлган янги авлоднинг онгига сингдириш, уларни бугунги юксак тараққиёт чўққиларини эгаллашга даъват этиш, умидимиз ва ишончимиз бўлмиш ўғил-қизларимизни ҳар қандай бало-қазо ва хавф-хатарлардан асраш ва ҳимоя қилиш биз учун энг ўтқир, ҳал қилувчи масала бўлиб қолаётганини унутмаслигимизни истардим.

Мана шундай буюк, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган вазифани аввало навқирон наслнинг меҳрибон тарбиячилари, менинг энг яқин кўмакчим ва маслакдошларим бўлган сиз, азизларга

ишониб топширганимизни бутун шу юксак мин-бар орқали алоҳида таъкидлашдан мамнунман.

Муҳтарам ва қадрли устозлар!

Мана шу муборақ кунларда бутун юртимиз бўйлаб кенг нишонланаётган қутлуғ байрамингиз билан сизларни яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Меҳр ва маърифат нури қалбингизни ҳеч қачон тарк этмасин, азизларим!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВГА

Муҳтарам Пиримқул Қодирович!

Авваламбор, Сизни ҳаётингиздаги қутлуғ сана — муборак 80 ёшингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сизнинг бугунги таваллуд айёмингиз барча китобхонлар, бутун адабиёт аҳлининг катта байрамидир. Эл-юртимиз Сизни атоқли адиб, етук адабиётшунос олим ва таниқли жамоат арбоби сифатида яхши билади ва қадрлайди. Сизнинг қаламингизга мансуб бадиий баркамол ва чуқур ҳаётийлик руҳи билан суғорилган қатор қисса ва романлар халқимизнинг маънавий юксалишида муҳим ўрин тутиб, катта тарбиявий аҳамият касб этиб келмоқда. Юксак инсоний фазилатларни тараннум этувчи бу асарлар жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилингани билан ҳам эътиборлидир.

Айниқса, собиқ шўро мафкураси тазйиқлари ва қаршиликларига қарамай, Сиз халқимиз тарихининг ёрқин саҳифаларидан бўлмиш буюк

темурийлар даврини, дилбар шоир ва давлат ар-боби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодларининг мураккаб, машаққатли ҳаёт йўлини ҳаққоний акс эттирган «Юлдузли тунлар», «Авлодлар доवони» сингари гўзал асарлар яратдингиз ва улар адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олиб, халқимизнинг маънавий мулкига айланди.

Истиқлол руҳи Сизнинг ижодингизга янги куч-қувват ва илҳом бергани сўнгги йилларда ёзилган асарларингизда яққол намоён бўлиб турибди. Хусусан, шу улуг ва табаррук ёшда ҳам ҳормай-толмай ижод қилиб, «Тил ва эл», «Амир Темур сиймоси» сингари пухта изланиш ва тадқиқотларга бой китоблар яратганингиз ёш адиблар учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Таваллуд кунингиз муносабати билан яна бир бор муборакбод этар эканман, Сизга мустаҳкам соғлиқ, ижод ва илҳом завқи, хонадонингизга файзу барака доимо ёр бўлишини тилайман.

Эҳтиром билан

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

ВАТАНИМИЗНИНГ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ — БИЗНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, сиз, азизларни ва сизлар орқали бутун халқимизни қутлуг байрам — Конституция куни билан чин қалбимдан самимий мувоҳаббат этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Шу кунларда биз мамлакатимизнинг Асосий қонуни бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

Конституциямиз юртимизда демократик давлат қуриш, эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини барпо этиш бўйича энг муҳим тамойиллар, қоида ва меъёрларни ўзида мужассамлаштириб, жамиятимиз ҳаётининг асосий ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, биз Конституциямизни қабул қилиш билан ўз умрини ўтаб бўлган, мафкуралашган, мустабид маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бутунлай воз кечдик, мамлакатимизни ҳуқуқий-демократик ривожлантиришга қаратилган, халқимизнинг туб манфаатларига жавоб берадиган янги стратегияни аниқ белгилаб олдик.

Асосий қонунимизнинг негизини ташкил этадиган қоида ва талаблар асосида мамлакатимизни тубдан ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг ўзбек модели қабул қилинди. Бу моделнинг мазмун-моҳиятини ифода этадиган бешта асосий тамойил ҳозир ҳам ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Бугун, вақт ўтиши билан, ҳаётнинг ўзи, мамлакатимиз эришаётган юксак марралар Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган, халқимизнинг орзу-умидлари, бугунги ва келажак манфаатларига жавоб берадиган қоида ва принципларнинг нақадар тўғри эканини исботламоқда, десам, ўйлайманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз.

Ўтган давр мобайнида халқимизнинг азмушижоати, фидокорона меҳнати билан кўлами ва чуқурлигига кўра ғоят улкан ютуқлар қўлга киритилди.

Бунинг тасдиғини авваламбор мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг барқарор

суръатларида, аҳоли фаровонлигининг изчил ва мунтазам ошиб бораётганида, қишлоқ ва шаҳарларимиз янада обод бўлиб, янгича қиёфа касб этаётганида, энг муҳими, юртимизда рўй бераётган демократик янгиланиш жараёнларида яққол кўриш мумкин.

Энг асосийси — одамларимизнинг руҳияти ва дунёқараши, ҳаётга, ўз меҳнатининг натижасига муносабати, жаҳонда ва ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси тубдан ўзгармоқда. Уларнинг сиёсий фаоллиги, ўз фуқаролик бурчи ва масъулиятини англаш туйғуси кучайиб бормоқда.

Халқимизнинг айнан ана шундай ўсиб бораётган ижтимоий фаоллиги, унинг сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурида юз бераётган чуқур ўзгаришлар юксалиб бориши билан мамлакатни ислоҳ қилиш бўйича биз танлаган моделнинг мантиқий давоми юртимизни демократик янгилаш учун янги вазифаларни, фуқароларимизнинг давлат бошқарувидаги ролини оширишни тақозо этмоқда.

Хусусан, бу мақсад-вазифаларни амалга ошириш йўлида давлатнинг ролини изчил равишда камайтириб бориш ва айни пайтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — **маҳалланинг фаолият кўлами ҳамда ваколатларини кенгайтириш**, аҳоли турли қатлам ва гу-

руҳларининг туб манфаатларини ифодалайдиган ва ҳимоя қиладиган сиёсий ва ижтимоий институтлар, нодавлат, ноҳукумат тузилмалар ролини кучайтириш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳақиқатан ҳам, ана шундай олийжаноб мақсадларга эришиш йўлида ҳеч шубҳасиз, маҳалланинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини тушуниш, англаш қийин эмас, деб ўйлайман.

Бир вақтлар «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла», деган ибора бежиз пайдо бўлмаган ўзи.

Ўзингиз ўйланг, чуқурроқ қараганда, бугун сиёсий партиялар, нодавлат ва турли ижтимоий ҳаракат ва тузилмалар ҳақида гапирганда — айтинг, уларнинг **илдиз-томирлари маҳалла зами-нида ўсмайдими ўзи?**

Одам шулар ҳақида ўйлар экан, узоқ тарихимизда маҳалла, деган идоранинг ўзбек заминида пайдо бўлишида **ташаббускор, сабабчи бўлган аجدод-авлодларимизга ҳар қанча таъзим қилса арзийди, албатта.**

Олдимизда турган мақсадларга эришишда, марказда ва жойларда давлат органларини шакллантиришда ана шундай тузилмаларнинг иштирокини янада кенгайтириш ва улар томонидан давлат бошқарув идоралари фаолияти устидан назоратнинг амалга оширилиши ўта муҳим ўрин тутди.

Лўнда қилиб айтганда, фуқаролик жамиятининг шакл-шамойилини, жамиятимизнинг ранг-баранглигини тўлиқ ифода этадиган, ижтимоий-сиёсий, социал, маданий-маърифий ва профессионал ташкилот ва муассасаларни қамраб олган ҳамжамят-ни ўзимизга тасаввур қиламиз.

Унинг асосий мақсад-муддаоси, миллати, дини, ирқи ва жинси, эътиқоди ва қарашларидан қатъи назар шу давлатда яшаётган ҳар қайси инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш ва ҳаётда уларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун барча имконият ва шароитларни яратиб беришдан иборатдир.

Давлат органлари ва сиёсий, ижтимоий, фуқаролик институтларининг ўзаро ҳамжиҳатлигига эришиш кўп жиҳатдан жамиятдаги турли ижтимоий келишмовчиликларнинг олдини олиш ҳамда мамлакатнинг изчил ва барқарор ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради. Ўйлайманки, буни исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Бошқарувнинг том маънодаги демократик тизимига ўтиш кўп жиҳатдан ана шундай омилларга боғлиқдир. Ҳокимиятнинг бюрократизм ва коррупция иллатларига берилиши ва одамларни сансалорликка ташлашни олдини олишнинг асосий чораси ҳам айнан мана шунда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш — албатта, бу узоқ давом этадиган, узлуксиз ва мураккаб жараён бўлиб, бу мақсадга эришиш мамлакат ва жамиятни ислоҳ қилиш мақсадлари ва йўлининг тўғри танланганига, биринчи навбатда, одамларнинг онгу тафаккурида демократик ва либерал қадриятларнинг нақадар мустаҳкам ўрин олаётганига боғлиқ эканини барчамиз яхши англаймиз, деб ўйлайман.

Энг муҳими, ислохотларнинг асосий субъекти бўлмиш инсон мамлакатда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишларнинг зарурлигига, улардан аниқ манфаат топишига ўз ҳаётий тажрибаси мисолида ишонч ҳосил қилиши зарур.

Юртимизда замонавий демократик давлат ва жамият қуриш бўйича Конституциямизда белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш борасида эришилган муҳим натижаларни муносиб баҳолар эканмиз, бир фикрни алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугунги кунда демократик ислохотлар ва жамиятни либераллаштиришни изчил ва босқичма-босқич давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш жараёни ўзининг аниқ ва равшан марраларига эга бўлиб, ҳаётимизда бошланган туб ўзгаришлар албатта ўз мантиқий якунига етказилади, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Бу — бизнинг келажагимиз, келажагимиздан эса биз ҳеч қачон қайтмаймиз.

Азиз юртдошлар!

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, ҳозирги пайтда энг муҳим ва долзарб бўлиб турган масала — жаҳон миқёсидаги молиявий инқироз ва унинг мамлакатимизга таъсири хусусида қисқача тўхталиб ўтиш зарур, деб ҳисоблайман.

Аввало, жаҳон молиявий инқирози ҳақида.

Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди.

Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларнинг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Ҳозирги вақтда бир қатор етакчи таҳлил ва экспертлик марказлари глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган

оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келмоқда.

Биринчидан, молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талафотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди.

Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади.

Учинчидан, молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади.

Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига,

миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада — мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ.

Тўртинчидан, жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ.

Шу йил ноябрь ойида Вашингтонда, жаҳон ялпи маҳсулотининг 85 фоизини ишлаб чиқарадиган 20 та йирик давлат иштирокида бўлиб ўтган саммит глобал молиявий инқирознинг кўлами тобора кенгайиб бораётганини тасдиқлади.

Ушбу саммитда бўлиб ўтган муҳокамалар шуни кўрсатдики, бугун жаҳон молиявий инқирозининг олдини олиш ҳақида сўз бораётгани йўқ, балки ундан қандай қилиб чиқиш йўллари изланмоқда, холос. Яъни, бу масалада вазият шу даражага етдики, энди аввалги марраларга қайтиш ҳақида сўз юритишга асос йўқ.

Муҳокамаларда инқирозни келтириб чиқарган сабаблар таҳлили бўйича саммит иштирокчиларининг ягона ёндашувга эга эмаслиги, шу боис ушбу глобал молиявий инқирознинг жиддий ва узоқ давом этадиган оқибатларини бартараф этиш юзасидан умумий ва самарали дастур ишлаб чиқиш ҳақида гапиришга ҳали эрта экани аён бўлди.

Шу билан бирга, мазкур саммитнинг бўлиб ўтгани, унда жаҳон молия инқироzi билан боғлиқ муаммолар ва вужудга келган вазият муҳокама қилинганининг ўзи умид уйғотадиган ижобий ҳол экани шубҳасиз.

Ҳурматли дўстлар!

Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами биринчи навбатда шу давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучли эканига боғлиқлигини исботлашга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Ўзбекистонда қабул қилинган ва амалда ўзини тўлиқ оқлаган ислохотлар ва модернизациялашнинг ўзига хос моделидан келиб чиқадиган принциплар ва мақсадли вазифалар ҳақида сўз борганда, бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим.

Биз иқтисодий ислохотларни ўтказишда узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни кўзда тутган ҳолда, «шок терапияси» деб аталган усулларни бизга четдан туриб киритишга қаратилган уринишлар ва бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан ўз вақтида воз кеча олдик.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик.

Энг муҳими, парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун ўтиш даврида айнан давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини биз ўзинизга аниқ белгилаб олдик.

Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади.

Биз танлаган тараққиёт модели, мамлакатни ислоҳ этиш, модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган пухта

ўйланган сиёсат бугунги кунда ўз самарасини бермоқда, деб айтишга барча асосларимиз бор. **Ва бу сиёсат юртимизни турли салбий жараёнлар ва инқирозлар таъсиридан сақлайдиган мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.**

Шу ўринда, Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганини ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканини таъкидлаш жоиз.

Айрим мисолларга тўхталиб ўтсам.

Ҳеч кимга сир эмаски, бугун кенг кўламда тарқалиб бораётган жаҳон молиявий инқирозининг асосий сабабларидан бири — бу банклар ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятининг заифлиги билан боғлиқ муаммонинг кескинлашуви, кредит бозоридаги танглик, содда қилиб айтганда, пул маблағларининг етишмаслиги билан изоҳланади.

Кейинги йилларда республикамызда банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш борасида бир қатор тизимли ишлар амалга оширилди.

Бу эса мамлакатимиз банк тизимининг асосини ташкил этадиган Миллий банк, Халқ банки, Саноатқурилишбанк ва Микрокредит банк-

ларининг, шунингдек, Асакабанк, Пахтабанк, Ғаллабанк каби тижорат банкларининг капитал базасини ва ликвидлигини, яъни тўлов ва кредит бериш салоҳиятини тубдан ошириш имконини берди.

Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида фақат 2008 йил давомида республика тижорат банклари жами капиталининг тўртдан уч қисмини ўзида бирлаштирган саккизта етакчи тижорат банкининг умумий капитали ҳажми 42 фоизга ошди ва бу кўрсаткич 2010 йилгача икки баробар ортади.

Тижорат банкларининг активлари миқдори, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ шаклланган захираларни ҳисобга олган ҳолда, 13 триллион 360 миллиард сўмдан ошади.

Бу аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг жалб қилинган депозитлари ҳажмидан тахминан 2,4 баробар кўп демакдир.

Банк активлари ҳажмининг сезиларли даражада ошганини ҳисобга олиб, бугунги кунда республикамызда аҳолининг банклардаги барча депозитларини давлат томонидан юз фоиз кафолатлаш таъминланмоқда.

Шу борада 2006 йилда ташкил этилган Микрокредитбанкнинг фаолияти хусусида алоҳида тўхталмоқчиман.

Мамлакатимиз ҳудудларида 78 та филиали ва 270 дан зиёд минибанки фаолият кўрсатаётган мазкур банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғини кредитлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўтган икки йил давомида ушбу банк активлари миқдори 3,5 баробар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажми 4 баробарга ошди ва бу мақсадларга 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Яқинда Президент фармони асосида Микрокредитбанк устав жамғармасини 72 миллиард сўмга ошириш ва унинг ҳажмини 150 миллиард сўмга етказиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Мен тўхталмоқчи бўлган яна бир масала — ташқи қарз ва уни узиш муаммолари билан боғлиқ.

Шуни айтиш керакки, кўплаб давлатларнинг ташқи қарз масаласидаги пухта ўйланмаган сиёсати уларнинг иқтисодиётини заиф, ташқи омилларга қарам, хатарли вазиятлар олдида ҳимоясиз ва ночор аҳволга солиб қўйганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келмоқда.

Шуни ҳам қайд этишни истардимки, қарзни ўз вақтида қайтара олишга қатъий ишончимиз ва кафолатимиз бўлмаган пайтларда муайян лойиҳаларни кредитлаш бўйича айрим таклифлардан воз кечган ҳолатларимиз ҳам бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 13,3 фоизини ташкил этади ва экспорт ҳажмининг 31 фоизидан ошмайди. Бу халқаро мезонларга кўра, ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат, деб баҳоланади.

Тижорат банкларимизнинг ташқи мажбуриятлар бўйича тўловларининг ҳолати ва ҳажми масаласи бўйича сўз юритганда ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ. Бу ҳам республикаимиз банк тизими жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсири ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимояланганини кўрсатади.

Ўзбекистон ўзининг ишончли ва тўлов қобилиятига эга ҳамкор эканини, мамлакатимизда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилганини амалда исботламоқда.

Сўнгги икки йил давомида ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 баробардан кўпроқ ошганининг ўзи ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Жорий йил охиригача 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилади, шу жумладан, уларнинг 70 фоизини

тўғридан-тўғри жалб қилинадиган инвестициялар ташкил этади.

2009 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида 1,8 миллиард АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестицияларни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Уларнинг тахминан тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри жалб этиладиган инвестициялардир.

Умуман, 2009 йилда мамлакат иқтисодиётига киритиладиган хорижий ва ички инвестицияларни ҳисобга олганда, капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг камида 25 фоизини ташкил этади.

Энди аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирлар хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Жорий йилнинг 11 оyi давомида мамлакатимизда инфляция даражаси 6,6 фоизни ташкил этди, умуман, йил давомида бу кўрсаткич 8 фоиздан ёки 2008 йил прогноз кўрсаткичларидан ошмайди.

Бюджет соҳаси ходимларининг ўртача иш ҳақи 2008 йилда 51 фоизга, хўжалик субъектларини ҳисобга олган ҳолда эса, 47 фоизга ортади.

Шу тариқа кейинги икки йил давомида, яъни 2007—2008 йилларда мамлакатимизда ўртача иш

ҳақининг 2 баробардан зиёдроқ ўсишига эришамиз.

Бу эса эл-юртимизнинг фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг харид қобилиятини оширишни кўзда тутадиган энг муҳим устувор мақсадларимизга тўла мос келади.

Муҳтарам ватандошлар!

Табиийки, юқорида келтирилган мисол ва рақамлардан тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди.

Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим — Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин.

Шу боис глобал молиявий инқироз ва биринчи навбатда унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва самарадорлик ҳолатларига таъсир этаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металллар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи тушиб бормоқда.

Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ва инвесторларнинг экспортдан оладиган тушумлари камайишига олиб келади.

Уларнинг фойда кўришига ва ишлаб чиқариш рентабеллигига, охир-оқибатда эса макроиқтисодий кўрсаткичларимизнинг ўсиш суръатлари ва иқтисодиётимизнинг бошқа томонларига салбий таъсир этади.

Шубҳа йўқ, жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун бизда барча зарур шарт-шароитлар мавжуд.

Авваламбор бунинг кафолати — кейинги давр мобайнида мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятининг пухта пойдеворини, молия-банк тизимининг ишончли бошқарув механизмларини ўз вақтида шакллантириб ва мустаҳкамлаб олганимиз бунга асос бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

Республика Президентининг яқинда қабул қилинган фармони билан жаҳон молия инқирозининг оқибатларига қарши кураш йўлида банк ва молия тузилмаларига қўшимча ёрдам бериш, иқтисодиётнинг реал сектори корхона ва компанияларининг фаоллигини кучайтириш ва рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишга солиш кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда глобал инқирознинг оқибатларини, бугунги ва эртанги кутиладиган таъсирини ҳисобга олган ҳолда, қатъий, ҳар томонлама ўйланган кенг қўламли лойиҳалар бугун амалга оширилмоқда.

Албатта, мамлакатимизда бундай чора-тадбирлар татбиқ қилиниши билан бир қаторда бу жиддий синовни енгиш, ҳеч шубҳасиз, кўп жиҳатдан ҳаммамиздан аввало масъулиятимизни тегис равишда қилишни, барча имконият ва ресурсларимизни ишга солишни талаб қилади.

Буни ҳаммамиз чуқур англаб олишимизни истардим.

Ҳурматли юртдошлар!

Бундан бир йил муқаддам мана шу муҳташам залда сизлар билан бамаслаҳат 2008 йилни юртимизда «Ёшлар йили» деб эълон қилган эдик.

Бу қароримизнинг маъно-мазмуни ва асосий мақсадлари ҳақида гапирганда, авваламбор унибўсиб келаётган фарзандларимизга янада кенг йўл

очиб бериш, уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз қобилият ва имкониятларини, куч-қувватини намоён этиши учун давлатимиз, жамиятимиз томонидан шароит туғдириш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, бир сўз билан айтганда, навқирон авлодни биз қураётган янги жамиятнинг ҳал қилувчи кучига айлантириш вазифаси қўйилгани барчамизга яхши маълум.

«Ёшлар йили»га бағишлаб ишлаб чиқилган махсус давлат дастури ва шу асосда бажараётган амалий ишларимиз истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат ва ижтимоий сиёсатимизда ёшларга берилаётган эътиборни янада кенгайтириш ва кучайтириш учун янги имкониятларни сафарбар қилишга қаратилди.

Шу масалага доир кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш учун биринчи навбатда моддий ва молиявий манбалар, масъул идора ва ташкилотлар, тегишли ижрочилар аниқ белгилаб олинди.

Дастурнинг бажарилишини назорат қилиш вазифаси марказда республика комиссиясига, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича эса махсус ҳудудий комиссиялар зиммасига юклатилди.

2008 йилни мамлакатимизда «Ёшлар йили» деб эълон қилганимиз халқимиз, жамоатчилигимиз, авваламбор ёшларимизнинг ўзи томонидан қизғин кутиб олинди ва кенг қўллаб-қувватланди.

Юртимиздаги қўллаб корхоналар, фермерлар, ташкилот ва муассасалар, ўқув юртлари, сиёсий партиялар, ижтимоий жамғармалар дастур ижросини таъминлашга масъулият билан ёндашганини таъкидлаш зарур.

Айтиш мумкинки, ҳақиқатан ҳам, «Ёшлар йили» дастурининг бажарилиши бутун мамлакатимизни қамраб олган том маънодаги умуммиллий ҳаракатга айланди.

Шу борада қабул қилинган ва амалга оширилган қонун, қарор, чора-тадбирлар ва лойиҳаларни баҳолар эканмиз, қуйидаги ишларимизга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало, ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилганини қайд этиш лозим.

Ўтган давр мобайнида бу йўналиш бўйича Президент ва ҳукумат томонидан 13 та қарор, 1 та фармойиш қабул қилинди ва 2 та қонун лойиҳаси қабул қилиниш арафасида турибди.

Ана шу қонун ҳужжатларида болаларни туғилганидан то вояга етгунча бўлган даврда сало-

матлигини ҳимоя қилиш, Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва шу даргоҳларда ишлаётган ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш масалалари ҳар томонлама ўрин олди.

Ушбу қарорлар қаторида 2009—2014 йилларда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий базасини мустаҳкамлаш ва янги муассасаларни қуриш бўйича давлат дастури ҳамда иқтидорли ёшларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантиришга оид ҳукумат қарорининг қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим. Айни пайтда яна бир муҳим ҳужжат — олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир давлат дастурининг лойиҳаси тайёрланмоқда.

Ўтган давр мобайнида эътибор марказимизда турган масала — таълим соҳасида қабул қилинган умуммиллий давлат дастурларининг кўрсатмаларини ва кўзда тутилган ислоҳотларини охирига етказиш вазифаси бўлди, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу йўналишда бошлаган ижобий ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ жалб этиш тизими шакллантирилди.

Яъни, бошқача қилиб айтганда, мамлакатимизда совет давридан қолган ўрта таълим олиш

жараёнидан умумтаълим босқичи, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимини ўз ичига олган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш ишларини якунига етказдик.

1997 йилда бошлаган, ҳақиқатан ҳам оламшумул ишларимизнинг бундай муҳим натижасига эришишда биргина шу йилнинг ўзида 370 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, 184 та замонавий лицей ва коллеж барпо этилгани ҳам салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Йил давомида умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича 364 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 1 минг 875 та мактабда янги қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилгани ҳам, ҳеч шубҳасиз, биз учун, бизнинг келажагимиз учун амалга оширилаётган ишларимизнинг яна бир намоёни бўлди.

Ёш авлодни тарбиялаш ва маънавий юксалтиришдек масъулиятли ишга ўзини бағишлаган устоз ва мураббийларнинг меҳнатини қадрлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш доимий эътиборимизда тургани барчамизга маълум.

2006 йилдан бошлаб умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича такомиллаштирилган янги тизим татбиқ этилгани, уларнинг ойлик маошлари шунинг ҳисоби-

дан йил бўйича ўртача 1,6 баробар ошгани бунинг исботидир.

Жорий йилда қабул қилинган махсус қарорга биноан, олий ўқув юртларида ишлаётган профессор ва ўқитувчиларнинг маошлари 25 фоизга кўпайтирилди. Агарки 2008 йилда юртимизда умумий иш ҳақи миқдорининг оширилганини инобатга оладиган бўлсак, уларнинг ойлик маошлари фақат шу йилнинг ўзида ҳаммаси бўлиб икки карра ошганини қайд этиш керак.

Ўз навбатида лицей ва коллежларнинг раҳбарлари, педагог ва мураббийларининг иш ҳақи ҳам ана шундай ҳисоб-китоб бўйича 2008 йилда тахминан 1,8 баробар ўсгани қувонарли ҳол, албатта.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик туфайли юртимиз ёшлари замонавий илм-фан асосларини пухта ўзлаштиришда юқори натижаларга эришмоқда.

Жумладан, кимё фани бўйича шу йил Тошкентда ўтказилган Халқаро Менделеев олимпиадасида ўқувчиларимиз 13 та медални қўлга киритиб, биринчи ўрин соҳиби бўлгани ёки Испанияда 97 та мамлакат вакиллари ўртасида бўлиб ўтган математика олимпиадасида 4 та совринли ўринни олишга эришгани барчамизни мамнун этади.

Таълим соҳасини янги босқичга кўтариш ҳақида гапирганда, фарзандларимизнинг қалби

ва онгига Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғусини сингдириш, уларни барча бало-қазолардан, бизга бегона бўлган таъсирлардан огоҳ этиш ва ҳимоялаш, болаларимизни шу руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор бериб келаётганимиз жамиятимизнинг бугунги ва эртанги куни учун нақадар муҳим эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаймиз.

Жорий йил давомида ҳаётимиздаги яна бир ўткир масалани ечишга катта аҳамият берилди. Бугунги кунда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш ўта долзарб ва жиддий масала эканидан барчамиз хабардоримиз.

Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида ўқув юр்தларини, авваламбор, коллежларни битириб, замонавий касб-ҳунарга эга бўлган ёшларимизни корхона ва ташкилотларга жойлаштириш, уларни қониқтирадиган иш билан таъминлаш бўйича анча ишлар қилинди. Энг муҳими, шу йилдан бошлаб бу борада янги статистик ҳисоботлар ва назорат тизими амалиётга жорий этилмоқда.

Тўпланган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу масалада ўрнатилган тартиб ва интизом, яъни ҳар қайси лицей ва коллеж битирувчисининг ишга жойлаштирилиши юзасидан кузатув ишларининг олиб борилиши, бу вазифанинг ўқув

юртлари раҳбарияти ва маҳаллий ҳокимликлар зиммасига юклатилиши ўз самарасини бермоқда.

Яна бир эътиборли томони шундан иборатки, лицей-коллежлар ва олий ўқув юртларида мавжуд бўлган ихтисосликлар сони ва турлари танқидий кўз билан қайтадан кўриб чиқилди.

Яъни, ўқув юртларида ўқувчи ва студентларни иқтисодиётнинг реал тармоқларида талаб қилинаётган мутахассисликларни ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш масаласи қаттиқ назоратга олинди.

Мисол тариқасида айтиш керакки, шу йилнинг ўзида касб-хунар коллежлари тизимида 80 та ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрлаш тўхтатилди, олий таълим тизимида эса 90 та янги ихтисослик жорий этилди.

Бундай амалга оширилаётган тадбирларимизнинг маъно-мақсадлари шунга қаратилганки, эртага лицей ва коллежларни битириб чиқадиган болаларимизнинг эгаллаган касб-хунари ва ихтисослари иқтисодиётимиз ва бошқа турли соҳалардаги талабларга жавоб беришини таъминлашимиз зарур. Токи ҳар қайси битирувчи амалий ҳаётда ўз билим ва имкониятини намоён қилишга қодир бўлсин.

Албатта, барчамиз яхши тушунамизки, бундай орзу-ниятларимиз ва интилишларимизни амалга оширишнинг асосий мезони — жойлар-

да янги иш ўринларини ташкил қилишдан иборат.

2008 йилда республикамиз бўйича 660 минг янги иш ўрни ташкил этилгани ва бу рақам ўтган йилга нисбатан 105 фоизга ўсгани, энг муҳими, бу иш жойлари асосан ҳаётга кириб келаётган ёшлар учун яратилгани барчамизни сўзсиз қувонтиради ва бундай ишларимизни ҳеч сусайтирмасдан, янада тез суръатлар билан давом эттирамиз.

Барчангизга яхши аёнки, болаларимизнинг қалбида гўзаллик ва эзгуликка интилишни кучайтириш ва шу асосда жамиятимизнинг маданий савиясини ошириш биз учун устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда пойтахтимизда энг замонавий талабларга жавоб берадиган муҳташам «Ёшлар ижод саройи»нинг барпо этилгани ёш авлодимиз учун муносиб совға бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Шунингдек, Андижон ва Жиззах шаҳарларида ёшлар марказлари қурилиб иш бошлагани минг-минглаб фарзандларимиз учун янги имкониятлар эшигини очиб бериши шубҳасиз, албатта.

2008 йил давомида соғлом авлодни вояга етказиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилаётган улкан ўзгаришларга алоҳида тўхталишни жоиз деб биламан.

Бу борада «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш», «Саломатлик—2» лойиҳалари доирасида тиббиёт муассасаларига қарийб 3,5 миллион АҚШ доллари қийматидаги асбоб-ускуналар етказиб берилди.

Бу муҳим йўналишда ўз куч ва имкониятларимиз билан бир қаторда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан олиб бораётган яқин ҳамкорлигимиз ижобий самара бермоқда.

Масалан, Жаҳон овқатланишни яхшилаш жамғармасининг 6 миллион долларлик маблағи ҳисобидан ун маҳсулотларини фортификация қилиш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Япония ҳукуматининг гранти асосида Республика акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти 3,5 миллион долларлик замонавий даволаш-диагностика ускуналари билан жиҳозланди.

Саудия Тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК жамғармаси томонидан юртимиздаги 28 та янги мактаб қурилишига 21 миллион, Қувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси томонидан Республика нейрохирургия маркази қурилишига 13 миллион, Ислом тараққиёт банки томонидан 5 та касб-ҳунар коллежи қурилиши учун 10 миллион доллар, Бирлашган Араб Амирликлари то-

монидан янги мактабларни жиҳозлаш, компьютерлар билан таъминлаш учун 16 миллион доллар миқдорида маблағ ажратилганини қайд этиш лозим.

Шулар қаторида Осиё тараққиёт банки, Германиянинг КФВ банки ва Хитой Халқ Республикасининг молия институтлари томонидан коммунал хизмат соҳасини янада ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун катта миқдорда маблағ ажратилганини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади.

Ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, оммавий спортни ривожлантириш учун йил давомида 186 та спорт иншоотида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилиб, миллионлаб фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилди.

Ўтаётган йилимиз турли спорт анжуманларига, бу соҳада эришган, барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайдиган ғалабаларга бой бўлгани билан ҳам эсда қолиши шубҳасиз. Жумладан, Пекинда бўлиб ўтган 29-Ёзги олимпиада ўйинларида спортчи ёшларимиз фаол қатнашиб, кескин курашларда 1 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медалини қўлга киритгани мамлакатимиз спорт ҳаётидаги катта воқеа бўлди.

Ана шундай ютуқлар қаторида футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг Осиё чемпионати мусобақаларида муносиб иштирок этиб, 2009 йили Мисрда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлгани барчамизни қувонтиради, албатта.

Азиз дўстлар!

Жамиятимиз пойдевори бўлган ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масаласини биз ўз олдимизга қўйган эзгу ва юксак марраларга етишнинг асосий омилларидан бири деб биламиз.

Жорий йилда бу масалада ҳам бир қатор эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳудудларимизда ёш оилалар учун уй-жой қуриш ишларига 46 миллиард сўмлик кредит ажратилиб, 15 та кўпқаватли уй фойдаланишга топширилди ва 530 та ёш оила алоҳида квартирага эга бўлди.

Йил охиригача яна шундай 52 та кўпқаватли уй битказилиб, 1 минг 900 та ёш оила квартира билан таъминланади. Шунингдек, 1 минг 300 нафар ёш ўқитувчининг оиласига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилганини ҳам қайд этиш лозим.

Шуни айтиш керакки, 2008 йилда Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини оилавий тураржой билан таъминлаш тизими яратилиб, улардан 90

нафарига янги квартиралар берилгани хайрли ишларимиздан бири бўлди.

Агарки бундай эзгу ишлар рўйхатини давом эттирадиган бўлсак, 14 миллиард сўмдан ортиқ ҳомийлар маблағи ҳисобидан 15 мингдан зиёд оилага қорамол берилгани, кам таъминланган ва ёш оилаларга шахсий чорвачилик билан шуғулланиш учун 6,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилгани, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш бўйича қилинган бошқа кўп-кўп ишларни айтиб ўтишимиз лозим бўлади.

Мухтасар айтганда, «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида белгиланган чора ва тадбирларни амалга ошириш учун шу кунга қадар барча манбалар ҳисобидан 1 триллион 248 миллиард сўмдан ортиқ, жумладан, 1 триллион 96 миллиард сўмлик бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд ҳомийлар маблағи сарфланганини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бу борада бажарган ишларимизнинг кўлами ва миқёси яққол намоён бўлади.

Ҳурматли ватандошлар!

Эл-юрт манфаати йўлида беғараз ва савоб иш қилиш, одамларнинг дарду ташвишларини ўзига яқин олиш каби халқимизга азалдан мансуб бўлган ана шундай хусусият ва фазилатлар, албатта, барчамизга ифтихор бағишлайди ва биз

қандай улуғ зотларнинг фарзандлари эканимизни ҳис қилиб, шунга муносиб бўлиб яшашга даъват этади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай олийжаноб ишга ўз ҳиссасини қўшган юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотларга, фермерлик ва тадбиркорлик субъектларига, хорижий давлат ва жамғармалар, халқаро тузилмаларга, мана шу залда ўтирган, **Ўзбекистонга ёрдам беришда жонқуярлик кўрсатган чет элларнинг элчилари ва вакилларига**, шу йўлда холис хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан самимий ташаккур билдираман.

Барчамизга аён бўлиши керакки, «Ёшлар йили» деб эълон қилинган 2008 йилда амалга оширган улкан, ўлчови ва аҳамиятини баҳолаш қийин бўлган ишларимиз бир йил билан чегараланмайди, албатта.

Бир нарсани чуқур англаб олишимизни истардим. Биз ўз олдимизга қўйган эзгу орзу-ниятларимизга етмоқчи, мамлакатимиз тараққиёти-ни жадал ривожлантирмоқчи бўлсак, Ватанимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини янада оширмоқчи, жондан азиз фарзандларимизнинг бахту камолини кўрмоқчи бўлсак, **бунинг асосий шарти ва омили фақат битта — ҳаётга кириб бораётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг олдида кенг йўл очиб бериш, бу-**

нинг учун барча имкониятларимизни сафарбар этишдан иборат, деб биламан. Ва ишонаманки, биз бу йўлда ўз мақсадларимизга албатта етамиз.

Қадрли юртдошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги — 2009 йилга қандай ном бериш, қандай муҳим ва устувор вазифаларни ўзимиз учун асосий мақсад қилиб белгилаб олиш тўғрисида фикр алмашиб олсак, айни муддао бўлади.

Ўйлайманки, ҳаммамиз бир фикрга қўшили-
миз — барчамизнинг илдизимиз, томиримиз ав-
валамбор қишлоқ заминига бориб тақалади. **Она**
Ватан деган улуг ва муқаддас тушунча одамзод
учун гўёки қишлоқ тимсолидан бошланади.

Ҳақиқатан ҳам, халқимизнинг ризқи рўзи,
насибаси аввало далаларимизда заҳматкаш деҳ-
қонларимиз томонидан етиштириладиган маҳсу-
лотлар, озиқ-овқат ва нозу неъматлар билан ўлча-
нади.

Лўнда қилиб айтганда, ҳар бир онгли инсон
қайси жойда, юртимизнинг қайси чеккасида
яшамасин, албатта ўзининг, оиласининг ҳаёти
қишлоқ замини билан чамбарчас боғланганини
сезиши, тушуниши табиий, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, яна бир масалани эътибо-
римиздан чиқармаслик керак. Бугунги кунда хал-
қимизнинг аксарият қисмини, яъни 50 фоизга
яқинини қишлоқ аҳолиси ташкил этади.

Бундан келиб чиқадиган мантиқий хулоса шуки, юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши, ҳеч шубҳасиз, қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ эканини барчамиз яхши англаймиз.

Шунинг учун Ватанимиз тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган қишлоқ аҳлининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига ривож қўшиш, унинг самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган муҳим бир вазифага айланмоқда.

Шу борада олиб бораётган амалий ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда **«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»** деб ном беришни таклиф этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Биз қишлоқларимизни ҳар томонлама ривожлантириш ва обод этиш, мавжуд ижтимоий муаммоларни ечиш учун тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида **«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»**га бағишланган махсус давлат дастурини ишлаб чиқамиз, албатта.

Бу дастурда акс эттириш лозим бўлган асосий чора ва тадбирлар ҳақида гапирганда, аввало

қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, шу масалалар билан боғлиқ амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз зарур, деб ўйлайман.

Айни вақтда, қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини — бу уй-жой қурилиши бўладими, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминоти бўладими, йўлларнинг ҳолати, транспорт ва коммуникация хизматлари масаласи бўладими — буларнинг барчасини янада ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, **қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтаришга устувор аҳамият беришимиз даркор.**

Шу билан бирга, қишлоққа саноатни, хизмат ва сервис шохобчаларини олиб кириш, ихчам ва замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш ва шу тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан **қишлоқ аҳолиси, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини оширишдек муҳим мақсадлар дастурда ўз ифодасини топиши лозим.**

Шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини **қўллаб-қувватлаш, моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларга янада кенг йўл**

очиb бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни туғдириш, қисқача айтганда, қишлоқда пайдо бўлаётган мулккий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари — мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга.

Олдимизда турган муҳим вазифалардан бири — бу еримиз, тупроғимиз унумдорлигини доимий равишда ошириш билан боғлиқ экани барчамизга яхши аён. Бу мақсадга эришиш учун ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдек ўта долзарб масалаларга эътиборни янада кучайтириш талаб этилади.

Яъни, ер деҳқонни боқади, деҳқон эса элни боқади, деган ҳикмат ҳамиша диққатимиз марказида туриши, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фаолиятимиз мезонига айланиши даркор.

Бу борадаги вазифалар қаторида биз учун энг катта бойлик бўлган инсон саломатлигини асраш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, таълим-тарбия тизимининг моддий базаси ва сифат даражасини кучайтириш масалалари бўйича аниқ режалар белгиланиши зарур.

Бу дастурни шакллантиришда давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, фермерлик ва тадбиркорлик тузилмалари, кенг жамоатчиликнинг тавсия ва таклифлари ҳар то-

монлама инobatга олинishi мақсадга мувофиқ бўлади, албатта.

Азиз ва қадрли ватандошлар!

Юқорида билдирилган барча фикр-мулоҳазаларни мужассам этиб, **қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади**, десам, ўйлайманки, барчамизга дахлдор бўлган ҳақиқатни айтган бўламан.

Ишончим комилки, ана шундай эзгу мақсадни амалга оширишда ҳаммамиз белни маҳкам боғлаб, фаол иштирок этамиз, бу йўлдаги интилиш ва ҳаракатларимиз нафақат қишлоқларимиз, балки бутун мамлакатимизни янги, юксак марраларга олиб чиқишда улкан қадам бўлиб хизмат қилади.

Сизларни Конституциямиз байрами билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг
16 йиллигига бағишланган тантанали
маросимдаги маъруза,
2008 йил 5 декабрь*

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

2008 йил 12 декабрь куни Навоий шаҳрида Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Илом Каримов нутқ сўзлади.

Навоий вилояти, Навоий шаҳри ҳақида, бу ерда жойлашган, ўзининг салоҳияти, нуфузи ва бетакрорлиги билан нафақат Ўзбекистонда, керак бўлса, бутун дунёда ном таратган йирик саноат корхоналарининг — бу Навоий кон-металлургия ёки «Навоийцемент» комбинати бўладими, «Навоийазот» бирлашмаси ёки Навоий ГРЭСи бўладими — уларнинг фаолияти ҳақида албатта кўп гапириш мумкин, деб таъкидлади Юртбошимиз. Бугунги кунда мана шундай корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг 54 давлатига экспорт қилинаётганининг ўзи ҳам кўп нарсани англатади.

Шу билан бирга, вилоят далаларида пахта ва ғалла етиштираётган, Томди, Конимех ва Учқу-

дуқ туманларида чорвачиликни ривожлантириш, айниқса, қимматбаҳо қорақўл терисини тайёрлаш билан донғи кетган, бир сўз билан айтганда, мана шу бепоён ҳудудда меҳнат қилаётган одамларнинг мамлакатимиз тараққиётига, унинг обрў-эътиборини оширишга қўшаётган муносиб ҳиссаси ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Давлатимиз раҳбари ҳозирги кунда олдимизда турган долзарб вазифалар ҳақида тўхталар экан, қуйидаги масалаларга алоҳида ургу бериб ўтди.

Аввало, бугунги тез ўзгариб бораётган, катта диққат ва масъулиятни талаб қиладиган вазият-ни танқидий баҳолаш ва ҳар қайси инсон, биринчи навбатда вазифада ўтирган, катта ишонч билдирилган раҳбарлардан доимо сезгир ва огоҳ бўлишни, замоннинг ўзи илгари сураётган масалаларни ечишга қодир бўлишни кун тартибига қатъий қилиб қўймоқда.

Иккинчидан, биз Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллигини нишонлаб, истиқлолимизнинг 18-йилига қадам қўйган бир пайтда ўзида юз йилларга тенг бўлган тарихни, беқиёс ўзгариш ва янгиланишларни мужассам этган мана шу давр ҳар биримизни янги-янги мақсад ва вазифалар сари даъват этмоқда.

Бугун барчамиз кўриб турибмиз — саноатда, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқлари-

да, қишлоқ хўжалигида қандай мураккаб жараёнлар кечяпти. Айниқса, тобора кенгайиб бораётган жаҳон молиявий инқироzi ва унинг оқибатларини ҳисобга олиш, бу иқтисодий тангликнинг салбий таъсирини бартараф этиш зарурати олдимизга ўта оғир, илгари биз кўрмаган муаммоларни қўймоқда. Мана шундай кескин бир шароитда иқтисодиёт соҳаларини замон талаблари асосида бошқариш учун ишга янгича ёндашув, янгича муносабат керак. Лўнда қилиб айтганда, бугун дунёда рўй бераётган жараёнлар, ҳар қайси ҳудуд ва минтақамизда амалга оширилаётган ўзгаришлар барчамиздан янгича қараш ва тафаккурни, ташаббускорлик ва фидойиликни янада кучайтиришни талаб қилади.

Учинчидан, ҳар қайси одам, аввало раҳбарлар ўз фаолиятига баҳо берганда, бугун қилаётган ишларимиз, барча ислоҳотларимиз ким учун, нима учун, уларнинг негизида нима турибди, деган саволни ўзига такрор ва такрор беришини истардим. Яъни, бугун барчамизга яхши таниш бўлган фикр — «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган қараш ҳар қайси етакчининг фаолиятида, у раҳбарлик қиладиган корхона ёки муассасада ўз тасдиғини топяптими, йўқми, деган савол доимо эътиборимиз марказида туриши керак.

Содда қилиб айтганда, ким бўлмасин, у деҳқон, ишчи ёки хизматчи бўладими, авваламбор одамларимизнинг ҳаёт даражаси, оладиган даромади, болаларимизнинг таълим-тарбия олиши, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ижобий ўзгаришлар бўляптими, йўқми, деган муҳим масалалар бугунги фаолиятимизда асосий ўрин эгаллаши даркор.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юртимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар, ҳеч шубҳасиз, катта аҳамиятга эга. Лекин оддий одам бу ўзгаришларни ўз кундалик турмушида, ўз дастурхонида, яқинлари, дўсту биродарларининг ҳаёти мисолида кўрмаса, барча қилган ишларимиз беҳуда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз, деди мамлакатимиз раҳбари. Шу маънода, биз нимаики қилмасак, қандай вазифада ўтирмасак, барчамиз ана шундай аччиқ ҳақиқатнинг мағзини, таъбир жоиз бўлса, тўққиз пулдай чақиб, тушуниб, англаб олишимиз керак.

Шундан сўнг Президентимиз мажлис аҳли эътиборини Навоий вилоятида олиб борилаётган ишлар ҳақида, уларнинг олдимизда турган мақсадларга қанчалик жавоб бериши тўғрисида фикрлашиб олишга қаратди.

Авваламбор, жорий йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сезилар-

ли натижаларга эришилгани қайд этилди. Буни 2008 йилнинг 9 ойи давомида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 фоизга ошгани ҳам кўрсатиб турибди.

Мажлисда сўнгги олти йил давомида вилоятда барча манбалар ҳисобидан қарийб 1 триллион 588 миллиард сўмга яқин капитал маблағ ўзлаштирилиб, экспорт ҳажми 2 баробар ортгани ижобий баҳоланди. Вилоятда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 5 та лойиҳа амалга оширилиб, охириги икки йилда қарийб 4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани ва шунинг ҳисобидан 3 миллион долларга яқин маблағ иқтисод қилингани алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, қурилиш материаллари саноатини модернизация қилиш дастурига мувофиқ, 2007 йилда 6 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Йилига 7 миллион донага яқин гишт ишлаб чиқарадиган 3 та завод, асфальт-бетон, мармар плиткалар, эшик-ром тайёрлайдиган корхоналар фойдаланишга топширилгани шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги соҳасида барча ҳудудларимиз қатори Навоий вилоятида ҳам фермерлик ҳаракати қишлоқда асосий ҳал қилувчи кучга айланаётганига эътиборни қаратди. 2008 йили вилоят миқёсида етиштирил-

ган пахтанинг қарийб 99 фоизи, галланинг эса 78 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келгани ҳам буни яққол тасдиқлайди.

Албатта, Навоий вилояти шароитида деҳқончилик билан шуғулланиш, бу заминнинг ҳамма ҳам чидай олмайдиган жазирама иссиғи, гармсел шамолларига бардош бериб, ердан ҳосил ундиришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун инсонда кучли ирода, ўз ери, ўз ишига меҳр ва садоқат бўлиши керак.

Биз учун устувор масала бўлган шаҳар ва қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш борасида ҳам кейинги даврда Навоий вилоятида бир қатор ишлар қилингани эътиборга сазовор, деди Ислон Каримов. Хусусан, сўнгги беш йил мобайнида 490 километрлик ичимлик суви ва 500 километрдан ортиқ табиий газ тармоқлари ишга туширилди. Ана шундай амалий ишлар ҳисобидан аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш 74,5 фоизга, табиий газ билан таъминлаш даражаси эса қарийб 84 фоизга етганини қайд этиш ўринлидир. Шулар қаторида 1 миллион 430 минг квадрат метрдан ортиқ, жумладан, қишлоқ жойларда 1 миллион 270 минг квадрат метр уй-жой барпо этилди.

Айниқса, таълим соҳасидаги дастурларимиз доирасида 75 та мактаб, 2 та академик лицей, 32 та касб-ҳунар коллежи ишга туширилгани ёш

авлодимизни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашдек эзгу мақсадларимизга хизмат қилади.

Айни пайтда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг амалий натижаси сифатида вилоятда 40 та қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

Бундан ўн-ўн беш йил олдин шу бепоеън чўл бағрида барча қулайликларга эга бўлган мана шундай замонавий, кўркам таълим ва тиббиёт масканлари, янги тураржойлар, боғ-роғлар пайдо бўлади деб ким тасаввур қилар эди, деб таъкидлади Юртбошимиз. Буларнинг барчаси аҳолига қулайлик яратиш билан бирга, вилоятни янада обод қилиш, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини бутунлай ўзгартиришга катта ҳисса бўлиб қўшилгани, албатта, одамни хурсанд қилади.

Албатта, Навоий вилоятида истиқомат қилаётган, кўпни кўрган, қийинчиликларда тобланган халқнинг фидокорона меҳнати билан амалга оширилаётган бундай ижобий ишлар ҳаммамизни қувонтиради. Лекин, шу билан бирга, вилоят аҳолисининг эҳтиёжларини, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш заруратини инобатга оладиган бўлсак, анчадан бери ечилмасдан келаётган муаммолар тобора кўпайиб бораётганини, бу ерда олиб борилаётган ислохотларнинг самараси ва суръатлари барчамизни қониқтирмаслиги-

ни ҳам очиқ айтишимиз керак, деди Президент ва мажлис иштирокчилари эътиборини қуйидаги масалаларга қаратди.

Бугунги кунда вилоятдаги иқтисодий ўсиш суръатлари, мамлакат миқёсидаги кўрсаткичлар билан таққослаганда, паст даражада эканини афсус билан қайд этиш зарур. Мисол учун, 2008 йилнинг тўққиз ойи якунига кўра, Навоий вилоятининг республика ялпи ички маҳсулотидаги улуши ўсиш ўрнига пасайиб бормоқда. Бунинг тасдиғини вилоятда фаолият кўрсатаётган бир қанча корхона ва муассасаларнинг зарар кўриб ишлаётгани мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин.

Бундай қолоқлик сабабларини таҳлил қиладиган бўлсак, аввало саноат соҳасида жиддий камчилик ва муаммолар борлиги кўзга ташланади. Жумладан, умумий саноат ишлаб чиқариши ҳажмида вилоят миқёсидаги корхоналарнинг ўрни ва салмоғи ҳали-бери пастлигича қолмоқда, яъни уларнинг улуши ҳаммаси бўлиб 3 фоизни ташкил этмоқда.

Барчамизга аёнки, деб ўз фикрини давом эттирди Ислом Каримов, ҳозирги вақтда мулкдор ва тадбиркорларнинг, кичик бизнес эгаларининг жамиятимиздаги нуфузи ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Биз бундай одамлар тимсолида Ватанимизнинг тараққиёти ва фаровонлиги йўли-

да мустаҳкам таянч ва суянч бўладиган ўрта синф вакилларини кўрамиз. Лекин Навоий вилоятида бу борадаги аҳволнинг таҳлили маҳаллий раҳбарларнинг мана шу ўта муҳим масаланинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур англаб етмаганини кўрсатмоқда.

Мисол учун, ҳозирги вақтда вилоятда рўйхатдан ўтган бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 7 фоиздан зиёди фаолият кўрсатмаяпти. Уларнинг асосий қисми Зарафшон шаҳри, Кармана ва Конимех туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бундай ҳолатни вилоятда аввало кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка етарлича эътибор берилмаётгани, бу соҳа вакиллариغا шароит туғдириш, имтиёзлар яратиб бериш, оддий эътибор ўрнига расмиятчилик, уларнинг муаммоларига панжа орасидан қараш оқибати сифатида баҳолаш керак. Бу фикрни исботлаб берадиган мисолларни вилоят бўйича кўп-кўп олиб келиш мумкин.

Шу борада Навоий вилоятида аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш, шунинг ҳисобидан замон талаб қиладиган янги-янги хизмат турларини йўлга қўйиш, одамларнинг турмуш маданиятини ошириш бўйича қилинаётган ишлар, хусусан, республикамизда янги иш жойларини ташкил қилиш бўйича хизмат кўрсатиш соҳаси катта ўрин эгаллаётган бир вақтда бу ви-

лоятдаги мавжуд аҳвол ҳеч кимни қониқтирмайди. Бир қиёслаб кўрайлик — бутунги кунда Ўзбекистон бўйича ялпи ички маҳсулот таркибида хизматлар ва сервис соҳасининг улуши қарийб 45 фоизга тенг бўлса, Навоий вилоятида бу рақам атиги 26 фоизни ташкил этмоқда.

Айниқса, вилоятнинг қишлоқ ҳудудларида бу кўрсаткич 21 фоизга тенг бўлиб, у мамлакат миқёсидаги энг паст кўрсаткич ҳисобланади. Конимех, Нурота ва Навбаҳор туманларида одамларни иш билан банд қилиш, уларни барқарор ва доимий даромад манбаи билан таъминлашнинг муҳим омили бўлган бу масала умуман эътибордан четда қолиб келмоқда.

Мажлисида вилоятда хорижий инвестицияларни жалб қилиш масаласига етарлича аҳамият берилмаётгани ҳам танқид қилинди. Жорий йилда инвестицияларни ўзлаштириш суръатлари сезиларли равишда пасайиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 80 фоизни ташкил этгани, аксарият туманларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар мутлақо киритилмагани айтиб ўтилди.

Президент Навоий воҳасида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш борасида амалга оширилаётган ишларга баҳо берар экан, бу масалада ҳам оқсоқлик ҳолатлари кўзга ташланаётганини афсус билан қайд этди.

Айниқса, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш масаласи эътибордан четда қолиб келмоқда. Жумладан, ҳозирги вақтда вилоят бўйича етиштирилаётган гўштни қайта ишлаш 3,6 фоизни, сутни қайта ишлаш эса 1,5 фоизни ташкил этмоқда, холос. Конимех ва Қизилтепа туманларида гўшт ва сут маҳсулотлари етарли бўлгани ҳолда, уларни қайта ишлаш деярли йўлга қўйилмаган.

Аҳвол шундай бўлишига қарамасдан, жорий йилда ташкил этилган минитехнологиялар ва ихчам ускуналар савдо кўргазмаларида Навоий вилояти вакиллари томонидан қайта ишлашга ихтисослашган кичик технологиялар сотиб олиш юзасидан биронта ҳам шартнома тузилмаган.

Маълумки, вилоятда балиқчиликни ривожлантириш, халқимизнинг бу тансиқ маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун етарли имкониятлар мавжуд. Бу борада Айдаркўл, Тўдакўл ва Шўркўл сув ҳавзаларида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, «Аква-Тўдакўл» қўшма корхонасининг йилига 900 тоннадан ортиқ балиқ етиштириш билан боғлиқ тажрибаси эътиборга лойиқ. Бироқ вилоятда етиштирилаётган балиқ маҳсулотларининг атиги 2,5 фоизи қайта ишланаётганини албатта қониқарли деб бўлмайди.

Табиийки, бундай камчилик ва нуқсонлар вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожига, ав-

валамбор, унинг молиявий аҳволига салбий таъсир ўтказмоқда. Бугунги кунда ҳудуддаги 10 та шаҳар ва тумандан 5 таси дотацияда қолиб келаётгани шундан далолат беради. Жорий йилнинг 9 ойи якунига кўра, вилоятда мавжуд боқиманда қарзлар 3 миллиард сўмни ташкил этаётгани, бу муаммони ҳал қилиш учун маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли чоралар кўрилмаётгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида кейинги пайтда Навоий вилояти қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илгариги мавқеини йўқотиб, қолоқликка юз тутаётгани ҳақида ҳам тўхталар экан, қуйидаги фикрларни баён қилди.

Албатта, бундай ҳолатнинг юз беришида қишлоқ хўжалигидаги ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашгани асосий сабаблардан бири эканини барчамиз яхши биламиз. Буни вилоят ҳудудидаги 132 минг гектар суғориладиган майдоннинг 87 фоиздан ортиғи турли даражада шўрлангани ҳам исботлаб турибди. Эски тузумдан қолиб келаётган бу оғир мерос оқибатларини тугатиш, унинг ечимини топиш борасида кейинги пайтда катта амалий ҳаракатлар бошланганидан хабардорсиз, албатта. Жумладан, Навоий вилоятида жорий йилда 1 миллиард 560 миллион сўм ҳажмидаги мелиорация ишларини амалга ошириш мўлжалланган. Ўтган давр мо-

байнида бу маблағнинг 75 фоизи ўзлаштирилди ва шу кунларда вилоятга қўшимча равишда 12 та замонавий мелиорация техникаси келтирилади. Бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилиб, пировард натижада ерларнинг унумдорлигини яхшилашга ва деҳқонларимизнинг даромадини оширишга хизмат қилади.

Ҳаммамизга маълумки, бу йилги кучли қурғоқчилик, сув етишмаслиги билан боғлиқ муаммолар деҳқонларимизга катта қийинчиликлар туғдирди. Мана шундай оғир шароитга қарамасдан, деҳқончилик ишининг негизини биладиган фермер хўжаликлари, ишни тўғри ташкил қилган туман ва вилоятлар ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришга эришди. Лекин Навоий вилоятида аҳвол қониқарли бўлмагани, авваламбор ташкилотчилик ишлари тўғри йўлга қўйилмагани, сафарбарлик ишларига ўта совуққонлик билан қаралгани белгиланган режаларнинг бажарилмаслигига олиб келди.

Бундай аччиқ ҳақиқат ҳақида сўз юритар эканмиз, мен сизларнинг эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман, деди давлатимиз раҳбари. Биз бугун олдимизда пайдо бўлаётган муаммоларни аввало ҳар томонлама чуқур англаб, уларнинг сабабларини, томирларини аниқлаб, нима ҳисобидан уларни ечиш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишимиз лозим. Шундан кейингина бун-

дай камчиликларни йўқ қилишга, бир ёқадан бош чиқариб, амалий ишлар билан вазиятни ўзгартиришга эришиш мумкин.

Шу борада иш фаолиятимизга жиддий зарар етказадиган сабаблар қаторида авваламбор одамларнинг кайфиятига, керак бўлса, уларнинг сифарбарлигига катта таъсир кўрсатадиган социал масалаларга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур, деди Ислом Каримов.

Мисол учун, тиббий хизмат кўрсатиш масаласини олайлик. Бу соҳадаги камчиликлар туфайли вилоятда аҳоли ўртасида умумий касалланиш даражасининг ўсиши кузатилмоқда. Хусусан, бу борадаги аҳвол республикадаги ўртача кўрсаткичдан асосий касаллик турлари бўйича 1,5 марта, 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида касалланиш бўйича эса 1,6 марта кўп экани ташвишланарли ҳолдир.

Вилоятда реабилитация ва даволаш-профилактика ишларининг етарли даражада йўлга қўйилмагани оқибатида ногиронлик бўйича кўрсаткич республика миқёсидаги кўрсаткичдан анчагина юқори экани кузатилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, одамларнинг эҳтиёжини қондирадиган социал объектларнинг қурилишини ўз вақтида тугатмаслик Навоий вилоятида одат даражасига кўтарилган. Мисол тариқасида Навоий шаҳрида жойлашган, 150 на-

фар одамни қабул қилиш имконига эга бўлган поликлиника ўз вақтида фойдаланишга топширилмаганини келтириш мумкин.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: вилоят раҳбарияти, тегишли мутасаддилар бундай нохуш ҳолатдан хабардорми, йўқми?

Вилоятда қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Буни ичимлик суви билан таъминлаш дастурига мувофиқ, жорий йилда кўзда тутилган 54 та қишлоқдан 18 тасида ичимлик суви тармоқларини қуриш ишлари ниҳоясига етказилмагани мисолида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, Нурота, Навбаҳор ва Қизилтепа туманларида бу масала ҳамон жиддий муаммо бўлиб турибди.

Яна бир муҳим масала — вилоятда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги аҳвол ҳам кейинги йиллар давомида ижобий томонга ўзгармаяпти.

Бу ерда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари номигагина тузилган бўлиб, улар амалда «ЖЭК» деб аталган эски коммунал хизмат идораларидан деярли фарқ қилмайди. Ана шундай эскича ёндашув ширкат аъзолари томонидан коммунал хизматлар учун тўланаётган маблағларни мақсадли сарфлаш ва уй-жой фондидан самарали фойдаланиш йўлида ҳали-бери тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Ҳаммамиз яхши биламизки, ижтимоий соҳадаги ислоҳотларнинг салмоғи ва аҳамияти кўп жиҳатдан битта масала, яъни аҳолини доимий иш ва барқарор даромад манбаи билан таъминлаш орқали баҳоланади. Вилоятда 2008 йилнинг 9 ойи мобайнида 24 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилганини қайд этган ҳолда, айтиш лозимки, бу хотиржамликка берилиш учун асос бўлолмайди.

Бу масала айниқса Зарафшон шаҳри, Кони-мех ва Кармана туманларида долзарб бўлиб қолаётгани мажлисда таъкидлаб ўтилди. Вилоятдаги ишсиз аҳолининг асосий қисмини 35 ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этаётгани ташвишланарли ҳолдир.

Барчамизга яхши маълумки, ҳар қандай ташкилот, корхона ёки жамоанинг бутунги ва эртанги кунини авваламбор юксак малакали, билимли ва тажрибали, мустақил фикрлайдиган кадрларга боғлиқ. Навоий вилоятидаги аҳволни шу нуқтаи назардан таҳлил қилар экан, Юртбошимиз бу ўта муҳим масалада ҳам кейинги пайтда вилоятда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганига эътиборни қаратди.

Айниқса, вилоят ва кўпгина туманлар раҳбарлари, жойлардаги мутасадди ходимлар ўз зиммасидаги вазифасини самарали бажариш, одамларни қийнаётган ўткир муаммоларни чуқур ўрга-

ниб, ечимини топиш, ўз ишига танқидий қараш ўрнига эришилган натижаларга маҳлиё бўлиб, боши айланиб, беғамликка берилиб кетганини ҳеч чидаб бўлмайдиган ҳолат, деб баҳолаш зарур. Бундай раҳбарлар умумий рақамларнинг орқасига яшириниб, қўлга киритилган ютуқларда ўзининг бевосита ҳиссаси бўлмаса ҳам худдики осмонда парвоз қилиб юради.

Ҳолбуки, вилоят ҳаётининг турли соҳаларида, жумладан, қишлоқ хўжалигида ишни ташкил этиш бўйича жиддий нуқсонлар мавжуд эканини тасдиқлайдиган маълумотларни кўплаб келтириш мумкин. 2007—2008 йиллар давомида ана шундай камчиликларга йўл қўйгани учун Нурота тумани ҳокими У. Ҳакимов, Навбаҳор тумани ҳокими М. Раҳматов эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Президентимиз мажлис иштирокчилари эътиборини муҳим бир масалага қаратиб, бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнларда барча бўғиндаги депутатлар фаоллигини оширишни ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганини таъкидлади. Ҳозирги пайтда вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг депутатлари шундай ҳуқуққа эгаки, улар ҳар қайси ҳудуддаги ҳокимият идоралари раҳбарларининг фаолиятига танқидий баҳо бериб, ўз хулосаларини очиқ айтиши, за-

рурат туғилганда эса тегишли раҳбарни эгаллаб турган лавозимидан озод қилишни сўраб Президентга мурожаат қилиши амалдаги қонунчилигимизда белгилаб қўйилган. Ўз навбатида, Президент ана шу мурожаат асосида жойларга махсус комиссия юборади. Ва фаолияти қониқарсиз деб топилган мазкур раҳбарнинг ишини ҳар томонлама ўрганиб, ўз хулосаси ва қарорини чиқаради. Афсуски, бугунги кунда маҳаллий кенгашлар депутатлари қонунда кафолатланган ана шу ваколатларидан фойдаланмасдан келмоқда.

Бу ҳақда тўхталар экан, давлатимиз раҳбари халқ ноибларини шу масалада фаол бўлишга чақирди. Айниқса, билдирилган ишончни оқлай олмасдан, ишни барбод қилаётган ноқобил раҳбарлар ўрнига бугун сафимизга кириб келаётган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, хорижий тилларни биладиган, дунёқараши кенг, эл-юрт учун ишлайман, деб ёниб турган ёшларга ишонч билдириб, уларни масъул лавозимларга кўтариш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Афсуски, Навоий вилоятида раҳбар ходимлар ўртасида иш фаолиятидаги сусткашлик, ташаббускорликнинг етишмаслиги, мавжуд камчиликларга лоқайд муносабат ҳамда қонунчилик та-

лабларини бузиш каби ҳолатлар учраб турибди. Буни кейинги икки йилда шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарларидан 7 нафари, вилоят миқёсидаги 6 та ташкилот раҳбари ўз вазифасидан четлатилгани ҳам тасдиқлайди. Бундай рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Барчангизга маълумки, Баҳриддин Рўзиев 2002 йилнинг май ойидан буён Навоий вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келмоқда, деди Президент. Албатта, дастлабки пайтда унинг фаолиятида вилоят олдида турган муаммоларни ҳал қилиш, аҳволни ижобий томонга ўзгартириш бўйича бирмунча ҳаракатлар сезилганини эътироф этиш лозим. Лекин, очигини айтиш керакки, вақт ўтиши ва раҳбарларга қўйиладиган талабнинг ортиб бориши билан Рўзиевнинг ишни ташкил қилиш қобилияти етарли эмаслиги, иш услубидаги камчиликлар бу раҳбарнинг фаолиятига, энг муҳими, вилоят ҳаётига, бу ердаги маънавий муҳитга катта салбий таъсир ўтказаяётгани тобора аён бўлмоқда.

Шу ўринда бир фикрни айтишни зарур, деб биламан: раҳбар дегани кузатувчи эмас, авваламбор, барча ишларга бош-қош бўладиган, масъулият ва жавобгарликни ўзига оладиган, оғир пайтда бошқаларга намуна бўладиган, ташкилотчи, керак бўлса, одамларни ўз ортидан

эргаштиришга қодир, куч-қудрати ва иродаси бақувват инсон бўлиши шарт, деди Юртбошимиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Б. Рўзиев Навоий вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Навоий вилоятининг ўзига хос шароити ҳақида тўхталар экан, Ислом Каримов бу ҳудудни бошқариш учун раҳбардан катта билим ва тажриба, ташкилотчилик салоҳияти, энг муҳими, кўпмиллатли бу воҳада одамлар билан тил топишиб ишлай олиш талаб қилинишини таъкидлади. Фурсатдан фойдаланиб, деди Президентимиз, шу вилоятни обод қилишда ўз ҳиссасини қўшиб келаётган қozoқ, рус, туркман, тожик ва бошқа миллат вакилларига самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик асоси бўлган давлат ва жамият ўртасидаги ҳамжиҳатлик ҳақида тўхталиб, Ислом Каримов куйидаги фикрларни алоҳида уқтириб ўтди. Биз юртимизда янги демократик давлат қураямиз. Давлат қачон ўз вазифасини муваффақиятли адо этади? Қачонки давлат идоралари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилган бўлса. Шу маънода, мен нодавлат тузилмалар, жумладан, маҳалла институтини фуқаролик жамияти ти-

зимидаги ҳал қилувчи бўғин, деб биламан. Одамларнинг дардини, кундалик ўй-ташвишларини яқиндан тушунишда, уларнинг оғирини енгил қилишда энг халқчил идора бўлмиш маҳалла адолатли иш олиб боришига ишонаман. Нега деганда, маҳалла — халқ виждони демакдир. Мен бундан кейин ҳам ўз фаолиятимда фуқаролик жамиятини юртимизда қарор топтириш учун ўзимнинг бор куч-ғайратимни сафарбар қиламан ва сизларни ҳам шунга даъват этаман.

Президент Ислom Каримов тавсиясига кўра, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Эркинжон Турдимов Навоий вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Вилоят олдидаги, янги ҳоким зиммасидаги вазифалар ҳақида тўхталар экан, Юртбошимиз Навоий вилояти аҳолисининг ҳаётини янада яхшилаш учун ҳозиргина сизлар билан сайлаб-тасдиқлаб олган раҳбар авваламбор тадбиркорлик, фермерлик ва тижорат соҳаларининг ривожига устувор аҳамият қаратиши, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериши, керак бўлса, уларни ҳар хил зўравонлардан ҳимоя қилиши, қўллаб-қувватлаши лозим, деди. Яна бир долзарб вазифа — қишлоқ жойларда, туманларда

инфратузилмаларни ривожлантириш, хусусан, тиббий ва маиший хизмат, ичимлик суви ва табиий газ таъминотини яхшилаш масаласига жиддий аҳамият бериши керак. Бу мақсадларга эришишда нафақат янги сайланган ҳоким, балки мана шу ерда ўтирган фаоллар, барча мутасаддилар ҳам масъулиятни ўз зиммасига олиши зарур.

Навоий вилоятининг бутунги ҳаёти, эртанги истиқболи Ватанимиз, мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Кўни кеча қабул қилинган Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисидаги махсус фармон ҳам, ҳеч шубҳасиз, ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади. Мен ҳаёт синовларида тобланган Навоий аҳлини иродаси мустаҳкам, меҳнаткаш, мард ва ориятли халқ деб биламан ва ҳурмат қиламан. Бу эл ўз олдида турган барча вазифаларни масъулият билан адо этишга ҳар томонлама қодир. Бунинг учун фақат бу халқнинг қалбида, юрагида бўлган интилишлар, дарду қувончлар билан бирга яшаш, унинг орзу-умидларининг рўёбга чиқишида бош-қош бўлиш керак. Вилоятнинг янги раҳбари ана шу масалани ўз фаолиятининг марказига қўйиб, одамларнинг кўнглига йўл топиб, уларга ибрат ва намуна бўлиб иш олиб борса, мен ишонаман,

Навоий аҳли ҳам уни чин дилдан қабул қилади. Керак бўлса, ҳамма масалаларда унга таянч ва суянч бўлади. Олдимизда турган юксак марраларга эришиш йўлида биз барчамиз бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишимиз, юртимизда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада кучайтириш учун бир тану бир жон бўлиб яшашимиз керак, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЮКСАК САЛОҲИЯТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

2008 йил 16 декабрь куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Юртбошимиз, аввало, Тошкент вилоятининг улкан салоҳияти, ер ости ва ер усти бойликлари, унумдор тупроғи, бутун дунёга машҳур ишлаб чиқариш корхоналари, инфратузилма ва коммуникациялари, бетакрор иқлими ва табиати ҳақида тўхталиб, воҳанинг кўпни кўрган, қийинчиликларда тобланган, меҳнаткаш ва мард халқига ўз ҳурмати билдирди.

Истиқлол йилларида ана шу салоҳиятни янада юксалтириш, вилоятнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, йирик ижтимоий дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича кўп иш қилинмоқда. Биргина 2008 йилнинг 9 ойи давомида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 5,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотла-

ри 9 фоиз, хизматларнинг умумий ҳажми эса 30 фоизга ўсгани шу йўлдаги ҳаракатлар изчил давом этаётганини кўрсатади.

2007 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда барча манбалар ҳисобидан 987 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди. Бу маблағнинг 110 миллиард сўмдан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар, жумладан, 83 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди.

Вилоятда саноат соҳасини модернизация қилиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги икки йил давомида Олмалиқ шаҳридаги «Аммофос» заводида минерал ўғитлар, Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинатида катанка ва электрод ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилгани, Ўрта Чирчиқ туманида полиэтилен плёнкаси тайёрлайдиган корхона фаолияти йўлга қўйилгани ва бошқа мисоллар шундан далолат беради.

Вилоятда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан рақобатдош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида кейинги пайтда 9,7 миллион доллар қийматидаги 20 дан ортиқ минитехнология олиб келиб ўрнатилгани ва ишга туширилгани ҳам алоҳида диққатга сазовордир.

Ўтган давр мобайнида вилоятда шаҳар-қишлоқларнинг қиёфаси тобора ўзгариб бормоқда,

айниқса, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларини ривожлантириш, аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш ва юксалтиришга қаратилган йирик лойиҳалар изчил амалга оширилмоқда.

Президентимиз вилоят аҳлининг меҳнати билан эришилаётган ана шундай ижобий натижаларни эътироф этган ҳолда, йиғилиш иштирокчилари эътиборини вилоят олдида турган, аммо айрим сабабларга кўра бажарилмасдан қолган ишлар, ечилмаган муаммоларга қаратди. Чунки бугунги кескин рақобат шароитида ўсиш суръатларини йўқотмаслик, халқимизнинг тобора ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш биздан, аввало, ўз зиммамиздаги вазифани қандай бажарётганимиз, қилаётган ишларимизга танқидий баҳо беришни, йўл қўйилган хато ва нуқсонларни, ҳал этишга қурбимиз етмаган масалаларни ўз номи билан айтиш ва тўғри хулоса чиқаришни талаб этади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Шу кўз билан қараганда, Тошкент вилоятининг иқтисодий ўсиш суръатлари бугунги кунда қониқарли эмас. Сессияда бу ҳақда атрофлича фикр юритилиб, мавжуд камчилик ва нуқсонлар, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб ўтилди.

Аввало, вилоятда жойлашган республика аҳамиятига молик корхоналарни истисно қил-

ганда, аксарият туманларда саноат соҳаси ривожда жиддий оқсоқлик кўзга ташланмоқда. Масалан, Оҳангарон, Паркент, Пскент, Бўка, Бекобод ва Оққўрғон туманларида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 0,4—0,7 фоиз даражасида қолиб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги саноат корхоналарининг 18 таси, жумладан, Чирчиқдаги «Бурсел Тошкент текстил», Ангрендаги «Саноат-қалинқорғозсавдо» корхонаси, «Оҳангарон шифер» акциядорлик жамияти маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 192 миллиард сўмга пасайтириб юборган.

Вилоятда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича муайян ишлар бажарилган бўлса-да, Оққўрғон, Бекобод ва Бўка туманларида ўтган даврда бундай инвестициялар умуман жалб қилинмаган. Ана шундай камчиликлар туфайли вилоятда шу йилнинг 9 ойи давомида экспорт ҳажми 4,7 фоизга пасайган, маҳаллий тасарруфдаги корхоналарнинг экспортдаги улуши эса атиги 3,4 фоизни ташкил этмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ва касаначиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни ҳам қониқарли, деб бўлмайди. Буни Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми рес-

публика миқёсида 15,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, Тошкент вилоятида атиги 0,22 фоиздан иборат бўлиб қолаётгани яққол кўрсатиб турибди. Аҳвол шундай бўлишига қарамасдан, жорий йилда 5 та лойиҳа бўйича умуман иш бошланмаган, 8 та лойиҳа бўйича эса белгиланган ишлаб чиқариш режаси бажарилмаган. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида йирик корхоналардаги касаначилик ҳисобидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг улуши ярим фоизни (0,2 фоиз) ҳам ташкил этмаган.

Президентимиз яна бир муҳим масала — ижтимоий соҳа объектларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш борасида оқсоқлик ҳолатлари кўзга ташланаётгани ҳақида тўхталиб, ҳисобот даврида Тошкент тумани Кўктерак қишлоғидаги касб-ҳунар коллежи, Олмалиқ шаҳри, Бўстонлик, Бўка, Паркент ва Пскент туманларидаги бир қатор таълим муассасаларида қурилиш, таъмирлаш ишлари юқори ташкилотларнинг аралашувидан кейингина якунига етказилганини айтиб ўтди. Бундан ташқари, қурилиш билан боғлиқ тендер савдоларини тайёрлаш ва ўтказиш жараёни вилоят раҳбарияти томонидан назоратга олинмасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйилганига ҳам мажлисда эътибор қаратилди. Ана шундай ўзибўларчилик кайфиятидан айрим нопок

кимсалар фойдаланиб қолишга уринган. Хусусан, вилоят Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясининг собиқ раҳбари А. Рашидов тендер ғолиблигини фақат ўзи манфаатдор бўлган пудрат ташкилотларига бериб келган. Шу борада вилоят «Иссиқлик манбаи» корхонаси раҳбари О. Саидов ва «Ҳаракат-замон» хусусий фирмаси бошлиғи Х. Курганбаев ўзаро жиноий тил бириктириб, ижтимоий объектларни капитал таъмирлаш учун ажратилган бюджет маблағларини ўзлаштириб, давлатга 254 миллион сўмлик зарар етказган. Бундай қонунга хилоф ишлар юзасидан республика ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан айбдорлар жавобгарликка тортилгани ҳақида йиғилишда маълум қилинди.

Ҳозирги вақтда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, вилоятда бу борадаги аҳвол ҳам талаб даражасида эмас. Жорий йилнинг биринчи ярмида 7 та туман ва шаҳарда тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари ижроси ўрганилганда, 2 минг 500 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолати аниқланган. Тижорат соҳасини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга барча имконият ва имтиёзларни яратиб бериш ўрнига вилоятда бунга тескари бўлган ишлар кузатилмоқда. Шунинг натижасида бошқа вило-

ятларга нисбатан катта устунлиги бўлган Тошкент вилоятида ҳали-бери кўпгина туманлар молиявий дотацияда қолиб келмоқда.

Вилоят иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигидаги, айниқса, пахтачиликдаги аҳвол ҳаммамизни, аввало, умид билан далада меҳнат қилаётган заҳматкаш деҳқонларимизни қониқтирмайди, деди Юртбошимиз.

Бу йил ишни ташкил этишдаги жиддий камчиликлар, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилмагани, жумладан, йиғим-терим мавсумида сафарбарлик ва уюшқоқлик етишмагани туфайли пахта тайёрлаш бўйича белгиланган режа 87 фоизда қолиб кетди, ҳосилдорлик эса 25,5 ўрнига 22,3 центнерни ташкил этди, холос.

Вилоят қишлоқ хўжалигидаги яна бир етакчи тармоқ — ғаллачиликдаги аҳвол ҳам Президентимиз томонидан кенг таҳлил қилинди. Бу соҳа ривожини йўлида тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг туб илдизлари кўрсатиб берилди. Соҳада авваламбор, ишни замонавий усулда ташкил қилиш, илғор агротехнологияларни жорий этиш, серҳосил навларни танлаб экиш ва шу асосда ғаллачиликнинг самарасини ошириш масалаларига эътибор қаратилди. Кейинги уч йил давомида ғалла ҳосилдорлиги республика бўйича ўртача 41 центнерни ташкил этгани ҳолда, вилоятда бу кўрсаткич 38 центнердан ошмаяпти.

Давлатимиз раҳбари бу ҳақда атрофлича тўхталиб, биринчи навбатда ерга муносабат, бугун замон талаб қиладиган мулкчилик соҳасида ислохотларни ўз вақтида ва оқилона амалга ошириш, одамларда мулкдорлик ҳиссиётини тарбиялаш, ерни ҳақиқий эгасига топшириш, айниқса, фермерлик ҳаракатини чуқур ўйланган ва асосланган дастур бўйича ташкил қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади. Аммо Тошкент вилоятида фермерларга керакли имтиёз ва шароитларни яратиб бериш масаласида оқсоқлик ва шошма-шошарлик ҳолатларига, айрим туманларда ҳатто қонунга ҳилоф ишларга йўл қўйилаётгани танқид қилинди.

Шу муносабат билан Президентимиз бугунги фермер қандай фазилат ва хусусиятларга эга бўлиши зарурлигига алоҳида урғу бериб, фермерлар аввало ернинг, деҳқончиликнинг сирасорини пухта билиши керак, деди. Шундай хусусиятга эга бўлмаган тасодифий кишилар фермер бўлишга ҳаққи борми, деб масалани қатъий қўйиш пайти келди. Чунки табиатан деҳқончилик илмидан узоқ бўлган, билими ва тажрибаси етмайдиган одам ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийнайди.

Бугунги ҳақиқий фермерни универсал деҳқон, деб атасак, арзийди, албатта. Яъни, ҳақиқий

фермер нафақат қишлоқ хўжалигини, деҳқончиликни, керак бўлса, ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий масалаларни, энг муҳими, тупроқ сирини биладиган, замонавий техника билан муомала қила оладиган, ер билан тиллашишга тайёр инсон бўлиши даркор. Фақат шундай инсонларга беқиёс бойлигимиз бўлмиш ерни ишониб топшириш мумкин. Лекин, афсуски, Тошкент вилоятида бу масалага панжа орасидан қаралиб, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерни талон-торож қилишдек салбий ҳолатларга йўл қўйилмоқда, деди Ислом Каримов.

Масалан, Янгийўл туманида қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинган 21 гектар унумдор ер қонунга зид равишда уй-жой қуриш учун ажратиб берилган. Ушбу ҳолатни яшириш мақсадида бу жой янгитдан ташкил этилган фермер хўжаликлари номига шунчаки расмийлаштириб қўйилган. Вилоят раҳбарлари эса бу масалада гўёки беҳабардек, томошабин бўлиб турган. Фақат юқори идоралар аралашганидан сўнг ана шу қонунбузарлик аниқланиб, туманнинг собиқ ҳокими Қ. Пайзиев вазифасидан четлатилган ва жиноий жавобгарликка тортилган.

Қибрай тумани ҳокими Ш. Икромов ҳам амалдаги қонунчиликни қўпол равишда бузиб, 1,2 гектар қўп йиллик боғни уй-жой қуриш учун бериб юборган. Шунингдек, мазкур туманда ўтка-

зилган текширишларда 6 та агрофирма ҳудудида 13 гектар боғ ўзбошимчалик билан бузиб ташланиб, бошқа мақсадларда фойдаланилаётгани аниқланган. Ҳозирги вақтда бундай бемаъни ишларга чек қўйиш бўйича тегишли идоралар томонидан чоралар кўрилмақда.

Тошкент тумани ҳокими С. Темиров қонунга ҳилоф тарзда Сабзавотчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтига тегишли 10 гектар суғориладиган экин майдонини уй-жой қуриш учун бериб юборган, шу туманнинг Кўксарой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 1,2 гектар суғориладиган ер майдони ҳам уй-жой қуриш мақсадида айрим шахслар томонидан ноқонуний равишда эгаллаб олинган, лекин туман раҳбари бу ерни давлатга қайтариш борасида ҳеч қандай чора кўрмаган.

Оҳангарон тумани собиқ ҳокими О.Ибрагимов томонидан эса қум-шағал каръери ва завод қурилиши учун 10 гектар ер майдони юқори идоралар билан келишилмасдан, ўзбошимчалик билан «Авиасаноат индустрия» хорижий корхонасига ажратиб берилган. Шу тумандаги «Олмалик» ёрдамчи хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссия раиси Б. Ачилов 16 гектар ер ажратиб бериш эвазига фуқаро А. Бадаловдан 900 АҚШ доллари миқдорида пора олаётганида ушланган.

Умуман, вилоятда ер билан боғлиқ қонунчиликнинг бузилиш ҳолатлари юзасидан прокуратура органлари томонидан 2007 йилда 24 та, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида эса 40 та жиноят иши кўзғатилган ва айбдорлар суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилган.

Маълумки, юртимизда фермер хўжаликларининг ерларини тартибга келтириш, уларни оптималлаштириш масаласида Президентимиз томонидан махсус фармойиш қабул қилиниб, унда белгилаб берилган чора-тадбирларни бажариш юзасидан ҳозирги кунда бутун мамлакатимизда амалий ишлар олиб борилмоқда.

Сессияда шу борадаги вазифалар яна бир бор таъкидланиб, ер майдони 15—20 гектаргача бўлган фермерларнинг йиллик фойдаси 5—6 миллион сўмдан ошмаётгани ва бу маблағ фақат жорий харажатларни қоплашга сарфланаётгани боис фермерда янги техника сотиб олиш, ернинг унумдорлигини ошириш, агротехник тадбирларни сифатли бажариш учун имконият етарли бўлмаслигига эътибор қаратилди. Шунинг учун пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ўртача ер майдонини Тошкент вилоятида 60 гектардан 85 гектаргача етказиш бўйича иш олиб борилаётгани қайд этилди.

Шу муносабат билан Юртбошимиз бу ўта муҳим ва долзарб масалада ҳар томонлама

ўйлаб, ҳар қайси минтақа ва ҳудуднинг шароитига қараб иш тутиш, энг муҳими, фермер хўжаликларининг оптимал ер майдонини аниқлашда фермер хўжалигини ташкил қилмоқчи бўлган шахснинг салоҳияти, тажрибаси ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда иш тутиш, таъбир жоиз бўлса, етти ўлчаб бир кесиш зарур, шундагина бу ўзгаришлардан кутилган натижа ва самарага эришиш мумкин, деб таъкидлади.

Президентимиз сессия иштирокчилари эътиборини вилоятда пахтачилик бўйича оқсоқликка олиб келаётган яна бир масалага қаратди. У ҳам бўлса, маҳаллий шароитга мос келадиган, сифатли тола берадиган янги навларнинг яратилмаётгани билан боғлиқ. Бу ҳақда кўп бор айтилганига қарамасдан, мазкур масалада сезиларли ўзгаришлар кузатилмапти.

Ҳолбуки, Тошкент вилояти ҳудудида 9 та илмий тадқиқот бирлашмаси, нуфузли институт ва марказлар жойлашган. Масалан, «Пахта» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ёўза селекцияси ва уруғчилиги бирлашмаси, Ўсимликларни ҳимоя қилиш институти, Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти, Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш институти ва бошқа йирик илмий муассасалар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик мутахассисларини тайёрлайдиган энг йирик олий ўқув юрти — Тошкент аграр университети ҳам айнан шу ерда жойлашган. Мажлисда Тошкент вилояти раҳбарияти, мутасаддилари ва фаоллари ана шу илмий даргоҳларда хизмат қилаётган олимлар билан ўзаро ҳамкорликни самарали ташкил қилиши зарурлиги қайд этилди. Бу масалани охиригача етказиш бўйича Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги раҳбарияти масъулиятни ўзига олиб ташаббускор бўлиши лозимлигига эътибор қаратилди.

Президент Ислон Каримов вилоятда ижтимоий соҳадаги мавжуд аҳвол таҳлилига ўтар экан, бугун амалга оширилаётган барча ислохот ва янгиликларнинг самараси аввало уларнинг одамлар ҳаётига қандай таъсир ўтказаётгани билан, вилоятда истиқомат қилаётган 2,5 миллиондан ортиқ аҳоли бу ўзгаришларни ўз дастурхонида, оиласида, турмуш тарзида қанчалик сезаётгани, эртанги кунга ишончи қай даражада мустаҳкам бўлиб бораётгани билан ўлчанади, деб таъкидлади.

Ўтган даврда маҳаллий ҳокимлар ва мутасадди ташкилотларнинг эътиборсизлиги ва совуққонлиги туфайли 1991 йилгача қурилган кўпқаватли уйларни капитал таъмирлаш режаси Чирчиқ, Янгийўл, Ангрен шаҳарлари, Бўка ва

Оққўрғон туманларида бажарилмасдан қолган. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ташкил этиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Ширкатларнинг моддий-техник базасини шакллантириш, уларга банк кредитлари ажратиш ишлари тўғри йўлга қўйилмаган. Оқибатда уларга юклатилган вазифалар тўлиқ ва сифатли бажарилмаяпти. Бу ҳолат Ангрен, Бекобод ва Олмалик шаҳарларида айниқса яққол кўзга ташланмоқда.

Бошқарув ва назорат ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани натижасида вилоятдаги 12 та шаҳар ва туман марказлари учун аҳолига иссиқлик энергияси етказиб берадиган вилоят «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси банкротлик ҳолатига келиб қолган. Лекин вилоят раҳбарияти бу корхонани молиявий инқироздан чиқариш, соғломлаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўриш ўрнига, уни ўз қарори билан тугатиб юборган. Бу корхонанинг вазифаси эса шаҳар ва туманлардаги қозонхоналар зиммасига юклатиб қўйилган. Ишга шундай муносабат оқибатида 2008 йилнинг 1 ноябригача барча турдаги коммунал хизматлар учун тўлов муддати ўтказиб юборилган қарзлар тахминан 100 миллиард сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 45 миллиард сўмга ошиб кетган.

Мажлисда шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси Бош прокуратура билан бирга Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида коммунал соҳа бўйича мавжуд аҳволни, қиш фаслида яшаётганимизни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиши ва хулоса чиқариши зарурлиги қайд этилди.

Сессияда Тошкент вилоятидаги энг ўтқир муаммолардан бири бўлмиш аҳолини, аввало ёшларни иш билан таъминлашнинг аҳволи ҳам таҳлил этилди.

Ҳозирги вақтда вилоятда рўйхатга олинган ишсизлар сони 45 минг кишини, вақтинчалик ишларда банд бўлганларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 70 минг нафардан ортиқни ташкил этмоқда. Айниқса, Оҳангарон, Бекобод, Оққўрғон, Пскент, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл туманларида янги иш ўринлари яратиш, шунинг ҳисобидан аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи қониқарсиз бўлиб қолаётгани бўйича танқидий фикрлар билдирилиб, бундай ҳолатлар юзасидан амалий чоралар кўриш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Шундан сўнг Президентимиз ўтган давр мобайнида Тошкент вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида йўл қўйилган камчилик ва хатолар, бугунги кундаги барча соҳаларда қониқарсиз аҳволнинг илдизлари ҳақида атрофлича тўхталиб, энг асосий сабаб, аввало, ҳар

қайси раҳбар, кўпгина фаолларнинг ўз вазифасига совуққонлик, масъулиятсизлик билан қарашида, ўз ишини ташкил қилишга қурби етмаслигида, уларнинг замон талабларига жавоб бера олмаслигида, бир сўз билан айтганда, уларнинг заифлигида кўринмоқда, деб афсус билан қайд этди.

Кейинги вақтда ўз ишида катта нуқсонларга йўл қўйгани учун Олмалик шаҳар ҳокими А. Зокиров, Паркент тумани ҳокими А. Азаматов, Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими М. Тиллабоев, Юқори Чирчиқ тумани ҳокими А. Гаппаров эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Вилоятда юзага келган аҳвол, аввало, вилоят раҳбариятида, хусусан, биринчи раҳбарда талабчанлик ва қатъиятнинг етишмаслиги, унинг ишни тўғри ташкил қилишда заифлик қилгани билан боғлиқ. Айнан ана шундай камчиликлар аксарият ҳолларда бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган, ўта бўш шахсларни раҳбарликка тайинлашга сабаб бўлгани мажлисда кескин танқид қилинди. Жорий йилнинг 9 ойида вилоятдаги 107 нафар мансабдор шахс турли қонунбузарликларга йўл қўйгани учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Юртбошимиз вилоятда истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш масаласи қониқарсиз аҳволда эканини таъкидлаб, Тошкент вилояти

ҳокимлигининг тавсиясига кўра, 1996—2008 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини 38 киши битиргани, улардан 17 нафари ўз жойига, 2 нафари ундан ҳам қуйи лавозимларга ишга тайинлангани, 2 нафари эса умуман иш билан таъминланмаганига эътиборни қаратди.

Давлатимиз раҳбари бундай камчиликлар ҳақидаги фикрларини умумлаштириб, юқорида зикр этилган муаммоларнинг ечилмасдан қолаётгани кўп жиҳатдан вилоят раҳбарияти, биринчи навбатда 2006 йилдан буён Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Зиявитдин Ниёзовнинг фаолияти талаб даражасида бўлмагани, очиғини айтадиган бўлсак, бу шахснинг раҳбарлик масаласида заиф экани билан боғлиқ, деб таъкидлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. 3. Ниёзов Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра, Қуйи Чирчиқ тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Рустам Холматов Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Президентимиз мажлисга якун ясар экан, кириб келаётган янги — 2009 йил юртимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб

эълон қилинишининг Тошкент вилояти учун алоҳида аҳамияти ва моҳияти борлиги ҳақида тўхталди. Нега деганда, Тошкент вилояти — Ўзбекистоннинг марказий вилояти, у ўзининг салоҳияти билан бошқаларга ўрнак бўлишни ўз зиммасига олишга қодир вилоятдир. Шунинг учун бугун сиз, азизларга, вилоятнинг барча фаоллари ва фидойиларига, кўпмиллатли воҳа аҳлига қарата айтмоқчиман: Тошкент вилояти ҳеч қачон орқада юришни ўзига маъқул топмаган ва Ватанимиз тараққиёти, эл-юртимиз фаровонлиги йўлида мана шундай дастурларни амалга оширишда ҳам ўзининг нималарга қодир эканини албатта намоён этади, деди пировардида Ислом Каримов.

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИ ВА НАВОИЙ ШАҲРИ АҲОЛИСИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз азизларни Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Буюк шоир ва мутафаккир бобомиз номини улуғлаб келаётган, мамлакатимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бири бўлмиш Навоий шаҳри ва Ўзбекистон саноатининг фаҳри бўлган Навоий кон-металлургия комбинати тарихан қисқа даврда ҳар томонлама ҳурмат ва ифтихорга муносиб шаклланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтди, мураккаб синов ва машаққатларни бошидан кечириб, улкан муваффақиятларга эришди ва дунё миқёсида шуҳрат қозонди.

Бундан ярим аср муқаддам бепоён Қизилқум бағрида қад ростлаган, нафақат республикамизда, балки жаҳондаги кўплаб мамлакатларда кенг танилган, бугунги кунда ҳам самарали фаолият

кўрсатиб келаётган мана шундай қудратли ва кўп тармоқли замонавий ишлаб чиқариш комплекси ва унинг негизида барпо этилган, тобора обод бўлиб бораётган азим Навоий шаҳри халқимиз бунёдкорлик даҳосининг, юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, янгиланиш ва модернизация жараёнларининг ёрқин намоёни сифатида барчани ҳайратда қолдиради.

Ўз таркибида бенгта кон бошқармаси ва ўнлаб замонавий ишлаб чиқариш объектларини бирлаштирган ушбу комбинат Учқудуқ, Зарафшон, Зафаробод ва Нуробод каби шаҳарларнинг ҳам вужудга келиши учун асос бўлди. Бу шаҳарларнинг ҳар бирини чўл қўйнидаги мўъжиза, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Ҳозирги пайтда бу ҳудудда минглаб ишчи ва мутахассисларнинг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган ноёб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Бугунги қувончли кунда биз оғир ва мураккаб иқлим шароитида жонбозлик кўрсатиб, энг замонавий юксак технологияга асосланган ушбу мажмуани бунёд этган, ўзининг ҳалол меҳнати ва маҳорати билан кўп минг кишилиқ юқори малакали жамоанинг шуҳратини юксалтиришга катта ҳисса қўшган муҳтарам фахрийларимизга, ўз ҳаётини комбинат билан боғлаган барча ин-

сонларга самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор этамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Мустақиллик йилларида тарихий адолатни тиклаб, Навоий вилоятини қайта ташкил этганимиз бу минтақани жадал ривожлантириш, энг муҳими, ана шу саховатли заминдан қазиб олинаётган бебаҳо бойликларни эл-юртимиз манфаати йўлида ишлатиш борасида янги уфқ ва имкониятларни очиб берди ва бунинг қандай улкан аҳамиятга эга бўлганини ҳаётнинг ўзи бугун тасдиқламоқда.

Айниқса, ўтиш давридаги жиддий иқтисодий қийинчилик ва етишмовчиликларга қарамасдан, биз Навоий кон-металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш қуввати ва имкониятларини, унинг ноёб кадрлар салоҳиятини наинки сақлаб қолишга, айни пайтда келажакни ўйлаб, уни энг юксак талаблар ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган илғор технологиялар асосида янада барқарор ривожлантиришга эришдик.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли олтиннинг 80 фоизи, уран концентрати ва фосфор ўғитлари учун зарур хом ашёнинг ҳаммаси айнан шу комбинатда тайёрланмоқда. Бугунги кунда дунёдаги нуфузли Лондон ва Токио қимматбаҳо металл биржаларида ўзбек олтини ўзининг юксак сифати би-

лан муносиб баҳоланмоқда. Кейинги йилларда Қизилқум минтақасида нодир ва қимматбаҳо металллар, фосфорит хом ашёсининг янги конлари ўзлаштирилаётгани, янги замонавий корхоналарнинг қурилиб ишга туширилаётгани Навоий кон-металлургия комбинатининг улкан миқёсдаги тараққиёт ва юксалиш йўлидан дадил бораётганидан далолат беради.

Алоҳида таъкидлаш керакки, барчамизни мамнун этадиган бундай ютуқ ва натижаларга, аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, энг асосийси, кўп миллатли комбинат жамоасининг фидокорона меҳнати, ишга профессионал ва ижодий ёндашуви, бунёдкорликка бўлган интилиши, ўз касбига садоқати ҳисобидан эришилмоқда.

Бугунги кунда Навоий кон-металлургия комбинати ишчи-хизматчиларининг, Навоий шаҳри, вилоятнинг шаҳар, қишлоқ ва овулларида яшаётган одамларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнати туфайли нимаики яратилган ва яратилаётган бўлса, буларнинг барчаси келажакка ишонч билан қараш, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини ошириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айнан Навоий вилоятида мамлакатимизда биринчи бўлиб эркин индустриал-иқтисодий зона

ташкил этиш, жаҳон бозорида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган юксак технология қувватларининг кенг тармоғини яратиш бўйича яқинда қабул қилинган қарор замирида ҳам аввало бу минтақанинг беқиёс имкониятлари, унинг ҳудудий ўрни, улкан меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳияти мужассамдир.

Мен учун қадрдон бўлган Навоий кон-металлургия комбинатининг меҳнатда тобланган аҳил ва фидойи жамоасини, Навоий шаҳри аҳлини ушбу қутлуғ сана билан яна бир бор табриклар эканман, сизларга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, барчангизга сиҳат-саломатлик, иш фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!
Қадрли дўстлар!

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон халқини кириб келаётган янги — 2009 йил билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

2008 йил ўз поёнига етиб бормоқда. Айтиш керакки, яқунланаётган йил мамлакатимиз учун осон бўлмади. Йил давомида заҳматкаш деҳқонларимиз учун жиддий синов бўлган қаттиқ қурғоқчилик ва сув танқислигини, иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ҳамда кундалик ҳаётимиздаги турли қийинчиликларни енгиб ўтиш, бир қатор муаммоларни ҳал этиш учун катта куч ва имкониятларни сафарбар этдик.

2008 йилда вужудга келган ва тобора кучайиб бораётган жаҳон молиявий инқироzi оқибатларининг олдини олиш ва юмшатиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ва аҳоли

фаровонлигига хавф туғдирмаслик мақсадида ўтган давр мобайнида ўта зарур дастурларни амалга оширишга тўғри келди ва бу ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Ана шундай муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, 2008 йил мобайнида иқтисодиётимизни босқичма-босқич ривожлантириш ва халқимиз ҳаёт даражасини юксалтириш йўлида салмоқли натижаларга эришдик.

Бу ҳақда гапирганда, сўнгги икки йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоиздан кам бўлмаганини, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори эса ўртача 2 баробар ортганини, қишлоқ аҳолисининг даромадлари сезиларли даражада кўпайганини айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман.

Бугунги кунда бозор ва дўконларимиз расталари тўкин-сочин бўлиб, кўзни қувонтираётгани, нарх-наво меъёридан ошмагани, янги ишлаб чиқариш қувватлари, ижтимоий соҳа объекtlарини қуриш ва модернизация қилиш ишларининг кўлами кенгайиб бораётгани, қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси ўзгариб, юртимиз, Ватанимиз тобора чирой очиб бораётгани, албатта ҳаммамизга қувонч ва ғурур бағишлаши табиийдир.

Ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиб, эришган марраларимизнинг асосий мезони ва омиллари ҳақида га-

пирганда, авваламбор қуйидаги масалалар хусусида сўз юритишни ўринли деб биламан.

Биринчидан, бундай улкан ютуқлар шу заминда яшаётган, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, барча инсонларнинг азму шижоати, уларнинг ўз келажагига бўлган мустақкам ишончи, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни сақлаш йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай қилган фидокорона меҳнати натижасидир.

Иккинчидан, буларнинг барчаси мамлакатимизни демократик янгилаш бўйича чуқур ўйланган ислохотлар сиёсатини изчил амалга ошириш, сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, эркин иқтисодиёт ва фуқаролик институтларини янада ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларимизнинг амалий самарасидир.

Учинчидан, бундай натижалар — мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларимизга берилаётган катта эътибор, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган улкан ишларимизнинг ёрқин намоёни, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши ўғил-қизларимизнинг салоҳиятини рўёбга

чиқариш, Кадрлар тайёрлаш умуммиллий дастурини ҳаётга жорий этиш, олий ўқув юртларини, янгитдан барпо этилган лицей ва коллежлар битирувчиларининг жамиятимизни янгилаш, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган том маънодаги ҳал қилувчи кучга айланиши учун мамлакатимизда янги имконият ва шароитлар туғдириб берди.

Тўртинчидан, бизнинг тараққиёт йўлида олдинга юришимизнинг асосий таянчини шунда кўриш керакки — ҳаётимизнинг ўзгариб бориши билан инсон ўзгармоқда, одамларимизнинг ўзи, уларнинг дунёқараши, ҳаётга, ўз меҳнати натижасига муносабати ўзгариб, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, ижтимоий ва сиёсий фаоллиги, фуқаролик онги ва масъулияти кучайиб бормоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз ватандошларимга мавжуд муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтиш борасида кўрсатган ғайрат-шижоатингиз, мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиётини таъминлашдаги фидокорона меҳнатингиз учун чин қалбимдан самимий ҳурмат ва миннатдорлик изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Қадрли дўстлар!

Мана шундай шукуҳли дамларда, ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз кириб келаётган янги — 2009

йилда ҳаётимиз бугунгидан ҳам яхшироқ бўлишини, ўз қобилият ва имкониятларимизнинг янада тўлиқ рўёбга чиқишини, барча эзгу орзу-умидларимиз амалга ошишини ният қиламиз.

Бугун, 2009 йил оstonасида туриб, янги йил Ўзбекистон учун мамлакатни изчил ривожлантириш ва модернизация қилиш, бошлаган ислохот ва ўзгаришларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш йили, молиявий инқирозга қарши самарали дастурларни амалга ошириш, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, диверсификация қилиш ва рағбатлантириш, шунингдек, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини ошириб бориш йили бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Биз 2009 йилни юртимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилдик. Шу борада ўз олдимизга қўйган асосий мақсадлар — аввало қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш, янги уй-жойлар, йўл ва коммуникация тармоқларини қуриш ва янгилаш, аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш, одамларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, таълим тизимини мустаҳкамлаш, мухтасар айтганда, қишлоқларимизда турмуш ва маданият даражасини юксалтириш билан бевосита боғлиқдир.

Қишлоқ жойларда замонавий технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналар барпо этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолиси, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ўрта синф вакиллари — мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилиш фоят муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинган 2009 йилда амалга ошириш кўзда тутилаётган чуқур ва кенг кўламли барча ўзгаришларнинг замирида **қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади**, деган оддий ва ҳаммамиз учун тушунарли бўлган ҳақиқат мужассамдир, десак, ўйлайманки, халқимизнинг фикру зикрини ифода этган бўламиз.

Айнан ана шундай мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳисобидан биз пировард натижада юртимизнинг янада гўзал қиёфа касб этиши ва халқимиз фаровонлигининг юксалиши, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ишончли ва мустаҳкам пойдевор яратишга эришамиз.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган янги — 2009 йил билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Янги йилда барчангизга сиҳат-саломатлик,
бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака
тилайман!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз
мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 17 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН МУРОЖААТ

Қадрли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуrolли Кучларимиз фахрийлари!

Авваламбор, мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари куни, Қуrolли Кучларимиз ташкил топганининг 17 йиллиги билан сизларни, барча юртдошларимизни чин қалбимдан самимий муборақбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қуrol-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямизни барпо этиш бўйича кўлами ва моҳиятига кўра ҳақиқатан ҳам улкан ишлар тизимли равишда ва босқич-ма-босқич амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Армияни ислоҳ қилишнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурига мувофиқ, мамлакати-

миз хавфсизлигига қарши қаратилган ташқи ва ички таҳдид ва хатарларни чуқур ўрганиш асосида Қуролли Кучларни қуриш ва бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди. Ҳарбий округлар, чегара ҳудудларининг тузилиши, ҳарбий операциялар олиб бориладиган энг муҳим йўналишларда жанговар қўшин гуруҳларининг ташкил этилиши, ўз таркибида энг муҳим ҳарбий тузилмаларни бирлаштирган Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг шакллантирилиши мамлакатимизда ягона мақсад ва вазифалар негизида узвий боғланган ишончли мудофаа тизимини яратиш имконини берди.

Қуролли Кучларимиз сафини тўлдириш тартиби изчил ва босқичма-босқич такомиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилди, шартнома асосида хизмат қилишга ўтиш деярли якунланди, жорий йилдан бошлаб муддатли ҳарбий хизматга чақирув бир йилда бир марта амалга ошириладиган бўлди. Бундай чора-тадбирларнинг барчаси Қуролли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятларини сезиларли даражада ошириб, бутун армиямизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирди. Энг муҳими, аҳолимиз, биринчи навбатда ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди, армияда

хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланди.

Шу йиллар мобайнида сержант ва офицер кадрларни профессионал асосда тайёрлаш тизimini такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинди. Бугунги кунда сержантларнинг қарийб учдан икки қисми замонавий ўқув базасига эга бўлган, салоҳияти тобора ортиб бораётган сержантлар тайёрлаш мактабларида таълим олганини қайд этиш лозим. Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган сержантларимиз шахсий таркибнинг юксак жанговар ва сиёсий тайёргарлигини таъминлаш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни, ҳарбий тартиб-интизомни сақлашнинг чиндан ҳам муҳим омилига, мухтасар айтганда, армиямизнинг асосий ўзагига айланди, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айниқса, армияни қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун ижтимоий-маиший шароитларни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, биргина 2008 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчиларнинг иш ҳақи ўртача 51 фоизга оширилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун ишга жойлашиш ва олий ўқув юртларига ўқишга кириш бўйича қатор имтиёз-

лар тизими белгиланди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида армия сафларида мардлик ва жасорат мактабини ўтаган, жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликда юксак натижаларга эришган 22 минг нафардан зиёд ёшларимиз таълим олмоқда.

Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, миллий муҳофаани барпо этиш соҳасидаги чуқур тизимли ўзгаришлар натижасида армиямизнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлик даражаси ва қудрати сезиларли равишда ошди, жамиятимизда, давлатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи, Қуролли Кучларнинг ўрни ва аҳамияти янада янги босқичга кўтарилди, деб таъкидлаш учун бутун барча асосларимиз бор.

Ҳарбий қурилиш соҳасида жаҳондаги энг замонавий тажрибаларни ўзида мужассам этган ва айни вақтда миллий анъаналарни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган армиямиз она-Ватан хавфсизлиги, халқимизнинг тинч меҳнати ва осойишта ҳаётини, мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил тараққий этишини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди.

Азиз юртдошларим!

Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазият Афғонистонда 30 йилдан буён давом этиб келаётган уруш, террорчилик ва экстремистик

ҳаракатларнинг сўнгги пайтда фаоллашгани, наркоагрессиянинг кўлами тобора кенгайиб бораётгани сабабли ҳамон кескинлигича қолаётгани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас.

Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган маҳаллий урушлар, ҳарбий қарама-қаршилик ва можаролар, террорчилик хуружлари халқаро хавфсизликка таҳдид солмоқда.

Буларнинг барчаси ва биринчи навбатда, мамлакатни модернизация қилиш, демократик янгилаш бўйича биз танлаган стратегия армиямизни ислоҳ қилишни изчил давом эттириш, уни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлиги самарадорлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришга эътиборни янада кучайтиришни тақозо этади.

Шу борада қуйидаги вазифаларни амалга ошириш энг муҳим аҳамият касб этади:

Биринчидан. Мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган реал таҳдидлар, юзага келиш эҳтимоли бўлган ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос хусусиятларини чуқур баҳолаш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг ҳарбий қурилиш борасидаги тажрибасини ўрганиш асосида армиямизнинг қурилиши ва жанговар таркибини, қўшинларнинг бошқарув

тизимини янада такомиллаштиришни таъминлаш зарур.

Ҳозирги пайтдаги урушлар ва ҳарбий можаролар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда Куролли Кучлар, аввало, тез ва шиддатли тарзда кечадиган маҳаллий жанговар операцияларни амалга оширишга қодир бўлиши, мамлакат иқтисодиётига, муҳим ҳаётий таъминот объектлари ва коммуникацияларга, бегуноҳ одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига жиддий зарар етказишга қаратилган куролли ҳаракатларни содир этишда ҳар қандай бешафқат усул ва шаклларни ишга солишдан қайтмайдиган, яхши куролланган ноқонуний жангари тўдалар ва қўпурувчи-террорчи гуруҳларга қарши самарали курашишга тайёр туриши даркор.

Шу муносабат билан Бирлашган штаб, ҳарбий округлар қўмондонлигининг энг муҳим вазифаси жанговар бўлинмаларнинг сафарбарлик ва ҳаракатчанлик, ўзини ўзи бошқариш даражасини ошириш, уларнинг мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ва хатарларга қарши тезкор ҳамда самарали жавоб бериш қобилиятини янада кучайтиришдан иборат бўлмоғи лозим. Армиямизда махсус ташкил этилган янги турдаги ҳаракатчан бирлашма ва қисмлар — Махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, Террорчиликка

қарши курашиш корпуси, разведка-қидирув взводлари, шунингдек, принципиал жиҳатдан мутлақо янги бўлинмалар — вертолёт-ҳужум взводларининг тезкорлик ва жанговар имкониятларини кенгайтириш ва кучайтириш, уларнинг юқори даражадаги тайёргарлигини таъминлаш, энг замонавий қурол-яроғ ва махсус воситаларга эга бўлишига эришиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қуролли Кучлар ва қўшин турлари штаблари ўз саъй-ҳаракатларини турли бузғунчи кучлар, қўпоровчи-террорчи гуруҳлар жиноий ҳаракатларни содир этишда фойдаланиши мумкин бўлган мамлакат мудофааси, давлат чегараларини муҳофаза қилиш тизимидаги заиф бўгинларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда зарур чораларни кўриш бўйича яқин ҳамкорликни таъминлашга қаратиши даркор.

Иккинчидан. Бирлашма ва қисмларнинг ташкилий-штат тузилмасини янада такомиллаштириш, фронт орти ва техник таъминот бўлинмаларидаги бир-бирини такрорлайдиган, самарасиз тузилма ҳамда офицерлик лавозимларини қисқартириш ва ихчамлаштириш, бирлашма ва қисмлардаги гуруҳ командирлари лавозимларини сержантлар таркиби ҳисобидан тўлдириш борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Буларнинг барчаси, биринчи навбатда, армиямизнинг бошланғич бўғинида ташкилий тузилмани тубдан яхшилаш, шахсий таркиб жанговар тайёргарлигининг сифат даражасини ошириш, бўлинмаларнинг кундалик фаолиятини ташкил этишда сержантларнинг ролини кучайтириш, шунингдек, кичик офицерлар таркибининг хизмат фаолиятини, бирлашма ва қисмларни бошқариш тизими самарадорлигини юксалтиришга ёрдам бериши керак.

Учинчидан. Армиямизни замонавий турдаги қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан қуроллантириш ўта муҳим вазифа бўлиб, айнан шунинг ҳисобидан армиямизнинг тезкорлиги ва ҳаракатчанлиги, зарур жанговар қудратини таъминлаш мумкин.

Аввало, армиямизни замонавий жанговар ҳарбий техникалар, разведка ва кузатувнинг электрон тизимлари, нишонни юксак даражада аниқ урадиган тезкор қуроллар, самарали алоқа воситалари, шунингдек, якка тартибда ва гуруҳларда қўлланадиган ишончли ҳимоя воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Тўртинчидан. Олий ҳарбий таълим муассасаларининг интеллектуал савияси юксак, дунёқараши кенг, узоқни кўра оладиган офицер кадрларни тайёрлаш борасидаги фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Ҳарбий билим юртлари қурол-яроғ ва техниканинг замонавий тизимлари ҳамда қўшинларни бошқариш ва жанговар операциялар олиб боришнинг самарали усулларини ўзлаштириш ва синовдан ўтказиш бўйича амалда Қуролли Кучларнинг етакчи ҳарбий-илмий марказларига айланиши даркор. Бунинг учун улар жанговар шароитларга имкон қадар тўла яқинлаштирилган вазиятни моделлаштиришга қодир бўлган энг замонавий тренажёрлар билан жиҳозланиши, ўқув жараёнида моделлаштириш ва симуляция усулларида кенг фойдаланиши даркор. Шу муносабат билан Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик билим юртида қисқа вақт ичида Қуролли Кучларнинг Махсус моделлаштириш ва симуляция маркази ўқув бўлинмаларини ташкил этиш лозим. Уларнинг зиммасига марказий бўлинмаларнинг моделлаштириш ва симуляция усуллари, шунингдек, армиямизнинг офицер кадрлари ҳамда сержантлари таркибини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёни учун ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаларини юклаш зарур.

Бешинчидан. Муддатли ҳарбий хизматга бир йилда бир марта чақириш тизимига ўтиш, ёшларнинг ҳарбий чақириқдан олдинги тайёргарлик даражасига талабларнинг ортиши, шу билан бир-

га, армияда шартнома асосида хизмат қилишнинг кенгайиши мудофаа ишлари бўйича бўлинмалар ва бошқармалар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этади. Куролли Кучларнинг кадрлар таркиби ва сафарбарликка тайёргарлик даражасини яхшилаш борасидаги барча ишларимизнинг самарасини кўп жиҳатдан белгилаб берадиган ушбу бўлинмаларда ҳарбий хизмат соҳасида катта тажрибага эга, армия билан яқин алоқада бўлган, унинг муаммоларини, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ва мақсадларини яхши биладиган офицерлар ишлаши даркор.

Олтинчидан. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, армияда моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган кенг қўламли чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Яқин йиллар ичида ўнлаб замонавий ҳарбий шаҳарчаларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратиб беришимиз керак. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича тасдиқлан-

ган, 2015 йилгача мўлжалланган давлат дастурининг сўзсиз бажарилишига эришиш, ҳарбийларимизга тиббий, курорт-санатория хизмати кўрсатишни яхшилаш чораларини амалга ошириш лозим.

Еттинчидан. Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш даркор. Барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозим. Армия амалда ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол инсон ва етук граждон сифатида вояга етказадиган ҳаёт мактабига айланиши шарт.

Қуролли Кучларимизнинг жанговар қобилияти, мамлакатимиз хавфсизлиги ва жамиятимиздаги маънавий-ахлоқий муҳит бевосита ушбу вазифаларнинг нечоғли муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ҳурматли ватандошлар!

Армиямизнинг қудрати, аввало, унинг халқимиз ҳаёти билан чамбарчас боғланган мустаҳкам ришталарида, узвий алоқасида намоён бўлади.

Бугунги кунда Куролли Кучларимиз сафида Ватан манфаатларига чин дилдан садоқатли, муқаддас заминимиздаги тинч ва осуда ҳаётни кўз қорачиғидек асраб келаётган энг муносиб йигит-қизларимиз хизмат қилмоқда. Уларнинг фаолияти, жанговар азму шижоати ҳар қачонгидан ҳам юқори баҳоланиб, халқимизнинг юксак ҳурмати-га сазовор бўлмоқда, ҳарбий хизматчининг ўзи эса давлатимиз ва жамиятимиз ғамхўрлигини амалда ҳар томонлама чуқур ҳис этмоқда.

Мана шу қутлуғ байрам кунида мен Куролли Кучларимиз сафида Ватанни ҳимоя қилишдек мураккаб, айна пайтда дунёдаги энг олийжаноб ва масъулиятли бурчни шараф билан адо этаётган мард ва жасур инсонларнинг ота-оналарига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Сиз, азизларни, сизларнинг оила аъзоларингиз ва яқинларингизни Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганининг 17 йиллиги билан яна бир бор табриклайман. Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, она-Ватанимиз равнақи йўлидаги хизмат фаолиятингизда янги муваффақиятлар, ғайрат-шижоат, бахт ва омад тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони*

ЭНГ АСОСИЙ МЕЗОН — ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИНИ АКС ЭТТИРИШ

Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида бутун инсоният, ер юзидаги барча халқлар ва миллатлар тараққиёти учун, айниқса, ҳаётга кириб келаётган ёш авлод учун мисли кўрилмаган имкониятлар яратиб берганини ҳеч ким инкор этолмайди. Авваламбор, фан ва техниканинг илғор ютуқлари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет тизими турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб бериб, ўзаро ҳамкорлик ва интеграция ривожига сўзсиз катта ҳисса қўшаётганига бугун барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Лекин одамзот тафаккурининг юксак ва ёрқин намоёни бўлган бундай ютуқлар айна пайтда катта куч-қувват ва молиявий имкониятларга эга бўлган айрим сиёсий кучларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишда мафкуравий қурол сифатида ишлатилаётганини ҳам эътибордан чет-

да қолдириб бўлмайди. Одамларнинг, биринчи навбатда ёшларнинг онгу тафаккурини, маънавий оламини издан чиқаришга қаратилган бундай уринишларнинг асл моҳиятини, уларнинг узоқ ва давомли, салбий оқибатларини англаш ва бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш бугунги кунда ўта муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Ҳар томонлама чуқур ўйланган, катта молиявий ва моддий манбаларга эга бўлган бундай ҳаракатларнинг ортида қандай мақсадлар турибди, улар учун бу қадар кўп куч ва маблағ сарфланаётганини қандай изоҳлаш мумкин, бу ҳақда нега айнан бугун сўз юритишга, жамиятимиз, халқимиз эътиборини бу муаммога қаратишга мажбур бўляпмиз, деган саволлар кўпчиликни қизиқтириши табиий, албатта.

Аввало, бундай хатти-ҳаракатлар замирида ўз ҳаёти ва келажагини ўз қўли билан барпо этаётган давлатлар, жумладан, Ўзбекистонга нисбатан муайян сиёсий марказлар томонидан турли хил фалсафий, мафкуравий, информацион воситалардан усталик билан фойдаланган ҳолда таъсир ўтказиш, ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланмаган ўғил-қизларимизни танлаган йўлидан оғдириш, уларнинг қалбига биз учун мутлақо бегона ва зарарли бўлган қарашларни сингдириш, маънавий илдиз ва томирларимиздан

жудо қилишдек ғаразли интилишлар яширингани бугун тобора аён бўлмоқда.

Бунинг тасдиғини ён-атрофимизда, дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида юз бераётган воқеалар, айрим сиёсий кучларнинг сохта ғоя ва мафкураларни олдинга суриш орқали ўзлари кўз тиккан мамлакатларни таъсир доирасига олиш ва ўзига тобе қилиш, халқаро майдонда икки хил стандартларни ишга солиб, керак бўлса, куч ишлатиб, узоқни кўзлаган стратегик мақсадларини зўравонлик билан амалга оширишга қаратилган уринишлари мисолида кузатиш мумкин.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади — бундай кучлар ўз мақсадларига етиш учун шундай маккор усул-услуг ва замонавий ахборот технологияларини ишлатмоқдаки, уларнинг тазйиқларига дош бериш, бундай хуружларнинг ниқоби ва сир-асрорини очиб ташлаш, асл ниятларини англаш — бу ўта оғир ва мушкул вазифа бўлиб, уни адо этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди.

Агарки биз Ўзбекистоннинг ўзимиз орзу қилган эртанги ёруғ кунини, буюк келажагини барпо этмоқчи бўлсак, бир ҳақиқат барчамизга равшан бўлиши керак: бу вазифа, авваламбор, бошлаган эзгу ишларимизнинг давомчиси бўлган, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эришиш йўлида ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айла-

ниб бораётган, таянчимиз-суянчимиз бўлмиш болаларимизни бундай ёвуз таъсирлардан ҳимоя қилиш билан бевосита узвий боғлиқдир.

Бошқача айтганда, ёш авлодимизнинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, фарзандларимизнинг дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмуни ва асл сабабларини чуқур англаши, ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, ўз мустақил фикрига эга, содда қилиб айтганда, оқни қорадан ажратишга қодир бўлишига эришиш таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шарти ва мезони бўлиши даркор.

Шу маънода, ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамият касб этади.

Бу ўта муҳим вазифани амалга оширишда таълим-тарбия тизими, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий масалалар билан шуғулланадиган идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар ўз ҳиссасини қўшиши табиий, албатта, лекин бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсир кучи беқиёс, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бир ўйлаб кўрайлик, ўз мустақил фикрига эга бўлиш — бу нима дегани? Бу аввало кўп-кўп фикр ва мисолларни ўзаро солиштириб, қиёслаб, уларнинг ичидан яккаю ягона тўғри ҳақиқатни ажратиб олиш, уни ўз онгига сингдириш, шундан хулоса чиқариб яшашга қодир бўлиш демакдир.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳозирги вақтда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ҳам, улар олдига қўйиладиган талаблар ҳам кўп. Лекин энг муҳими — ҳаёт ҳақиқатини тўлақонли акс эттиришдан иборат. Чунки ҳақиқат журналистиканинг ўзгармас ва доимий шарти бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши зарур. Айни вақтда матбуот ва эфир орқали ҳақиқатни ёритиш, одамларга етказиш ҳар қайси журналистнинг билим ва тажрибаси, унинг профессионал маҳоратига, гражданлик позициясига боғлиқ эканини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Албатта, ҳақиқатни очиб бериш дегани бир қарашда жуда содда, ҳаттоки, жўн гап бўлиб туюлиши мумкин. Ҳақиқат ё бор, ё йўқ, унинг нимасини очиб бериш мумкин, деган савол туғилиши ҳам балки ўринлидир. Лекин мафкуравий кураш тобора кескинлашиб бораётган бугунги замонда шундай устаси фаранглар борки, улар ҳар қандай ёлғонни ҳам ҳақиқат деб шундай бошлаб тушунтириб қўядики, баъзан қип-

қизил уйдирмаларга қандай ишонганингизни билмай қоласиз.

Шу муносабат билан илгари билдирган бир фикрни яна такрорлаш ўринли бўлади, деб ўйлайман: Ватан ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш авлодимизни турли тажовузлардан асрашда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам чуқур мазмун ва аҳамият касб этмоқда.

Бу борада муайян ишлар амалга оширилаётганини эътироф этган ҳолда, айтиш зарурки, ҳали яна жуда кўп иш қилишимиз лозим. Биз одамларнинг фикрини бошқариш эмас, аксинча, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва юксалтириш тарафдоримиз. Яъни, ўзини кимнинг авлоди эканини, қандай буюк маънавий мероснинг вориси эканини яхши англайдиган ва улуғ аجدодларининг меросига муносиб бўлиб, ўз ақл-заковати ва соғлом ҳаётий қарашларига таяниб яшашга интиладиган ёшларни камол топтиришда халқимиз, жамоатчилигимиз оммавий ахборот воситаларидан кўп нарса кутишга албатта ҳақлидир.

Журналистларимиз ўз маҳорати, билим ва истеъдоди ҳисобидан замонавий ахборот воситаларининг имкониятлари, ахборот тўплаш ва уни оммага етказишнинг усул-услуглари ҳақида

етарли малака ва кўникмаларга эга. Бу соҳанинг сир-асрори ҳаммадан ҳам кўра уларга яхши маълум. Лекин шу борада қилинаётган ишлар бугунги кун талабларига жавоб берадими-йўқми?

Авваламбор, ҳозирги вақтда маънавият масаласи нақадар ўткир ва ҳал қилувчи масалага айланиб бораётганини аксарият кўпчилигимиз ҳали ҳам чуқур тушуниб етганимиз йўқ, десак, ўйлайманки, хато бўлмайди. Яна такрор айтишга тўғри келади: маънавиятни йўқотсак, ўзимизни ва ўзлигимизни йўқотамиз. Маънавиятни юксалтирсак, ўз мурод-мақсадимизга етишда кучли мадад топамиз.

Ҳозирги кунда гоёвий мухолифларимиз, маънавиятимизга қарши кучлар аҳолигимизга, айниқса ёшларимизга нисбатан ахборот хуружлари уюштиришга, «оммавий маданият» шаклидаги пухта ниқобланган таҳдид ва таъсирлар ўтказишга уринмоқда.

Ҳаммамизга аён бўлиши керакки, «ахборот асри» деб ном олган XXI асрда ҳеч қайси давлат ёки жамият ўзини темир девор билан ўраб яшай олмайди. Айни пайтда, аҳвол шундай экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри келмайди, бундай таҳдидларга жавобан, биз ҳам, содда бўлмасдан, зарур чора-тадбирларни кўришимиз керак.

Яхши биламиз, халқимиз оққўнгил, содда ва ишонувчан. Матбуотда босилган, телевидениедан,

радиодан айтилган гапларга ишонч билан қарайди. Четдан туриб бизга қарши иш олиб бораётган информацион марказлар ҳам шундан фойдаланиб қолишга уринади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, маънавий-маърифий тарғибот ишларини кучайтириш учун аввало нималарга эътибор беришимиз лозим?

Биринчидан, одамнинг иродаси, дунёқараши бақувват бўлиши учун унинг ҳаётга, эртанги кунга, ўзининг куч ва имкониятларига ишончи мустаҳкам бўлиши керак. Айниқса, фарзандларимиз қалбида келажакка ишонч туйғусини ошириш учун уларнинг, юқорида таъкидланганидек, асосли ва ҳаққоний маълумот ва ахборотларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шу борада оммавий ахборот воситалари бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнларини ҳар томонлама чуқур, таъсирчан усуллар орқали ёритиб бориши зарурлигини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Лекин бу масалада фақат офаринбозлик, «яшасин» деган гаплар билан иш битмайди.

Бугун бизга ислохотларимизни тўлиқ амалга ошириш, уларнинг самарадорлигини янада кучайтириш йўлида нималар ғов-тўсиқ бўляпти? Бу — бюрократия, манфаатпарастлик, порахўр-

лик, маҳаллийчилик, шуҳратпарастлик, лоқайдлик каби салбий иллатлардир. Бундай иллатларни ўз номи билан атаб, амалий мисолларда кўрсатиб бериш учун оммавий ахборот воситалари, авваламбор, эл-юрт манфаатларининг ҳимоячиси бўлиши, журналистлар эса бу ўта оғир, кучли иродани талаб қиладиган жабҳада том маънода фидойилик кўрсатишини ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Иккинчидан, биз ўз юртимизни ўзимиз, ўз меҳнатимиз, пенсона теримиз билан обод этмасак, бунинг учун белни маҳкам боғлаб ишламасак, ҳеч ким четдан келиб бу ишни қилиб бермайди. Шунинг учун ҳам биз ота-боболаримиз хоки ётган бу юрт, бу муқаддас замин — бизники, унинг бугуни ва истиқболи фақат ўзимизга боғлиқ, мустақиллик пойдеворини қурган инсонлар бошлаган ишларни давом эттириш — бизнинг эзгу бурчимиз, деган тушунчани, керак бўлса, ҳаётий эътиқодни ёшларимизнинг онту шуурига чуқур сингдиришимиз даркор. Шу нуқтаи назардан қараб, оммавий ахборот воситалари мана шу фикрни қандай қилиб халққа, ёшларга етказяпти, ҳар қаричи муқаддас бўлган она еримизга нисбатан фарзандларимизда ғурур ва ифтихор, садоқат туйғуларини уйғотиш учун биз бутун нима қиляпмиз, деган саволга жавоб излаб кўрайлик.

Табаррук заминимизнинг қадрига етиш учун биринчи навбатда шу юртда яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини англаб, улуғлаб, уларнинг шу борадаги ибратли анъаналарини янги босқичда давом эттиришимиз керак. Айтиш керакки, маънавий жасорат аввало ўз юртига бўлган муҳаббат ва садоқатда, унинг тақдири учун фидойилик кўрсатиб яшашда намоён бўлади.

Биз мустақилликка эришганимиздан сўнг Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдулхолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд сингари азиз-авлиёларимиз, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек сингари алломаларимиз, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк арбобларимиз, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирларимизнинг номларини, асарларини том маънода қайтадан кашф этдик. Лекин бу улуг аждодларимизнинг жаҳон маданияти ва цивилизациясига қўшган буюк ҳиссасини ёшларимиз биладими? Албатта, биледи. Аммо, афсуски, аксарият ҳолларда умумий, юзаки тарзда биледи. Айтайлик, Хоразмийнинг ўнлик санок системасини яратганини, Берунийнинг илмий жасоратини, Амир Темурнинг бунёдкорлик даҳосини,

Улуғбекнинг беқиёс кашфиётларини, арабларга араб тили грамматикасини ўргатган Замахшарий меросини, мана, яқинда Мисрда ҳайкалини ўрнатганимиз Аҳмад Фарғоний бобомизнинг ўлмас хизматларини нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё тан оляпти, уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтиряпти.

Шулар қаторида янги тарихимиз давомида Ватанга бўлган меҳри ва садоқатини намоён этиб, истиқлолимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг буюк келажаги учун азму шижоат намунасини кўрсатиб, шу мақсад йўлида ўз ҳаёти, ижодий фаолиятини тўла сафарбар этган, керак бўлса, азиз жонини фидо этишга ҳам тайёр бўлган муносиб ватандошларимизга бағишлаб қанчадан-қанча ижод намуналарини яратиш мумкин эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тасаввур қиламиз.

Айни вақтда биз улуғ сиймоларимизнинг фақат номларини зикр этиш, уларнинг шуҳратига маҳлиё бўлиш билан чекланиб қолмаяпмизми, деган ҳақли савол туғилади. Ана шундай буюк зотларнинг фаолияти, жаҳон тарихидаги ўрни ва аҳамияти, бугунги ҳаётга таъсири ҳақида жамоатчилигимизга, ёш авлодга етарлича маълумот етказиб беряпмизми, деган масала барчамизни ўйлантириши керак.

Масалага шу кўз билан баҳо бериб, нима учун бутун дунё аҳли буюк аجدодларимизнинг меро-

сини тан олишини, бу улуг зотлар нима ҳисобидан бундай юксак эътирофга сазовор бўлгани, бунинг туб омиллари, сабаблари нимада эканини ҳар томонлама чуқур очиб беришга қаратилган, аниқ тасвирлар ва далиллар асосида илмий-оммабоп ва маърифий кўрсатувлар, ҳужжатли фильмлар, мақола ва рисолалар яратилишга йўқми, яратилаётган бўлса, улар бугунги талабларга жавоб берадими, деган саволни ўз-ўзимизга беришимиз лозим.

Афсуски, бу борада оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилаётган ишларни қониқарли деб бўлмаслигини журналистларимизнинг аксарият кўпчилиги ҳам яхши билади. Бу мавзунинг ёритишдаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Энг асосийси — баъзи ўринларда билим ва малака, ижодий маҳорат ва масъулиятнинг етишмаслиги, десак, тўғри бўлади.

Маънавий тарбия соҳасидаги ишларимизга янги туртки бериш учун юқорида номлари зикр этилган улуг сиймоларнинг ҳар бири ҳақида кенг оммага, биринчи навбатда ёшларга мўлжалланган алоҳида маърифий кўрсатувлар, ҳужжатли фильмлар яратиш, газеталаримизда махсус рукнлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Таъкидлаш керакки, айниқса телевидение ва радиода бундай мавзудаги кўрсатув ва эшитти-

ришлар онда-сонда эмас, аксинча, пухта ўйланган тизимли асосда тайёрланиши лозим. Бунда энг замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда, ёшларнинг онгига мос, уларнинг қизиқиш ва интилишларига ҳамоҳанг бўлган, уларни ўзига тортадиган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш керак. Узоқ ва зерикарли маърузалардан иборат кўрсатувларни кенг томошабинлар, айниқса ёшлар қабул қилмайди.

Бу йўналишдаги янги лойиҳаларни амалга ошириш учун мамлакатимиздаги энг салоҳиятли олимлар, тарихчи ва адиблар, билимдон мутахассислар иштирокида илмий-ижодий гуруҳлар тузиш, уларга тегишли шароит яратиб бериш, махсус грантлар ажратиш масаласини ўрганиб чиқиш зарур.

Барчамизга маълумки, яқин тарихимизда ва бугунги кунда маънавий ҳаётимизда муносиб ўрин эгаллаган катта санъаткорлар, режиссёрлар, рассомлар кам эмас. Жамоатчилигимиз, ёшларимиз уларнинг ижодий фаолияти ҳақида кенгроқ маълумот олишни, бетакрор санъатидан янада тўлароқ баҳраманд бўлишни истайди.

Мисол учун, мумтоз қўшиқчилигимизнинг моҳир ижрочиси Муножот Йўлчиева ижодини олайлик. Бугун бу санъаткор устоз даражасига етишди. Лекин унинг салоҳияти ва имкониятларидан биз тўлақонли фойдаланяпмизми? Илга-

рилари санъат оламида Юнус Ражабий мактаби ёхуд Ҳалима Носирова мактаби бўларди. Ёки яқинда вафот этган буюк санъаткор Турғун Алиматовнинг ўз ижодий мактаби бор эди. Нима учун бугун Муножот Йўлчиева мактабини ташкил этмаслигимиз керак? Унинг ижод йўли, ижро маҳорати ҳақида кўрсатувлар ташкил этиб ёки консерваторияда «устоз-шогирд» туркумида дарс-машғулотлар уюштириб, қизиқарли бир шаклда томошабинларга тақдим этилса, бу ҳам ўлмас маънавий меросимизни халқимизга етказишга хизмат қилмайдими?

Шунингдек, атоқли математик олимларимиз ҳақида ёки шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳақида ҳужжатли фильм яратиб, уларнинг тимсолида халқимизнинг қандай юксак интеллектуал салоҳиятга эга эканини кўрсатиб берсак, бу, ҳеч шубҳасиз, ёшларимизнинг қалбида ўз ақл-идроки, ўз кучига ишонч туйғусини оширади, энг муҳими, улар учун ҳаётда ўзига хос ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Ёки ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган 4 мингдан зиёд моддий-маънавий обида мавжуд. Ана шундай бой маънавий меросимизнинг моҳияти ва аҳамиятини ёшларимиз онгига теран сингдириш матбуотимизнинг долзарб вазифасидир.

Бундай мисолларни қўшлаб келтириш мумкин. Халқ усталари, масалан, моҳир наққош ва ўймакорларнинг бетакрор ижоди бутун бошли мақола ёки кўрсатувларга мавзу бўлишга арзимайдими? Афсуски, ҳозир эълон қилинаётган чиқишларда уларнинг ишлари шунчаки юзаки таърифлаб ўтилади, холос. Бу ўлмас санъат намуналарининг асрлар давомида нима ҳисобидан яшаб, эъзоз топиб келаётганининг нозик томонлари эътибордан четда қолади. Агар уларнинг маҳоратини атрофлича чуқур ёритиб, бу сермашаққат касбнинг сиру асрори тўлиқ очиб берилса, қанча-қанча ёшларимизда шу касбга нисбатан меҳр ва ҳавас кучайиши табиий.

Бутун биз янги ҳаёт, ҳуқуқий демократик давлат барпо этаётган эканмиз, замоннинг ўзи жамиятимизда ҳануз сақланиб келаётган, умрини ўтаб бўлган баъзи қарашларни тубдан ўзгартиришга, давр билан ҳамнафас бўлиб, янгича фикрлашга даъват этаётганини, ўйлайманки, барчамиз яхши англаймиз.

Бу вазифаларни амалга оширишда журналистлар ҳам шуни унутмаслиги зарурки, мустақил тафаккурни шакллантиришда албатта маҳорат керак, албатта масъулият керак ва албатта халқимизга хос одоб-андишани йўқотмаслик керак.

Табиийки, бундай босқичларга етиш учун, бундай муҳит ҳаётий кўникмага, тафаккуримиз-

нинг узвий бир қисмига айланиши учун оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўз билим ва малакасини муттасил ошириб бориши, муайян соҳага ихтисослашиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда сиёсат ҳақида гапирганда — сиёсатчи, иқтисодиёт ҳақида — иқтисодчи бўлиб фикр юритишни, маънавият ва маърифат ҳақида маърифатчи, ҳаётий-фалсафий муаммолар хусусида файласуф бўлиб баҳсга киришишни — мана шундай юксак қобилият ва маҳоратга эга бўлишни ҳаётнинг ўзи журналистларимиз олдида энг муҳим вазифа қилиб қўймоқда.

Ана шундай юксак марраларни эгаллаган тақдирдагина матбуотнинг ҳаққоний, ҳароратли сўзи ҳар бир юртдошимиз юрагида акс-садо беради ва у халқимизнинг чинакам маънавий ҳамроҳига айланади.

МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЯНГИЛАШНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Вазирлар Маҳкамасининг бугунги кенгайтирилган йиғилишидан асосий мақсад — мамлакатимизда 2008 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича амалга оширилган ишларга якун ясаш ҳамда 2009 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олишдан иборат.

Авваламбор, шуни айтиш керакки, жорий йилда ўз олдимизга қўйган янги вазифаларни мураккаб бир вазиятда, яъни дунёдаги деярли барча мамлакатларнинг иқтисодиётига ўта кескин таъсир кўрсатаётган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози билан боғлиқ бир шароитда амалга оширишга тўғри келади.

Маълумки, 2008 йилда бошланган бу инқироз ҳозирги вақтда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни тобора кенг ва чуқур қамраб олмоқда. Бу эса ишлаб чиқаришнинг пасайишига, ишсизликнинг ўсиши, аҳоли ҳаёт

даражасининг ёмонлашувига олиб келмоқда, бир сўз билан айтганда, бу инқироз кўп жиҳатдан оқибатини олдиндан билиб бўлмайдиган даражада жиддий тус олмоқда.

Иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик ва иқтисодий-молиявий тизимига интеграциялашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, жаҳон молиявий инқироzi, аввало унинг оқибатлари бизга ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳеч қандай зарурати бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Бундай таъсир, авваламбор, умуман дунё бозоридаги талаб ва нархларнинг кескин тушиб кетишида ва табиийки, мамлакатимиз экспорт қиладиган маҳсулотларнинг муҳим турларига нисбатан ҳамда экспортга йўналтирилган етакчи тармоқлар ва улар билан боғлиқ турдош корхоналар фаолиятида намоён бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бутун иқтисодиётимизнинг мутаносиб ва самарали ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш, ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш йўлида кўплаб муаммоларни туғдирмоқда.

Мухтасар айтганда, ўтган йил биз учун, биринчи навбатда, мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлди. Лекин, юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва амал-

га оширилган тадбирлар эвазига 2008 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришдик.

2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, саноатда 12,7 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни ташкил этди, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди.

Иқтисодиётнинг бошқа муҳим тармоқлари ҳам барқарор суръатлар билан ривожланди: қурилиш — 8,3 фоиз, транспортда юк ва йўловчи ташиш ҳажми — 10,2 фоиз, савдо соҳаси — 7,2 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигида 4,5 фоиз ўсишга эришилиб, 3 миллион 410 минг тонна пахта хом ашёси тайёрланди, 6 миллион 330 минг тонна ғалла, шу жумладан, 6 миллион 145 минг тонна бугдой етиштирилди.

Давлат бюджети ортиғи билан бажарилди, кўзда тутилган дефицит ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорида профицитга эришилди. Пухта ўйланган қатъий пул-кредит сиёсатини изчил олиб бориш туфайли инфляцияни кўзда тутилган прогноз кўрсаткичлари чегарасида, яъни йиллик 7,8 фоиз даражасида сақлаб қолишга эришилди.

Шу ўринда мамлакатимизда меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини кўпайтириш ва аҳоли да-

ромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга ошириш бўйича қўлга киритилган натижалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

2008 йилда ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёд, бутун иқтисодиёт бўйича эса 1,4 баробар ошди. Натижада ўтган йили ўртача иш ҳақи миқдори 300 АҚШ долларида ортиқ бўлди. Аҳолининг реал даромадлари эса йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди.

Жорий 2009 йилни оладиган бўлсак, ўртача иш ҳақи миқдорини бюджет соҳасида ва шунга мос равишда хўжалик юритувчи субъектларда ҳам 1,4 баробар ошириш кўзда тутилмоқда. Инфляциянинг ўсиш кўрсаткичини 7—9 фоиз даражасида сақлаб туриш мўлжалланмоқда.

Ташқи бозорда конъюнктуранинг ёмонлашувига қарамасдан, 2008 йилда ташқи савдо айланмаси 21,4 фоизга ошди, айтилиб ўтилган вақтда товарлар ва хизматлар экспорти 28,7 фоизга ортди. Натижада ташқи савдо балансида ижобий сальдо ҳажми сезиларли даражада ўсди. Бу эса ишончли тўлов баланси ва иқтисодиётимиз барқарорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Кейинги йиллар мобайнида экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳ-

сулот салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хом ашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2008 йилда умумий экспорт ҳажмида хом ашё бўлмаган товарларнинг улуши 71 фоиздан зиёдни ташкил этди. Айни вақтда Ўзбекистон учун анъанавий экспорт хом ашёси бўлган пахта толасининг бу борадаги улуши 2003 йилдаги 20 фоиздан 2008 йилда 12 фоизга тушди.

Таъкидлаш керакки, ташқи савдо муносабатларимиз географияси, аввало, ривожланиб бораётган Осиё қитъаси бозорлари билан савдо айланмасининг ўсиши ҳисобидан сифат жиҳатидан ўзгармоқда.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатдош тайёр маҳсулот улушининг изчил ошиши, биринчи навбатда, иқтисодиётимизнинг ўсиб бораётган салоҳияти ва имкониятларидан далолат беради. Шу билан бирга, бундай ҳолат экспортимизнинг хом ашё ресурслари нархи тез-тез ўзгариб турадиган жаҳон бозори таъсирига боғлиқлигини камайтиришда муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон иқтисодий инқироzi давом этаётган ҳозирги шароитда бундай ўзгариш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Нега деганда, бугунги кун-

да экспорт, асосан, хом ашё етказиб беришдан иборат бўлиб, дунё бозоридаги нарх-наво ўйинларига ҳаддан ташқари боғланиб қолаётгани айрим мамлакатларда валюта тушумларини камайтирадиган, молиявий барқарорликнинг ёмонлашувига олиб келадиган, иқтисодиётни издан чиқарадиган жиддий факторга айланмоқда.

Бизнинг кейинги йилларда экспорт соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгिलाш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишларимизнинг натижаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. 2008 йилда иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 6,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. Бу 2007 йил билан таққослаганда, 28,3 фоизга кўп бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисба-

тан инвестициялар ҳажми 23 фоизни ташкил этди. Ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг 50 фоизга яқини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилганини таъкидлаш даркор.

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга сазовордир. 2008 йилда 1 миллиард 700 миллион АҚШ доллари миқдоридagi хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу 2007 йилдагига нисбатан 46 фоиз кўп демакдир. Энг муҳими, хорижий инвестицияларнинг 74 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этди.

Жаҳон инқирози давом этаётганига қарамасдан, 2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳажми 1 миллиард 800 миллион долларга кўпаяди, бунинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри инвестициялардир.

Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг қарийб 54 фоизини корхоналар ва аҳоли маблағлари ташкил этади. Бу мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаоллигини рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган солиқ сиёсати қанчалик тўғри эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик муҳим роль ўйнайдиган лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришда бундан икки йил аввал ташкил этилган, бугунги кунда 3 миллиард 200 миллион АҚШ долларида ортиқ низом жамғармасига эга бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди фаолиятига катта аҳамият берилмоқда. Яқин истиқболда ушбу Фонд активларини 5 миллиард долларга етказиш кўзда тутилмоқда. Ўтган икки йил мобайнида ўнлаб йирик саноат ва инфратузилма иншоотларини молиялаштириш ва ҳамкорликда молиялаштириш учун Фонд томонидан 550 миллион АҚШ долларида зиёд миқдорда кредитлар ажратилди.

Мамлакатимиз бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида қарийб 250 миллиард сўмлик асосий фондга эга бўлган жами 423 та объект, жумладан, озиқ-овқат саноатида 145 та, қурилиш материаллари саноатида 118 та, енгил ва тўқимачилик саноатида 65 та, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида 58 та, кимё ва нефть-кимё саноатида 13 та, фармацевтика тармоғида 8 та объект ишга туширилди.

2008 йилда ишга туширилган ва ҳозирги кунда қурилаётган йирик ишлаб чиқариш иншо-

отлари қаторида Фарғона водийсини электр энергияси билан мунтазам таъминлаш имконини берадиган, узунлиги 165 километрлик Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси — «Ўзбекистон» юқори кучланишли электр узатиш линияси барпо этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сирдарё иссиқлик электр станциясини «Сўғдиёна» кучлантириш станцияси билан боғлайдиган, Ғузор-Сурхон юқори кучланишли электр узатиш линиялари ва Тошкент шаҳри электр таъминоти объектлари лойиҳаларини амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда. Шунингдек, ўтган йили 2 минг 600 километрдан ортиқ ичимлик суви ҳамда 825 километрдан зиёд табиий газ тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш масалаларига устувор аҳамият берилиши натижасида 113 минг 200 ўқувчига мўлжалланган 169 та касб-ҳунар коллежи ва 14 минг 700 ўринли 23 та академик лицей қурилди ва реконструкция қилинди. Шу билан бирга, 69 та янги мактаб барпо этилди ва 582 та мактаб капитал реконструкция қилинди. Шулар қаторида 184 та болалар спорти иншооти, 26 та қишлоқ врачлик пункти ва 7 миллион 240 минг квадрат метр тураржой бинолари ва бошқа объектлар қурилди.

Ўтган йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини янада ошириш принципиал муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, фермер хўжаликларига ажратилаётган ер майдонларини оптималлаштириш борасида зарур ишлар амалга оширилди.

Дастлаб зарар кўриб ишлайдиган, рентабеллиги паст ва истикболсиз ширкат хўжаликларини тугатиш негизида ташкил этилган хусусий фермер хўжаликлари бугунги кунда ҳақли равишда қишлоқда етакчи бўлишга — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди.

Ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Юртимизда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилмоқда. Фақат ўтган 2008 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун 1 триллион сўм, жумладан, пахта тайёрлашга — 800 миллиард сўм, ғалла

етиштиришга 200 миллиард сўм маблағ аванс тариқасида берилди. 2009 йилда ушбу мақсадлар учун 1 триллион 200 миллиард сўм йўналтирилади. Қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида сотиб олиш бўйича махсус ташкил этилган Фонд ҳисобидан ушбу мақсадлар учун ўтган йили 43 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, жорий йилда 58 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ана шундай эътибор ва амалий ёрдам туфайли 2008 йилда фермер хўжаликларининг пахта етиштиришдаги улуши 99,1 фоизни, ғалла тайёрлашда эса 79,2 фоизни ташкил қилди.

Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида ортирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда. Фаолият юритаётган аксарият фермер хўжаликларининг иш тажрибаси шундан далолат берадики, фермер хўжаликларини шакллантиришнинг дастлабки босқичида уларга ажратиб берилган ер майдонларининг камлиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига кўп жиҳатдан тўсқинлик қилмоқда. Имконияти, куч-қуввати кам бўлган

фермер хўжаликлари ўзини зарур техника, айланма маблағ билан таъминлаш, кредит қобилиятига эга бўлиш, энг асосийси, ўз харажатларини қоплаш ва фойда кўриб ишлаш, даромадни оширишнинг ишончли асосига айланолмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича кенг кўламли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди. Бунда фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлиги алоҳида эътиборга олинди. Ана шу ишлар натижасида фермер хўжаликлари учун ажратилган ер майдонлари бугунги кунда пахтачилик ва ғаллачиликда ўртача 37 гектардан 93,7 гектаргача кўпайди ёки 2,5 баробардан зиёд ошди. Бу кўрсаткич сабзавотчиликда — 10 гектардан 24,7 гектаргача ёки 2,5 баробар, чорвачиликда эса 154 гектардан 164,5 гектаргача кўпайди.

2008 йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам барқарор ривожланди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови-

нинг 10 фоиздан 8 фоизга, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва айти пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди. Натижада сўнгги олти йил мобайнида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 1,9 баробар кўпайди ва 2008 йили қарийб 400 мингтани ташкил этди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 фоизга кўпайди. Бу саноат тармоғидаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча кўпдир. Шунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди. **Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани, айниқса, эътиборлидир.**

Шу муносабат билан аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланаётганини айтиб ўтмоқчиман.

Биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат

кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўтган йил мобайнида юртимизда 661 мингга яқин, жумладан, кичик бизнес соҳасида — 374 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида — қарийб 220 мингта, касаначилик ҳисобидан эса — 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди.

Албатта, иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутди. 2008 йили алоқа, ахборотлаштириш, молия, банк, транспорт хизмати кўрсатиш, маиший техника ва автомобилларни таъмирлаш соҳалари анча юқори суръатлар билан ривожланди.

Сўнгги тўрт йил мобайнида йилига ўртача 50 фоиз ўсишни таъминлаётган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 42,5 фоиздан 2008 йилда 45,3 фоизга ўсди.

Айни пайтда қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётганига қарамай, ҳали-бери паст даражада — бор-йўғи 26,8 фоиз бўлиб қолаётганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айтиш керакки, аҳолига

хизмат кўрсатиш сифати ҳам талаб даражасида эмас.

Такрор ва такрор таъкидлаб айтмоқчиман — биз ишлаб чиқариш корхоналари билан кооперация асосида барпо этиладиган касаначиликни ривожлантиришга қандай катта аҳамият бераётганимиз барчангизга маълум. Бу борада мамлакатимизда иш берувчи корхоналар учун ҳам, касаначилик билан шуғулланувчи аҳоли учун ҳам рағбатлантиришнинг яхлит ва таъсирчан тизими яратилган.

Бугунги босқичда касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Айни вақтда касаначилик фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Яъни, бундай ишлар орқали биз одамларни банд қилиш билан бирга, яна бир муҳим мақсадга — уларни маънавий қўллаб-қувватлашга, «Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак» деган шиоримизнинг амалий тасдиғини таъминлашга эришган бўламиз.

Тасаввур қилинг, биргина 2008 йилда касаначилар томонидан 34 миллиард сўмлик маҳсу-

лот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Касаначилик учун иш ўринлари очган корхоналар, шу борада ўзларига берилган имтиёзлар ҳисобидан 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежашга эришди.

Аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг яна бир муҳим йўналиши шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан шуғулланадиган кишилар сонини кўпайтиришдан иборат. Қайд этиш керакки, бу масалада муайян ижобий натижалар қўлга киритилди. Мамлакатимизда қорамолларни аҳолига ва фермер хўжаликларига кимошди савдолари орқали сотиш, уларга мақсадли ва имтиёзли кредитлар бериш, ветеринария хизмати кўрсатишнинг сифати ва ҳажмини ошириш, озуқа билан таъминлаш бўйича самарали механизмлар яратилган. Чорвачиликни ривожлантириш дастурининг ижроси доирасида 2008 йили кимошди савдоларида 20 минг 300 бош қорамол сотилди. 2009 йилда яна 24 минг 600 бош қорамол сотилиши кўзда тутилмоқда. Агар 2007 йилда қорамол сотиб олиш учун 42,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, 2008 йилда бу рақам 48 миллиард 200 миллион сўмни ташкил этди.

Маълумки, мамлакатимизда кам таъминланган оилаларни бепул сигир ажратиш йўли билан

қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2006 йилдан ҳозирга қадар ана шундай оилалар учун 103 мингдан зиёд қорамол берилди. Натижада 2009 йилнинг 1 январигача шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқувчи сифатида рўйхатга олинган фуқароларнинг умумий сони 1 миллион 100 мингдан кўпроқни ташкил этди. Шулардан 54 минг кишига янги меҳнат дафтарчаси берилди, 111 минг фуқаронинг эса мавжуд меҳнат дафтарчасига иш стажи тегишли тартибда қайд этилди.

Жаҳон иқтисодий инқироzi кучайиб бораётган ҳозирги шароитда банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан яхшилаш алоҳида муҳим аҳамият касб этишини, ўйлайманки, барчангиз яхши тушунасиz. Шу нуқтаи назардан банк-молия тизими ривожидан боғлиқ масалаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Фақат ўтган йилнинг ўзида «Ўзсаноатқурилишбанк», «Асакабанк», «Пахтабанк», «Ғаллабанк» каби етакчи банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинганидан хабардорсиz. Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялашнинг асосий кредит марказларидан бири бўлган «Микрокредитбанк»нинг низом жамғармасини кўпайтириш-

га оид Фармони қабул қилингани ҳам шу йўлдаги амалий қадам бўлди. Натижада мамлакатимиз банкларининг жами капитали, қўшимча ресурсларни жалб этиш ҳисобидан, 2007 йил билан таққослаганда 40 фоизга кўпайди. Бу кўрсаткич 2010 йилгача бўлган даврда икки баробар ошади.

Бугунги кунда банкларимизнинг умумий активлари ҳажми аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан икки баробардан ҳам кўпдир. Бу эса ушбу маблағларни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда хизмат кўрсатишни кафолатлайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға биноан фуқароларнинг банклар депозитларидаги омонатлари, уларнинг миқдоридан қатъи назар, давлат томонидан тўла кафолатланади.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси Банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баробар кўп эканини таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги вақтда республикаимиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 миллиард доллардан ортиқдир. Бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир. Бу эса

бизда ликвидлик, яъни тўловларга қодирлик даражаси бўйича муаммо йўқ, деб айтиш учун асос беради.

Ўтган йилнинг энг муҳим ютуқларидан бири Ўзбекистон банк тизимига жаҳоннинг нуфузли рейтинг агентликларидан бўлган «Мудис» агентлиги томонидан бир йўла учта йўналиш, яъни банк-молия тизимининг барқарорлиги, миллий валютада узоқ муддатли депозит рейтинги ва хорижий валютада узоқ муддатли депозит рейтинги йўналишлари бўйича «барқарор» рейтинг даражаси берилгани бўлди. Мазкур агентлик ҳисоботида таъкидланганидек, «Банк тизими учун ижобий баҳо банкларни назорат қилиш муҳити мустаҳкамлигини, банк тизимининг потенциал ўсишини, молия тизимидаги таркибий ўзгаришлар ва миллий иқтисодиётнинг ўсишини акс эттиради». Шулар қаторида «Мудис» агентлиги иккита банкимиз — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва «Фаллабанк»нинг кредит бериш қобилияти бўйича рейтингини ижобий баҳолади. Яна бир танилган халқаро рейтинг агентлиги — «Фитч» эса мамлакатимизнинг «Пахтабанк», «Ҳамкорбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Асакабанк» каби банкларига «барқарор» рейтингини берди.

Маърузанинг ушбу қисмига яқин ясар эканман, 2009 йилнинг 1 январигача Ўзбекистоннинг

жами ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 13,3 фоизини ташкил этишини ва бу кўрсаткич, халқаро мезонлар бўйича, «Ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат» деб ҳисобланишини таъкидламоқчиман.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳозирги мавжуд шароитда 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастуримизнинг энг устувор вазифаларини белгилаб олишда жаҳон иқтисодий инқирозининг таъсири ва оқибатларини етарлича тўлиқ ҳисобга олиш қанчалик муҳим экани ҳақида, ўйлайманки, кўп гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Дунёнинг нуфузли экспертлари томонидан билдирилаётган фикрларга кўра, бу инқироз жорий йилда ва 2010 йилда ҳам давом этиши ва эҳтимол янада чуқурлашиши кутилмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ўз-ўзидан аёнки, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича **2009 — 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади.**

Биз истиқдолнинг дастлабки йилларида қабул қилган, машҳур беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели йилдан-йилга илгарилаб борганимиз сари ўзини амалда оқлаб, нақадар тўғри

ва пухта эканини исботламоқда, деб айтиш учун бугун барча асосларимиз бор.

Биринчи навбатда, иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигида ўз ифодасини топган прагматик иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич ва вазминлик билан амалга ошириш каби тамойиллар, айниқса, дунёда авж олиб бораётган молиявий ва иқтисодий инқироз шароитида ўзининг долзарблиги ва ҳаётийлигини яна бир бор кўрсатмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Интеграциялашган глобал иқтисодий маконнинг узвий бир қисми сифатида Ўзбекистон жаҳон иқтисодий инқирозининг тобора кучайиб бораётган салбий оқибатларини ҳис этаётгани ва бундан кейин ҳам ҳис этишини биз ўзимизга

яхши тасаввур қиламиз. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришган эдик. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқироzi оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури тасдиқланиб, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича аниқ ижрочиларга етказилди. Дастур ижросини қатъий назорат қилишни таъминлаш мақсадида ҳукумат комиссияси ва жойларда ҳудудий гуруҳлар ташкил этилди.

Мухтасар айтганда, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш бошлаб юборилди ва 2009 йилнинг январь ойи якунлари бу дастур ижроси ўзининг дастлабки, аммо ишончли натижаларини бераётганини кўрсатмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари — белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Улар қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

Биринчидан — корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа, авваламбор, иқтисодиётнинг асосий тар-

моқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир.

Бу ўринда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилмоқда. Ўз навбатида, бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

Иккинчидан — жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан:

— айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

— тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан — қўшимча қиймат

солиғи бундан мустасно — озод қилиш муддати-ни 2012 йилгача узайтириш;

— банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш.

Учинчидан — қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

Шу мақсадда яқинда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқуллиганини қайд этиш лозим.

Шунингдек, таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда барча турдаги энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, яъни уларни 6—8 фоиздан оширмаслик механиз-

ми ишлаб чиқилган. Айни вақтда бу соҳаларнинг ишлаб чиқариш рентабеллигини сўзсиз таъминлаши керак.

Тўртинчидан — электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш. Иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, кўп жиҳатдан, бизнинг мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурсларидан қанчалик тежамли фойдалана олишимизга боғлиқдир.

Бешинчидан — жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда гоят муҳим аҳамиятга эга.

Бу вазифани бажаришда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини кенгайтириш катта ўрин тутади. Ушбу дастур доирасидаги лойиҳалар ҳажмини 3—4 баробар кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналари учун кенг кўлам-

ли рағбатлантириш тизими назарда тутилган. Жумладан, улар учун 2012 йилнинг 1 январигача қуйидаги солиқ ва божхона имтиёзлари берилмоқда:

— гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга қисқартириш;

— тайёр ноозиқ-овқат товарларнинг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда ва мулк солиқларидан, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солиқ тўловидан озод қилиш.

Ҳеч шубҳасиз, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда иқтисодиётимиздаги ҳар қайси субъектнинг имкон қадар кўпроқ манфаатдор бўлишини, ушбу дастур ижроси уларнинг ҳар бири учун энг муҳим ишга айланишини таъминлаш мақсадида кўшимча рағбатлантириш чораларини излаб топиш катта аҳамият касб этади.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмун-моҳияти ва асосий вазифаларига баҳо берар эканмиз, сизларнинг диққатингизни ғоят муҳим, менинг назаримда, принципиал аҳамиятга молик бир масалага қаратмоқчиман.

Бу ўринда гап жаҳон иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш, реал иқтисодиёт корхоналарига ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш каби чора-тадбирларни амалга оширишга эътибор қаратиш билан бирга, биз эртанги кунимизни, келажагимизни асло унутмаслигимиз зарурлиги ҳақида бормоқда.

Бошқача айтганда, биз ҳозирданоқ тараққиётимизнинг инқироздан кейинги даври ҳақида чуқур ўйлашимиз, бу борада узоқ муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш ҳақида бош қотиришимиз керак.

Бу дастур иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳаларни ўзида мужассам этиши даркор.

Мана шу ўта муҳим масалани, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи стратегик вазифани эътиборимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Табиий савол туғилади — бунинг учун бизда зарур имкониятларимиз борми, бундай лойиҳа-

ларни амалга ошириш учун мамлакатимизда қандай салоҳият яратилган?

Таъкидлаш жоизки, ана шундай кенг кўламли дастурни амалга ошириш учун биз сўнгги йилларда жиддий тайёргарлик кўриб келмоқдамиз. Жаҳон иқтисодий инқироzi эса, менинг назаримда, бу жараёни янада жадаллаштиришга туртки бермоқда, уни ҳар томонлама тезлаштиришни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилмоқда. Шу борада, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, умумий қиймати 24 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган қарийб 300 та инвестиция лойиҳаси устида ишламоқдамиз.

Жумладан, бунда янги қурилиш лойиҳалари — 18,5 миллиард долларни, модернизация ва реконструкция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар эса тахминан 6 миллиард долларни ташкил қилади. Дастурга киритилиши мўлжалланаётган бу лойиҳалар, авваламбор, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-газни қайта ишлаш, металлургия тармоқларига, енгил ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари

саноати, машинасозлик ва бошқа соҳаларга тегишлидир.

Лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлари бошланаётган иншоотларни қуйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилмоқда: компания ва корхоналарнинг ўз маблағлари — умумий ҳисобда 8,2 миллиард доллар, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди кредитлари — 2,5 миллиард доллар, хорижий инвестиция ва кредитлар — 13,5 миллиард доллар.

Шуниси эътиборга сазоворки, ушбу лойиҳаларнинг бир қисми бўйича 2007—2008 йилларда қурилиш ишлари бошлаб юборилган, баъзиларининг қурилишини эса 2009 йилда бошлаш кўзда тутилмоқда.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобидан йилига 10,4 миллиард долларлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, йиллик экспортни 6,5 миллиард долларга кўпайтириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Бугунги кундаги асосий вазифамиз — ҳар бир лойиҳани қисқа муддатларда барча манфаатдор

тузилмалар, биринчи навбатда, хорижий инвесторлар билан биргаликда батафсил кўриб чиқиш, улар бўйича келишувларни охирига етказиш ва 2009—2014 йилларга белгиланган ушбу стратегик муҳим дастурнинг қабул қилинишини тезлаштиришдир. Бу вазифанинг ижроси Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодиёт комплекси (Р. Азиев) зиммасига юклансин.

Юқорида зикр этилган вазифаларни инобатга олган ҳолда, 2009 йилги иқтисодий дастуриимизнинг иккинчи энг муҳим устувор йўналиши — бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттиришдир.

Маълумки, 2000 йилда биз бу борадаги ислохот ва янгиланишлар йўналишини аниқ белгилаб олган эдик. Имкониятдан фойдаланиб, яна бир бор такрорламоқчиман — бу йўналиш бугун ҳам ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаган, кейинги йилларда ҳам йўқотмайди.

Нега деганда, биз иқтисодиётимиз ва мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги рақобатдошлигини айнан ана шу ўта муҳим, ўзак вазифани бажариш орқалигина таъминлай оламиз. Барчамиз учун бу ҳақиқат аён бўлиши шарт.

Бунинг устига, қанчалик ғайритабiiй туюлмасин, жаҳон иқтисодий инқирози ишлаб чиқаришни мунтазам янгиллаб, модернизация қилиб

бориш заруратини кун тартибига янада ўткир қилиб қўймоқда ва бунинг учун бор куч-имкониятимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишни талаб қилмоқда.

Фақат битта мисол келтирмоқчиман. Бугун биз Тошкент, Навоий ва Толлимаржондаги учта иссиқлик электр станциясида мавжуд бўлган тежамкорлиги паст газ қурилмалари ўрнига замонавий буғ-газ қурилмаларини барпо этиш лойиҳалари устида иш олиб боряпмиз. Албатта, бу лойиҳаларни амалга ошириш учун каттагина инвестиция керак бўлади. Лекин иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришда энергия манбаларидан фойдаланиш ҳажмини жаҳон стандартлари даражасида қисқартиришга эришадиган бўлсак, бундан келадиган самара сарф қилинган харажатларни ҳар жиҳатдан тўла қоплайди. Шунинг учун ҳам ушбу лойиҳалар ижросини жадаллаштириш устида қаттиқ ишлашимиз зарур.

Маҳсулот рақобатдошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш бўйича катта ва кичик лойиҳаларни излаш, бунинг учун зарур маблағ ва манбаларни топиш — бу ҳар бир корхона раҳбари ва муҳандис-техник ходимларининг биринчи навбатдаги энг муҳим вазифаси ва мажбурияти бўлмоғи керак.

Маҳаллий органлар ва тармоқ тузилмалари раҳбарларининг жойларда аҳоли бандлигини таъ-

минлаш баҳонасида, нима қилиб бўлса ҳам, ҳеч кимга керак бўлмаган, омборларда тахланиб ётадиган сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш, эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни сақлаб қолиш учун уринишларига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бундай корхоналар сони бугунги кунда 200 тадан ошади.

Ажабланарли томони шундаки, бундай корхоналарнинг аксарияти енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасида сақланиб қолмоқда. Ҳолбуки, бу соҳаларда тез ўзгарувчан бозор талаби техника ва технологияни узоғи билан 5—7 йилда, ривожланган мамлакатларда эса бундан ҳам қисқа муддатларда ўзгартиришни талаб этади. Бундай вазиятни мазкур корхоналарни банкрот деб эълон қилиш йўли билан тубдан ўзгартириш даркор.

Ўтган йили тузилган махсус ҳукумат комиссияси (Ш. Мирзиёев) бу ишни, албатта, охирига етказиши керак.

Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устувор вазифа — қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тад-

биркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Яқинда тасдиқланган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида бу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, энг муҳим йўналишлари, конкрет параметрлари ва молиявий манбалари аниқ белгилаб қўйилганини ҳисобга оладиган бўлсак, бугун бу масалаларга батафсил тўхталиб ўтиш зарурати йўқ, деб ўйлайман. Лекин бир фикрни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Яъни, бу устувор йўналиш ва уни амалга ошириш дастури нафақат 2009 йил, балки ўрта муддатли истиқбол учун белгилаб олинган.

Қишлоқларимиз қиёфасини, қишлоқда ҳаёт сифатини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун-моҳиятини ўзгартиришга, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга, охир-оқибатда қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини, унинг онги ва фуқаролик масъулиятини оширишга қаратилган, биз учун ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган ушбу давлат дастурини бажаришга киришар эканмиз, 2009 йилдаги бош вазифамиз уни амалга ошириш бўйича истиқболдаги барча ишларни мустаҳкам ташкилий асосга қўйишдан иборатдир.

Ушбу дастурдаги барча мақсадли вазифа ва параметрларнинг пировард натижада бажарилиши учун бутун масъулият Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда тузилган, шахсан биринчи раҳбарнинг ўзи бошқариши зарур бўлган ҳудудий комиссиялар зиммасига юкланишини айтиб ўтиришга, ўйлайманки, бутун ҳолат бўлмаса керак.

Конкрет дастурларда белгиланган вазифалар ҳар қайси ҳудуд бўйича қандай ижро этилаётганига қараб, мутасадди шахсларнинг ушбу дастур орқали қўйилган вазифани қай даражада тушуниши ва бажарилишини таъминлаши, қисқача айтганда, уларнинг замонавий раҳбарга нисбатан қўйиладиган талабларга қанчалик жавоб бериши тўғрисида хулоса чиқариш имкони пайдо бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, дастурнинг биз учун принципиал аҳамиятга эга бўлган қуйидаги йўналишларига яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчидан, мазкур дастур ижроси билан боғлиқ қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, янги қонунлар қабул қилиш, тегишли қонун ҳужжатларига, Ер кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур.

Қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сув ресурс-

ларидан оқилона фойдаланишни тартибга солиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Вазирлар Маҳкамаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун имтиёз ва рағбатлантириш чораларини кенгайтириш ва бу борада янги имкониятлар яратиб бериш, қишлоқда бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш, унинг ижтимоий-сиёсий мақомини мустаҳкамлаш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиши ва Олий Мажлисга киритишни тезлаштириши зарур.

Иккинчидан, дастурда белгиланган вазифалар орасида қишлоқларимизда ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш принципиал муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунинг учун қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий жиҳатдан лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим.

Ҳудудларнинг меъморий-лойиҳавий қурилиши бўйича бош планлари ишлаб чиқилишини таъминлаш, минтақаларнинг иқлими, демографик ҳолати ва бошқа шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ уйлари ва ижтимоий

иншоотларнинг унификация қилинган намунавий лойиҳаларини тайёрлаш даркор.

Бу вазифаларни бажариш учун яқинда махсус «Қишлоқ-қурилиш-лойиҳа» лойиҳа-тадқиқот институти ташкил этилди. Ушбу муассасанинг тўлақонли фаолият бошлашини тезлаштириш, уни юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ва уларнинг олдига аниқ ва равшан вазифалар қўйиш керакки, жорий йилнинг ўзидаёқ биз янги архитектура бош планлари ва намунавий лойиҳалар бўйича ишлаш имкониятига эга бўлишимиз лозим.

Табиийки, янги қурилишларни замонавий қурилиш материаллари ва конструкцияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қишлоқ жойларда барпо этиладиган объектларни қуришда йиғма, композицион ва кичик блокли конструкцияларни қўллаган ҳолда, индустриал ва йиғма технологияларни кенг жорий этиш даркор.

Вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари «Ўзқурилишматериаллари» компанияси билан биргаликда маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, пишиқ гишт, том ёпиш, пардозлаш ва бошқа мақсадлар учун керак бўладиган материалларни ишлаб чиқариш бўйича минитехнологияларни жорий этиш, мавжуд норуда конларини қайта тиклаш ҳамда реконструкция қилишга

доир махсус дастурларни ишлаб чиқиши лозим.

Биз қишлоқда нафақат обод аҳоли масканлари ва замонавий уйларга, балки равон йўллар, узлуксиз энергия таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимига, ривожланган ижтимоий объектлар тармоғига — бу қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар бўладими, болалар спорти иншоотлари, телекоммуникация ва почта алоқаси бўладими, хизмат кўрсатиш, савдо шохобчалари бўладими — ана шундай ва бошқа тузилмаларга эга бўлишимиз керак.

Қишлоқ жойлардаги мавжуд инфратузилмани яна бир бор танқидий баҳолаб, уни кенгайтириш бўйича қўшимча маблағ ва имкониятлар топиш зарур. Бу қишлоқларда аҳолини, айниқса, ёшларнинг бандлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири эканини унутмаслигимиз даркор.

Белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун қишлоқ қурилиши бўйича ҳудудий бўлимларга эга ихтисослашган банк ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Марказий банк манфаатдор тузилмалар билан биргаликда яқин вақт ичида Вазирлар Маҳкамасига мазкур банк фаолиятини ташкил этиш юзасидан таклиф киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари туманларда

намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар, қишлоқларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш бўйича ихтисослашган хусусий пудратчи корхоналарни ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатиш масаласини кўриб чиқсин.

Учинчидан, дастурнинг асосий вазифаси — қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилиш-ни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат.

Бу борада вазифа кенг миқёсда қўйилмоқда — яъни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг кўламда фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустаҳкам хом ашё базасини ташкил этиш зарур.

Бундай ишлаб чиқариш қувватлари ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқда барпо этилиши даркор. Бу нафақат ишлаб чиқаришнинг янги ҳажмлари ва ялпи ички маҳсулотни ошириш, аввало, озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беришини аниқ-равшан тушуниб оли-

шимиз зарур. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ҳамиша юқори бўлиб, бу эҳтиёж бундан буён ҳам ортиб боришига шубҳа йўқ.

Энг муҳими, қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш орқали биз, авваламбор, иш ўринларига талаб доимо катта бўлган қишлоқларда ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш имкониятига эга бўламиз.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига икки ой муддатда, Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда, ҳар бир туман шароитидан келиб чиқиб, 2009—2011 йилларда қишлоқ жойларда қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, уларни хом ашё базаси билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси топширилсин.

Тўртинчидан, 2008—2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар тизимининг изчил амалга оширилишига — яъни, экин майдонларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш, фаолият кўрсатаётган ирригация-мелиорация объектларининг тегишли техник ҳолатини таъминлаш, ихтисослашган сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника билан жиҳоз-

лаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш устувор вазифа бўлиб қолади.

Бизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизда кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қандай катта аҳамият берилаётганини яна бир бор такрорлашнинг ҳожа-ти йўқ, деб ўйлайман. Фақат эътиборингизни шунга қаратмоқчиманки, кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнкту-раси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжла-рига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринла-рини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлан-тиради.

Жорий йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароити-мизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортигини ташкил этмоқда.

Шу сабабли Инқирозга қарши чоралар дасту-рида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбат-

лантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Жумладан, янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди.

Жорий йилнинг 1 январидан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлов ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилди, молиявий, маиший ва бошқа хизматларни кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар, нодавлат хўжалик юритувчи субъектларни оладиган дивидендларининг инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтириладиган қисми 5 йил муддатга солиқдан озод этилди.

Шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камида яна 30 фоизга камайтириш кўзда тутилган.

Айни пайтда жойларда вазифада ўтирган амалдорлар хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ўрнига, кичик бўлса-да, ўз иши, ўз бизнесини ташкил этишга интилаётган одамларга турли йўллар билан тўсқинлик қилаётганига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди.

Ўз бизнесини ташкил этиш ёки кенгайтиришни истаган тадбиркорлар қурилишга рухсат олиш, кадастр орқали расмийлаштириш учун ойлаб югураётганига, лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, бинолар ижараси учун асоссиз равишда катта миқдорда пул тўлаётганига қандай чидаш мумкин? Бундай ҳолатларга прокуратура органлари қандай қараяпти?

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш бўйича меъморий-лойиҳалаштириш вазифаларини ишлаб чиқиш, лойиҳа ҳужжатларининг экспертиза қийматини камайтириш, кичик бизнес учун экологик экспертизанинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш ва уни амалга ошириш учун тарифларни пасайтириш юзасидан тегишли чоратадбирлар кўзда тутилган қарор лойиҳасини тақдим этсин.

Кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, шунингдек, давлат мулки бўлган иншоотлар учун ижара ҳақи тўлаш бўйича тарифларни камайтириш масаласини ҳам кўриб чиқиш зарур.

Бир сўз билан айтганда, бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга нима ҳалақит бераётганини яна бир бор батафсил, чуқур таҳлил қилиш ва ушбу таҳлил асосида аниқ қарорлар қабул қилиш даркор.

Айниқса, хизматлар кўрсатиш соҳасини янада жадал ривожлантириш бўйича амалга ошираётган ишларимизни чуқурлаштириш катта аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қисқа вақт ичида 2007—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурининг ижросини таҳлил қилиб, белгиланган вазифаларнинг bajarилмаслиги билан боғлиқ сабабларни ўрганиб чиқсин ва зарур ҳолатларда тегишли ўзгартишлар киритсин.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида

жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар кўриш зарур.

Бу борадаги энг асосий вазифа вазиятга тадбиркор нуқтаи назаридан қараш, яъни унга ўз ишини ривожлантириш учун нима тўсқинлик қилаётгани ва давлат томонидан қандай ёрдам кераклигини аниқлаш лозим. Хусусий секторга қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида аҳамият бериш даркор.

Навбатдаги энг муҳим устувор вазифа — бу мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат.

Ҳолат муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу устувор вазифага алоҳида эътибор қаратишни истардим. Бунинг бир қанча сабаблари бор:

Биринчидан, инфратузилмани ривожлантириш янги корхоналарни жойлаштириш ва бутун иқтисодиётни тараққий эттириш учун зарур қулай шарт-шароитлар яратади, мамлакатимизнинг бой минерал хом ашё ресурсларини ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, авваламбор, автомобиль ва темир йўлларнинг ривожланган тизими, уларнинг самарали фаолияти ишлаб чиқаришдаги умумий харажат-

ларни камайтиришнинг муҳим шарти ва омилидир. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бутун иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширади.

Учинчидан, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви, энергия билан таъминлаш, ижтимоий соҳа объекларини барпо этиш, пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қиладиган кенг кўламли соҳа ҳисобланади. Бу янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беради.

Замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, шу асосда иқтисодиётни изчил ва барқарор юксалтириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида «2009 йилда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» махсус дастур қабул қилинди ва унинг бажарилиши кескин назоратга олинди.

Биз транспорт инфратузилмасини, биринчи навбатда, автомобиль ва темир йўлларни ривож-

лантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. 2007—2010 йилларда умумий фойдаланишда бўлган автомобиль йўллари ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши бугунги кунда республикамизнинг барча минтақалари ўртасида йил давомида ишончли транспорт алоқасини таъминламоқда.

Шунингдек, Дастур доирасидаги ишлар қўшни мамлакатлар чегараларидан ўтмасдан, юкларни манзилга узлуксиз етказиш, йўловчилар ташиниш учун шароит яратмоқда, ҳудудимиз орқали ўтадиган юклар транзитини сезиларли даражада қўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Жорий йилда янада ишончли транспорт хизмати кўрсатиш учун қабул қилинган қўшимча чора-тадбирлар билан бир қаторда халқаро аҳамиятга молик умумий фойдаланишда бўлган 400 километрдан ортиқ автомобиль йўлини модернизация қилиш кўзда тутилмоқда.

Жумладан, Бейнов — Бухоро — Самарқанд — Тошкент — Андижон йўналиши бўйича 4 қаторли халқаро автомобиль йўлини, шунингдек, Бухоро — Олот ва Самарқанд — Ғузор йўллари-нинг стратегик участкаларини қуриш мўлжалланмоқда. Шу билан бирга, маҳаллий бюджетлар ва Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан маҳаллий аҳамиятга молик йўллари реконструкция қилиш ва капитал таъмир-

лаш кўламини кенгайтириш вазифаси қўйилмоқда.

Темир йўл тармоқларини қуришни давом эттириш ҳам биз учун катта аҳамият касб этади. Жорий йилда янги Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўл линиясида ободонлаштириш ишларини ниҳоясига етказиш зарур.

Деҳқонобод калий ўғитлари заводининг қайта ишлаш комплексига олиб борадиган янги темир йўл тармоғини барпо этиш, Жиззах — Янгиер йўналиши бўйича электрлаштирилган икки йўлли линия ва Янгиер — Фарҳод йўналиши бўйича электрлаштирилган бир йўлли линия қурилиши юзасидан кўзда тутилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

Навоий аэропорти базасида эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш, шунингдек, Навоий шаҳрида янги барпо этилган аэродромни халқаро оператор — Кореянинг «Кореан Эйр» компанияси бошқарувига бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши туфайли олдимизда катта истиқболлар очилади.

Халқаро интермодал логистика марказининг ташкил этилиши ундан нафақат Жануби-Шарқий Осиёни Европа билан боғлайдиган қитъалараро транспорт-экспедиция узели сифатида фойдаланиш имконини беради. Айни пайтда у Навоий вилояти ва қўшни ҳудудларда янги, юксак

технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратади.

Ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштиришни тубдан яхшилаш, шунинг ҳисобидан кўшимча иш ўринларини яратиш масалалари бизнинг режаларимизда алоҳида ўрин эгаллаши даркор.

Кўзда тутилган чора-тадбирлар доирасида 2009 йилда узунлиги 2 минг километрдан ортиқ ичимлик суви ва қарийб 700 километрлик табиий газ тармоқларини ишга тушириш, чекка туманларни суюлтирилган газ билан таъминлашни тубдан яхшилаш белгиланган.

Уй-жойларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича пудрат ишлари кўламини кенгайтириш, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида шаҳар ва туманларда тураржой фонди объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва уларнинг дизайни бўйича ишларни тугал ҳолда, яъни калити билан топшириш шарти асосида фаолият олиб борадиган ихтисослашган хусусий таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини тузиш назарда тутилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоким-

ликлари бундай хусусий ташкилотларни шакллантириш, уларни иш билан таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратиши лозим.

Шу мақсадда тураржой фондини, унинг идоравий мансублигидан қатъи назар, фойдаланилмаётган авария ҳолатидаги ва эскирган уй-жойларни, кўп қаватли уйлардаги бўш турган хоналарни, жумладан, ётоқхона ва қурилиши тугалланмаган объектларни аниқлаш учун тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш керак. Аниқланган ҳолатлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш, бунда мазкур биноларни маҳаллий ҳокимият идоралари тасарруфига беришни кўзда тутиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича конкрет дастурлар ишлаб чиқиш керак. Ушбу дастурларнинг амалга оширилиши пудрат ишларини бажариш учун қўшимча равишда ўн минглаб ишчиларни жалб қилиш, одамларимизнинг уй-жой шароитларини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

Банк иштини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ишлари ҳам 2009 йилда устувор вазифа бўлиб қолади.

Шуни таъкидлашни истардимки, банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб

келмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бироқ бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш керак. Нега деганда, айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги, кўп жиҳатдан, уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ.

Биринчи навбатда, банклар, уларнинг муассислари капиталлашув даражасини ошириш бўйича бошланган ишларни охирига етказиши, ўз низом жамғармаси миқдорини белгиланган кўрсаткичларга олиб чиқиши лозим.

Бугунги кунда банкларда омонатларнинг кўпайишига, уларнинг банк тизимига жалб этилишига нималар тўсқинлик қилаётганини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш ва бу борада қўшимча чора-тадбирлар кўриш керак. Бу ўринда гап аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини банк секторига жалб қилишда таъсирчан ва узоқ муддатли рағбатлантириш омилларини ташкил этиш, иқтисодиётнинг реал секторига кредит ажратишни кўпайтириш учун банкларнинг имкониятини кенгайтириш ҳақида бормоқда.

Банклар зиммасига инвестиция фаолиятини кенгайтириш вазифалари юклангани сабабли

уларнинг ишини тубдан қайта ташкил этиш лозим.

Биринчи навбатда, бу борада инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва молиялаш-ни ташкил этиш бўйича тижорат банкларининг махсус хизматларини мустаҳкамлаш зарур.

Тижорат банклари ва уларнинг тегишли бўлинмалари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш шунини кўрсатдики, уларнинг аксарияти амалдаги қонунчилигимизни ва инвестиция сиёсатини амалга ошириш механизминини етарли даражада билмайди. Шу сабабли ҳам банклар ҳали-бери инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчиларига, инвестиция лойиҳаларини ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурларини жорий этишда корхоналар ва кичик бизнес субъектларининг ҳақиқий ҳамкорларига айлана олмаётганини афсусланиб таъкидлаш керак.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини депозитларга жалб қилишни янада рағбатлантиришга доир аниқ таклифлар киритсин.

Қадрли дўстлар!

Ишончим комилки, биз ишлаб чиққан Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизга салбий таъсирининг олдини олиш имконини беради.

Айни пайтда бу дастур инқироздан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратади.

Ана шу эзгу мақсадларга эришиш йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, омад ва ютуқлар тилайман.

*2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий
ривожлантирилиш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган
иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига
бағишланган Вазирлар Маҳкамаси
мажлисидаги маъруза, 2009 йил 13 февраль*

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар! Қадрли опа-сингиллар,
дилбар қизларим!

Гўзал ва бетакрор ўлкамизга баҳорнинг илоҳий нафаси кириб келаётган ушбу дамларда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини қутлуғ сана — 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва сამимий тилаklarимни изҳор этаман.

Бу ажойиб байрам тимсолида биз, авваламбор, баҳор ва аёл тушунчалари нақадар уйғун ва ҳамоҳанг эканини, бир-бирини қандай чуқур маъно-мазмун билан тўлдиришини беихтиёр ҳис этамиз. Шу улуғ айёмда аёлларимизнинг беқиёс нафосати, ҳусну малоҳатини ўзимиз учун янгитдан кашф этгандек бўламиз.

Тарихнинг ўзи гувоҳ — аёл шаънига қанчадан-қанча қасидалар, шеъру дostonлар битилган бўлмасин, токи дунёда одамзод бор экан, токи она меҳри, аёл муҳаббати барқарор экан,

бу азалий ва абадий мавзу ҳеч қачон поёнига етмагай. Нега деганда, Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлмиш аёл зоти ҳар қандай юксак ҳурмат ва таҳсинларга муносибдир.

Улуғ ватандошимиз Бобур Мирзо, агарки ер юзидаги барча шоирлар юз йил таъриф этганларида ҳам, аёл латофатининг юздан бирини тараннум этолмайдилар, деганида, ҳеч шубҳасиз, мутлақо ҳақ эди. Ва бундай ҳаққоний эътирофлар, аввало, муқаддас заминимизнинг чирой ва назокатда, вафо ва садоқатда тенгсиз аёлларини назарда тутиб айтилган, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг дилидаги фикрни ифода этган бўламан.

Мана шундай шукуҳли дамларда биз, авваламбор, барчамизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган мўътабар она сиймосига таъзим қилиб, ўз фарзандлик эҳтиромимизни бажо келтирамиз.

Айни пайтда хонадонларимизга файзу барокат киритадиган, ўзининг нозик елкасида рўзгор ташвишларини беминнат кўтариб келаётган умр йўлдошларимизга, ҳаётимизнинг гули бўлган лобар қизларимизга чексиз меҳр ва ҳурматимизни билдирамиз.

Ҳақиқатан ҳам, олдимизда янги-янги муаммо ва синовлар пайдо бўлаётган ҳозирги ғоят мураккаб даврда сиз, муҳтарама опа-сингилларимиз ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида — бу

давлат ва жамият қурилиши, саноат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, таълим-тарбия ёки соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт бўладими — буларнинг барчасида биз билан ёнма-ён туриб, фидокорона меҳнат қилиб келаётганингизни халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айниқса, гўзал ва оқила аёлларимиз ўзларининг ақл-идроки, меҳрибонлиги, сабр-қаноати билан ҳар бир оила, ҳар қайси маҳалла ва шу асосда бутун юртимизда аҳиллик, меҳр-оқибат, самимият ва поклик муҳитини мустаҳкамлашга, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келаётганини бугун яна бир бор миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бораётган кенг қўламли ишларимиз ўз амалий натижасини бераётгани, албатта, барчамизга мамнуният бағишлайди.

Бугун биз халқимизнинг асрий орзуси бўлган, инсон том маънода эркин, озод ва фаровон яшайдиган фуқаролик жамияти асосларини барпо

этар эканмиз, бу эзгу мақсадга эришиш йўлида жонкуяр ва фидойи опа-сингилларимизнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, биз мамлакатимиз хотин-қизларининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ҳаётнинг барча жабҳаларида уларнинг самарали иштирокини кучайтириш, мухтасар айтганда, аёлларни эъзозлаш ва улуғлаш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Чунки аёлни улуғлаш — оилани, ҳаётни, Ватанни улуғлаш демакдир. Бу ҳақиқат ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, барча хайрли ишларимизнинг мезонига айланишини истардим.

Шу борада 2009 йилнинг ўзида амалга ошираётган режаларимиз, хусусан, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастуридан ўрин олган амалий вазифалар — опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ва касаначиликни кенг ривожлантириш, замонавий уй-жойлар, янги-янги таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этиш, ижтимоий инфратузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, шуларнинг барчаси ҳисобидан юртимизни янада обод ва фаровон қилиш каби масалалар айнан аёлларимизнинг орзу-интилишлари ва мақсад-муддаоларига ғоят ҳамоҳангдир.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, мен юртимизнинг барча ўғлонларини, биринчи навбатда катта-кичик раҳбарларни мунис опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг ҳаётдан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллашини таъминлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишга даъват этмоқчиман.

Азизларим, меҳрибонларим!

Сизларни ўзингиз каби гўзал байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Толеингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз доимо бутун бўлсин!

Фарзандларингиз ва яқинларингиз, элу юртимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг!

Хонадонларимизни меҳрибонлик нури билан тўлдириб, ҳаётдан мамнун бўлиб, меҳру муҳаббат ардоғида яшаш барчангизга доимо насиб этсин!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда баҳор нафаси тобора кучайиб, атроф-муҳит яшил либосга бурканиши билан, орзиқиб кутган Наврўзи оламнинг юртимизга кириб келиши ҳаммамизни чексиз қувонтиради.

Наврўзи оламини биз барча Шарқ халқлари қатори азал-азалдан, минг йиллар давомида, «Авесто» замонларидан буён сақланиб ва эъзозланиб келаётган, бизнинг миллий табиатимиз ва одатимиздан ажратиб бўлмайдиган, энг қадимий ва энг севимли, чиндан ҳам, ҳақиқий халқ байрами сифатида қадрлаймиз.

Наврўзи оламини биз ўзининг чуқур маъно-мазмунини ва фалсафасини билан ҳаётимиздан алоҳида ўрин олган, яшариш ва янгиланиш палласи, шарқона янги йилнинг дебчаси сифатида ардоқлаймиз.

Бу дилбар фаслда табиат очилиши, еру кўк уйғониши билан ўзимизни янгитдан туғилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз пок ниятларга тўлиб,

бутун вужудимизда эзгу саъй-ҳаракатлар жўш ургандек бўлади.

Бунинг тасдиғи айти шу кунларда — барчамиз бағримизни кенг очиб, Наврўз айёмига пешвоз чиқаётганимизда, шаҳар ва қишлоқларимиз, воҳаю водийларимизда ўтаётган сайил-томошаларда, тансиқ баҳор таомларини тайёрлаб, уларни ўз яқинлари, ёру дўстлари, маҳалла-кўй билан баҳам кўраётган минг-минглаб одамларнинг шоду хуррамлигида яққол намоён бўлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, юртимиздаги ана шундай самимий, дилкаш муносабатларни кўрганда, биз қандай саховатли ва меҳрибон, кўнгли очиқ халқнинг фарзандлари эканимизни яна бир бор чуқур англаймиз ва бундан қалбларимиз беихтиёр ғурур ва ифтихорга тўлади.

Наврўзи олам мана шундай ёруғ кунларда юрагимиздан кечираётган олийжаноб ҳис-туйғуларни намоён этиб, бир-биримизга меҳроқибат кўрсатиш, кексаларни зиёрат қилиш, ногиронлар, беморлар ва кўмакка муҳтож одамларга беминнат ёрдам беришдек гўзал фазилатлари билан Ватанимиздаги барча миллат ва элатлар учун ғоят азиздир.

Бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзига раво кўрган яхшилик ва эзгу тилакларни доимо ўзгаларга ҳам раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрамимизда қатнашаётган хорижий меҳмонларимизга, элчилар ва чет эл ваколатхоналарининг вакиллари-га, барча-барча дўсту ҳамкорларимизга уларни бизнинг қадимий урф-одат ва анъаналаримизга кўрсатган ҳурмат ва эътибори учун сизларнинг номингиздан миннатдорчилик билдириб, чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда бутун халқимиз янги йилда ўз олдимизга қўйган юксак вазифа ва марраларни амалга ошириш йўлида белни маҳкам боғлаб, эртанги кунга катта ишонч билан меҳнат қилмоқда.

Айниқса, фидойи деҳқонларимиз ва фермерларимиз 2009 йилга «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном берилганидан руҳланиб, яхши ният ва азму шижоат билан бепоён далаларимизда янги мавсумни бошламоқда.

Халқимизда азалдан янги йилнинг серҳосил ва омадли бўлиши Наврўзнинг қандай келишига, уни қандай кутиб олишингга боғлиқ, деб бежиз айтмайдилар.

Баҳор фаслининг юртимизга серёмғир келиши, кузда эккан экинларимиз тобора кучга тўлиб, кўкка бўй чўзаётгани, ўлкамизда олиб борилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, Наврўз айёмини мана шундай шукроналик ва мамнунлик кайфиятида, хурсандчи-

лик билан кутиб олаётганимиз — буларнинг барчаси бу йилги кўзлаган юксак марраларимизга, орзу-ниятларимиз ва мақсадларимизга албатта эришамиз, деган ишонч туғдиради.

Бу борада турли қийинчиликларга қарамасдан, мамлакатимизнинг бу йилги иқтисодий ривожланиши ва меҳнатчиларимизнинг оладиган маошлари, пенсия, нафақа ва стипендиялар, бир сўз билан айтганда, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифат кўрсаткичларининг ўсиши, иншоолло, ўтган йилгидан кам бўлмайди. Шундай деб айтишга бутун барча асосларимиз бор.

Муҳтарам ватандошларим!

Юртимизга Наврўз байрами кириб келиши билан мен бутун шу муҳташам ва бетакрор майдонда тўпланган сиз, азизларимга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириб, қалбимда, юрагимда бўлган энг самимий тилакларимни изҳор этишни ўзим учун катта бахт деб биламан.

Илоё, хонадонларимиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин!

Табаррук кексаларимизнинг умрлари узоқ бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларимиз рўёбга чиқсин!
Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

2009 йил 21 март

**ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО
ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ
РАҲБАРЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН
ТАРКИБДАГИ УЧРАШУВИДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

2009 йил 28 апрель куні Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Саммит ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Муҳтарам давлат раҳбарлари,
Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, давлат раҳбарлари ва бу ерда ҳозир бўлган минтақавий ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари, экспертларни, ушбу учрашувнинг барча иштирокчиларини қутлаш ва уларга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Айни пайтда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Абишевич Назарбоевга анъанавий меҳмондўстлик ва анжуманимиз қатнашчиларига кўрсатилаётган катта эътибор учун са-

мимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг мазкур учрашуви нечоғли долзарблигини ва мажлисда муҳокама этиладиган масалалар фақатгина минтақавий аҳамиятга эга эмаслигини таъкидлашнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Орол денгизи муаммосининг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо бу муаммонинг кўлами XX асрнинг 60-йилларида, айниқса, хавфли тус олди. Аҳоли сонининг кўпайиши ва сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, янги ерларни жадал ўзлаштириш, суғорма деҳқончилики янада ривожлантириш, сув тақчил бўлган йилларнинг мунтазам такрорланиб туриши энг янги тарихдаги йирик глобал экологик ҳалокатлардан бири содир бўлишига — сайёрамиздаги энг чиройли сув ҳавзаларидан бирининг қуриб боришига олиб келди. Бутун инсоният кўз ўнгида денгиз ҳалокатга юз тутмоқда. Менинча, тарихда бундай ҳодиса илгари рўй бермаган.

Сўнгги эллик йил ичида Орол денгизи акваторияси сатҳи 4 барабардан кўпроқ қисқарди, сув ҳажми 10 мартага камайди, унинг минераллашуви эса худди шу миқдорда ошди.

Бу ерда пайдо бўлган чўл Оролбўйи ҳудудини шафқатсизларча қамраб олаётганига барчамиз

гувоҳ бўлиб турибмиз. Экологик хавф доимий тус олиб, мавжуд ҳудуд ва маҳаллий аҳолининг турмуш сифати ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ёмони, у фарзандларимиз генофондига, бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли генофондига хавф солмоқда. Бу хавфнинг таъсири бугунги кунда нафақат қуриб бораётган денгиз атрофидаги минтақалар — Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилояти, Туркменистоннинг Тошҳовуз вилояти, Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларини, балки бутун Марказий Осиё минтақасини қамраб бормоқда.

Сув ресурсларининг, жумладан, ичимлик сувининг танқислиги ва унинг сифати пасайиши, ерларнинг яроқсиз ҳолга келиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиб кетиши, атмосфера ифлосланишининг ошиши туфайли иқлим ўзгаришлари, эҳтимол, шу билан боғлиқ равишда минтақа асосий дарёлари оқимининг катта қисми ҳосил бўладиган Помир ва Тянь-Шань музликлари майдонининг қисқариб бориши — булар Орол денгизининг ҳалокати натижасида вужудга келаётган салбий оқибатларнинг кичик бир рўйхати, холос.

Бугунги кунда шуниси мутлақо равшанки, Оролбўйида келиб чиқиши ва асоратлари жиҳатидан глобал, таъбир жоиз бўлса, бутун сайёра-

миз миқёсидаги мураккаб экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар комплекси юзага келган.

Экспертларнинг фикрича, тобора ҳалокатли тус олиб бораётган бундай таҳликали вазиятда шу нарса борган сари аён бўлмоқдаки, бу муаммони жаҳон ҳамжамияти ва биринчи навбатда, БМТ институтлари билан биргаликда ўзаро мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларсиз бартараф этиш мумкин эмас.

Маълумки, жорий йилнинг март ойида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилганига 16 йил тўлди ва бугун биз унинг фаолиятига доир айрим натижаларни кўриб чиқишимиз мумкин. Жаҳон жамоатчилиги, дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳукуматлари ва қатор халқаро институтлар эътиборини Орол муаммосига жалб эта олганимиз, шубҳасиз, ушбу Жамғарманинг хизматидир.

Ҳозирги вақтда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Глобал экология фонди, турли халқаро ташкилотлар ва айрим мамлакатларнинг фаол ёрдами ҳамда иштирокида минтақада истиқомат қилувчи аҳоли генофондига хавф солаётган нохуш вазиятни соғломлаштириш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2008 йилда Оролни қутқариш халқаро жамғармасига БМТ Бош ассамблеясида кузатувчи

мақомининг берилиши унинг глобал миқёсда фаолият кўрсатиши учун янги имкониятлар очмоқда.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 2008 йили Тошкентда Орол бўйича халқаро конференция ўтказилгани ушбу ўта жиддий муаммони халқаро даражада кўриб чиқишга яна бир сезиларли туртки берди. Анжуманда 90 дан ортиқ халқаро ташкилот, Япония, Германия, Хитой Халқ Республикаси ва араб мамлакатларининг йирик давлат молия институтлари, шунингдек, етакчи тадқиқот марказлари вакиллари иштирок этгани бунинг тасдиғидир.

Форум якунлари бўйича Тошкент Декларацияси ва Орол ҳалокатининг оғир оқибатларини юмшатиш учун умумий қиймати қарийб 1,5 миллиард долларга тенг лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутадиган Ҳаракат режаси қабул қилинди.

Бизнинг фикримизча, халқаро институтлар ва донор-мамлакатлар томонидан маъқулланган ушбу Ҳаракат режасидан экспертларимиз ва Халқаро жамғарма мутахассислари Орол денгизи ҳавзасидаги минтақага ёрдам кўрсатиш бўйича 2011—2015 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг учинчи босқичини ишлаб чиқишда самарали фойдаланишлари мумкин.

Биз, Ўзбекистонда Орол денгизини том маънода қутқариб қолишнинг амалда деярли иложи йўқлигини яхши англаймиз. Аммо бу ерда яшаётган аҳолига соғлом турмуш кечириши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида ҳар томонлама пухта ўйланган чора-тадбирлар Дастурини амалга оширишимиз шарт. Бу бизнинг бурчимиздир.

Орол қуриши оқибатларини бартараф этиш ва Орол денгизи ҳавзасини экологик жиҳатдан соғломлаштириш борасида бизнинг асосий, энг муҳим вазифаларимиз, аввало, қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз:

— Орол денгизининг қуриб қолган қисмида кичик сув ҳавзалари яратиш, чанг ва туз бўронларини камайтириш мақсадида дельта ҳавзаларига сув етиб боришини таъминлаш, биохилмахиллик ва дельта экотизимини қайта тиклаш;

— Орол денгизининг қуриб қолган қисмида жуда муҳим бўлган ўрмонзорлар барпо этиш, қум кўчишини тўхтатиш, денгизнинг қақраб ётган тубидан заҳарли моддалар кўтарилишини камайтириш;

— коммунал хизмат ва даволаш муассасаларини ичимлик суви билан таъминлаш ва сувни зарарсизлантирувчи қурилмалар билан жиҳозлаш, сув йиғиш иншоотларини хлорловчи қурилмалар билан қайта жиҳозлаш ҳамда аҳолининг

соғлиғини сақлашга хизмат қиладиган бошқа кўплаб тадбирларни бажариш;

— Оролбўйи ҳудудида кўлами тобора кенгайиб бораётган экологик таназзулнинг аҳоли саломатлиги ва фарзандларимиз, келгуси авлодларимиз генофондига таъсирини тизимли асосда ўрганиш, ушбу минтақага хос турли хавфли касалликлар одамлар орасида кенг тарқалишининг олдини олиш ва бундан огоҳлантириш, бу ерда яшаётган аҳоли учун ихтисослашган профилактика ва даволаш муассасалари тармоғини кенгайтириш, ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш.

Қайд этилган лойиҳалар ва дастурларни жорий этиш учун фақат кейинги 10 йил мобайнида Ўзбекистонда 1 миллиард доллардан ортиқ, жумладан, хорижий кредитлар, техник кўмак ва грантлар ҳисобидан қарийб 265 миллион долларга тенг маблағ сарфланди.

Шу юксак минбардан туриб, менга берилган имкониятдан фойдаланиб, Орол фожиасини юмшатишда бизга катта ёрдам кўрсатган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тузилмаларига, барча донор-мамлакатларга чуқур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг инсоний бурчим, деб биламан.

Яна бир муҳим масала тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Орол фожиаси ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар ҳақида сўз борганда, табиийки, ушбу вазифани ҳал этиш бевосита сув-энергетика ресурсларидан оқилона ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш, минтақадаги ўта нозик бўлиб турган экологик ва сув мувозанатини сақлашга эҳтиёткорлик билан ёндашиш муаммолари билан боғлиқ эканини барчамиз яхши англаймиз.

Бугун Оролбўйи ҳудудида ва умуман, минтақада юзага келган ниҳоятда жиддий ва тобора оғирлашиб бораётган экологик вазиятда Орол денгизи қуриши туфайли юз бериши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш борасида ғоят муҳим чоралар кўриш кераклигини кимгадир исботлаб ёки кимнидир бунга ишонтириб ўтиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви чоғида кенгайтирилган таркибдаги музокарада фақат битта масала — Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг фаолияти ва унинг истиқболдаги асосий вазифаларини муҳокама қилишга келишиб олинган эди. Бироқ айрим ҳамкасбларимиз ўз сўзларида кенгайтирилган таркибдаги музокарадаги келишувимиз доирасидан чиқиб кетди. Шунга қарамай, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолияти доирасидан анча йироқ бўлган масалалар юзасидан бугун баҳс-

мунозара уюштиришдан ҳеч қандай маъно йўқ, деб ўйлайман.

Мен фақат биз учун жуда муҳим бўлган бир воқеа, яъни яқинда Жаҳон банки президенти жаноб Роберт Зелликдан олинган ва Ўзбекистон матбуотида эълон қилинган мактуб ҳақида яна бир бор эслатиб ўтишни истардим. Бу хат Ўзбекистон Республикаси Президентининг бугунги кунда Марказий Осиёда бутун минтақа гидро-энергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланиш билан боғлиқ барча мураккаб муаммолар аниқ баён этилган мактубига билдирилган жавоб эди.

Сўнгги йилларда мазкур масала юзасидан жиддий баҳс ва муҳокамалар олиб борилмоқда. Минтақамиздаги икки азим дарё — Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатлар билан бу дарёларнинг қуйи қисмидаги мамлакатлар — Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон ўртасидаги баҳслар чоғида вужудга келган турли қарашларнинг бўлишини табиий ҳол, деб ҳисоблайман.

Тожикистон ва Қирғизистон, аввало, фақат ўз манфаатларини кўзламоқда. Ҳолбуки, бу ерда гап ҳар бир алоҳида давлат манфаатлари ҳақида бормоқда. Бу фақат бугунги куннинг манфаатлари эмас, балки келажакнинг ҳам манфаатлари эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки бу

ерда айтилганидек, совет даврида сув-энергетика дастурларини амалга ошириш борасида шу қадар кўп хатоларга йўл қўйилганки, бугун бу ҳақда афсусланиб гапиришга тўғри келади. КПСС Марказий Қўмитаси, Сиёсий бюро ва СССР Министрлар Совети қарорларига биноан қабул қилинган Сибирь дарёларини Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудларига буриш ва бошқа кўплаб ташаббуслар ана шундай улкан лойиҳалар сирасига киради.

Ишончим комилки, бундай «буюк лойиҳалар»-нинг бирортаси ҳам пухта ўйланмасдан ишлаб чиқилган бўлиб, улар нафақат халқаро, балки умуман ҳеч қандай жиддий экспертизадан ўтмаган ва бу фикрни тасдиқлайдиган далиллар етарлидир.

«Партия қарорлари — ҳаётга» деган шиорга асосланиб, оқибати ўйланмай қилинган бундай ишлар нафақат бизнинг минтақамиз, балки собиқ Совет Иттифоқининг бошқа катта ҳудудларида ҳам шунчалик кўп муаммолар туғдирганки, бугунги кунда экологлар улар ҳақида афсус ва норозилик билан сўз юритмоқдалар.

Бу — алоҳида мавзу, албатта. Лекин бугун шу нарса аёнки, Марказий Осиё ҳудудида мазкур сув омборлари, гидростанциялар ва бошқа иншоотларнинг қурилишига муносабатлар турлича бўлмоқда. Бу эса кўзда тутилган асосий маса-

ла — электр энергияси олиш масаласини ҳал этиш билан бир қаторда, бугун биз ҳар қадамда тўқнаш келаётган кўплаб экологик муаммоларни ҳам келтириб чиқараётгани билан боғлиқдир. Шу боис бу борада баҳс-мунозаралар бўлиши мутлақо табиий ва қонуний ҳолдир.

Биз фақат минтақада янгидан қурилиши бошланаётган барча йирик гидроэнергетика иншоотлари бўйича мустақил халқаро экспертиза ўтказиш тарафдори эканимизни яна бир бор таъкидламоқчиман, холос. Бу борада бизни нафақат Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки, балки Европа Иттифоқи ҳам кўллаб-қувватламоқда. Хусусан, минтақамизга, жумладан, Тожикистон ва Қирғизистонга бир неча марта келиб кетган Европа Иттифоқи вакили жаноб Морель ҳам шу ҳақда гапирган эди.

Шу сабабли бу ерда гап нафақат Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларнинг нуқтаи назари ҳақида, балки амалда бутун жаҳон жамоатчилигининг фикри ҳақида бормоқда. Шу билан бирга, мен бундай баҳслар бўлиши табиийлигини, лекин мунозарани янада кескинлаштирадиган фикрлардан тийилиш зарурлигини таъкидлашни истардим. Минтақадаги бу жараёнларга таъсир кўрсатишга уринаётган айрим учинчи мамлакатлар қандай стратегик мақсадларни кўзлаётгани тобора аён бўлиб бормоқда.

Биз, ўз халқи олдида, тарих олдида масъул бўлган давлат раҳбарлари, аввало, бугун ушбу баҳс-мунозараларни авж олдирмасдан ва уларга сиёсий тус бермасдан, умумий ёндашув нуқталарини топишимиз даркор, деб ўйлайман. Акс ҳолда, мамлакатларимиз, халқларимиз манфаатлари бир четда қолиб, учинчи кучларнинг стратегик ҳамда геосиёсий манфаат ва мақсадлари, минтақани бошқариш билан боғлиқ масалалар олдинга чиқиб қолиши мумкин.

Энг асосийси — мамлакатлар ва давлат раҳбарлари ўртасидаги муносабатларни кескинлаштирмасдан, аксинча, ўзаро муросага келишдир. Бу борада биз учун бошқа йўл йўқ. Яна бир бор шуни таъкидламоқчиманки, мен ҳам бошқалар каби Тожикистон ва Қирғизистон манфаатларини ҳурмат қиламан. Лекин барибир ўзаро келишувга эришишимиз даркор, негаки, бусиз ушбу ўта муҳим масалани ҳал этиб бўлмайди.

Бугунги учрашувда Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг чиқишини, у илгари сурган айрим, айтиш мумкинки, принципларни таъкидлашнинг тўлиқ қўллаб-қувватлашимни қайд этмоқчиман. Унинг Туркменистон позицияси баён этилган фикрига кўра, «биз ушбу минтақада давлатлар манфаатлари мувозанатига эришишимиз даркор». Бу сўзларда ҳамма гап айтилган.

Агар биз мувозанатга эришолмасак ва ўзаро мурасага келолмасак, бу муаммони ҳал эта олмаймиз ва унинг ечими узоқ йилларга чўзилиб кетади. Қолаверса, ким ўз мақсадига эриша олиши ҳам ҳали номаълум — биз, яъни ушбу минтақада яшаётган халқларми ёки, пировард натижада, бошқаларнинг манфаатлари амалга ошадими? Бу борада «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» деган принцип — эскидан маълум бўлган савдо амалга ошгудек бўлса, биз кимларнингдир қўлида арзимас тангага айланиб қолишимиз мумкин.

Бунга йўл қўйишга эса бизнинг асло ҳаққимиз йўқ.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЭЗГУ ИШЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуг. Утганларни, уларнинг хайрли ишларини, жасоратини ёдга олмоқ, эъзозламоқ халқимизга хос эзгу фазилатлардандир. Шу боис Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, имони бутун момоларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш мустақиллик йилларида мамлакатимизда том маънода миллий қадриятга айланди.

2009 йил 9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташириф буюрди.

Соат 8.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Бугун мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланмоқда, деди Ислон Каримов. Биз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг номлари ва хотирасини ёд этар эканмиз, табиийки, уларнинг ўчмас жасорати олдида бош эгамиз. Бугунги эркин ва озод ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун жон берган, ҳалок бўлган ватандошларимизни эслаш, орамизда яшаб келаётган уруш қатнашчиларини қадрлаш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шу борада бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман, деди давлатимиз раҳбари. Маълумки, урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган. Шундан 1,5 миллионга яқин одам урушда қатнашган. Ўша вақтда юртимиз аҳолисининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этганини инобатга оладиган ва шулар қаторига аёлларни ҳам қўшадиган бўлсак, бу рақам нимани тасдиқлаб беради?

Бу шуни кўрсатадики, қурол кўтаришга қодир бўлган юртдошларимизнинг тахминан 70—80 фоизи бу бешафқат урушда бевосита иштирок этган. Бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керак.

Шу маънода, бугун Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 64 йиллигини нишонлар эканмиз, бундан ўн йил олдин бу санани юрти-мизда Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилганимиз нақадар чуқур ўйланганини, унинг теран маъно ва мазмунга эга эканини бугунги ҳаёт-нинг ўзи яна бир бор тасдиқламоқда.

Нафақат бизнинг миллатимизда, балки бошқа халқларда ҳам ўтганларни эслаш, хотирлаш, бугун ҳаёт бўлган кексаларни қадрлаш — муқаддас қадриятлардан бири эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Эзгулик, савобли ишлар бесамар кетмайди, деди Президентимиз. Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар куни қилиши керак. Бу халқимизга хос фазилат бўлиб, унинг замирида чуқур маъно-мазмун мужассам.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ўтмишни хотирламайдиган халқнинг эртаси ёруғ бўлмайди. Ҳар бир халқ ва миллат кечаги ҳаётидан, ўзи босиб ўтган яхши-ёмон кунлардан, тарих синовларидан зарур хулоса ва сабоқлар чиқармоғи зарур.

Биз учун, юртимиз учун тинчлик ва осойишталик ҳамма нарсадан қадрлидир. Биз яқин ва узоқ қўшниларимиз билан тенг ва ўзаро ҳурматга асосланган сиёсатни, ўзаро манфаатли, дўстона алоқаларни давом эттиришни, нафақат

бугунги авлод, балки келажак авлодимиз ҳам уруш балосини кўрмаслигини истаймиз.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда бундан ўттиз йил олдин Афғонистонда бошланган урушнинг, афсуски, ҳали-бери охири кўринмайди. Бизнинг Афғонистондаги вазиятни тинчитиш бўйича позициямиз аниқ ва равшан: яъни, бу можарони фақатгина ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини яна бир бор таъкидлаймиз.

Жафокаш афғон халқининг шунча йил давомида кўрган азоб-уқубатларини, бугунги оғир аҳволини инобатга олиб, авваламбор, вайрон бўлган иқтисодни тиклаш, одамларга хизмат қиладиган инфратузилмани ривожлантириш керак. Токи, бу юртда яшаётган ҳар қайси инсон бу ўзгаришларнинг таъсирини ўзининг, оиласининг ҳаёти мисолида кўрсин.

Шу билан бирга, Афғонистон халқини, унинг тарихини, маданиятини, диний-миллий қадриятларини топташ эмас, аксинча, ҳурмат қилиш йўли билангина турли миллат ва элатларни бири-бирига яқинлаштириш, у ерда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш мумкин.

Бугунги кунда бизнинг бундай қатъий қарашимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланаётганидан, ўйлайманки, халқимиз яхши хабардор.

Мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик боис шаҳар ва қишлоқларимиз обод, турмушимиз фаровон бўлиб бормоқда. Амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари — кўз ўнгимизда қад ростлаётган бетакрор иншоотлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, кўприк ва равон йўллар, боғ ва хиёбонлар, замонавий технологиялар билан жиҳозланган қудратли корхоналар — буларнинг барчаси юртимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик туфайлидир.

Ватанимиз тараққиётига хизмат қиладиган ютуқларимиз, бойликларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, деди Президентимиз. Аммо энг катта бойлигимиз — бунёдкор халқимиз, эртанги кун эгалари бўлмиш оловқалб ёшларимиздир.

Шу фурсатдан фойдаланиб, азиз фарзандларимизга, ёшларимизга қаратиб айтмоқчиман:

Сиз, азизларим, биз бошлаган ишларнинг давомчиси сифатида олдимизга қўйган мақсад — ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, демократик, озод ва обод жамият қуришда эртага асосий ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётганингизни чуқур ҳис этиб, замонавий билим, замонавий тараққиёт сирларини эгаллашга албатта қодир бўлишингиз керак.

Биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз ло-

зим. Ўтмиш тарихимизни чуқур ўрганиб, бир сўз билан айтганда, ўзликимизни англаб, ота-боболаримизнинг мардлиги ва жасоратидан доимо фахрланиб-ғурурланиб яшашимиз зарур.

Ёшларимизнинг ғайрат-шижоатини, ўз кучига ишончини, элу юртидан ғурурланиш туйғуларини кўрган, улкан мақсадлар билан яшаётганини кузатган ҳар қандай одам Ўзбекистоннинг келажаги чиндан буюк эканига ишонч ҳосил қилади, деб таъкидлади пировардида давлатимиз раҳбари.

2009 йил 9 май

**«ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ
ИНҚИРОЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА
УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ
ВА ЧОРАЛАРИ» ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-
АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
ИШТИРОКЧИЛАРИГА**

Ҳурматли конференция қатнашчилари!

Азиз меҳмонлар!

Сизларни Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрида, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораларига бағишланган конференцияда иштирок этаётганингиз билан чин дилдан қутлайман.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиёти сўнгги ўн йиллар давомида ривожланиш жараёнидаги энг қалтис даврни бошидан кечирмоқда. Жаҳон илк бор деярли барча мамлакатларга таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга дуч келди.

2008 йилнинг ноябрида Вашингтонда ва 2009 йилнинг апрелида Лондонда дунёнинг етакчи 20 давлати иштирокида бўлиб ўтган саммитлар молиявий-иқтисодий инқирознинг глобал кўла-

мини тасдиқлаш билан бирга, ундан чиқиш учун дунёнинг барча давлатлари биргаликда изланиши ва уларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш зарурлигини кўрсатди.

Ушбу жараён давомида кўплаб мамлакатларда нафақат жорий иқтисодий сиёсат, балки, умуман, ислоҳ қилиш ва иқтисодиётни бошқаришнинг стратегияси, концепцияси ва тамойиллари қайта кўриб чиқилмоқда.

Шуни тан олишимиз керакки, илгари амал қилган ҳамда муқаррар ҳақиқат деб ҳисобланган кўплаб тамойиллар бугун танқидий таҳлил қилинмоқда, янгича ёндашув, янгича ечимлар изланмоқда.

Ана шу изланишлар асносида конференция иштирокчилари эътиборига Ўзбекистон шароитида ишлаб чиқилган ва ўзини оқлаган тараққиёт модели ҳавола этилмоқда. Бу модель, аввало, мамлакатда янги, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий тамойилларини қамраб олади. Бу тамойилларнинг моҳияти иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлат зиммасига бош ислоҳотчи вазифаси юклатилиши, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёсат юритилиши, ислоҳотларнинг босқичма-босқич ва

изчил амалга оширилишини таъминлашдан иборатдир.

Айнан ана шу тамойиллар қонунчилик ва институционал тизимларни шакллантиришнинг асосини ташкил этди, жаҳон молиявий ва фонд бозорларидаги бошқариб бўлмайдиган стихиялар ва назоратсизликдан ҳимояланиш йўлида мустаҳкам ва ишончли тўсиқ бўлди, молиявий-иқтисодий ва банк секторларининг барқарор ишлашини, фаол инвестициявий фаолиятни таъминлади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг сўнгги йилларидаги изчил ва барқарор ривожланиши биз танлаган тараққиёт моделининг ҳаётий ва самарали эканлигини кўрсатмоқда. Охирги беш йил давомида иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари ўртача 8 фоизга ошди ва 2009 йилнинг биринчи чорагида 7,9 фоизни ташкил этди, ХВЖ прогнозларига кўра, бу кўрсаткич жорий йилда 7 фоиздан кам бўлмаслиги кутилмоқда.

Экспорт ва сармоялар ўсиш суръатларининг барқарор ва юқорилиги, савдо ва тўлов балансларининг ижобий сальдоси, давлат бюджетининг профицити ва ташқи қарзларнинг ҳажми мўътадил бўлгани ҳолда, олтин-валюта захираларининг муттасил кўпайиб бориши

ҳам бизнинг иқтисодиётимизга хос жиҳатлардир.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш тажрибаси ва ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида барқарорликка эришаётгани ҳақида гап борар экан, менинг назаримда муҳим аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулоса ва қоидаларни алоҳида таъкидлашни истардим.

Биринчидан — бозор (талаб ва таклиф) ҳамма нарсани ҳал қилади, деган тамойилдан келиб чиққан ҳолда, бозор муносабатларига сажда қилавериш мумкин эмас. Ҳаёт тажрибаси шуни неча бор кўрсатдики, иқтисодий ва молиявий муносабатларни бошқариш, мураккаб вазиятлардан чиқиб кетиш учун устуворликлар танлашда давлатнинг ролдан фойдаланиш (бозор, кучлилар енгади, деган Дарвин тамойилига амал қилишини эътиборга олган ҳолда), аҳолининг кўпчилик қисми манфаатларини ифодаловчи давлатнинг ролини, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва узоқ истиқболга мўлжалланган миллий стратегиянинг ўрнини ҳеч ким ва ҳеч нарса боса олмайди.

Иккинчидан — бугунги кунда сўнгги 15—20 йил давомида муайян ҳолатлар сабабли углеводород хом ашёси ва умуман, минерал хом

ашёси нархларининг кескин ўсиб кетишига қарам бўлган мамлакатлар, айниқса, мушкул аҳволга тушиб қолди, бошқача айтганда, улар ўзлари билмаган ҳолда жаҳон бизнесининг чай-қовчилик билан шуғулланувчи айрим доиралари томонидан сунъий равишда шиширилган «нарх пуфаклари»га ҳаддан зиёд боғлиқ бўлиб қолди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида кўплаб қийинчиликларни бошидан кечи-раётган мамлакатлар бутун шуни тан олмоқда-ки, ушбу жараёнда иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаш ва инновацион технологияларни жорий этиш ривожланишнинг асосий устувор йўналиши бўлган ва бу тамойилга амал қилаётган давлатлар юксак муваффақиятларга эришади.

Ана шу омилнинг аҳамиятини теран англаш ва ушбу муҳим устуворликни амалга ошириш борасида доимий, тизимли ва пухта ўйланган иш юритиш — бу ҳар қандай шароитда, энг мураккаб ҳолатларда ҳам муваффақиятга эришишнинг калити бўлиб қолаверади.

Учинчидан — бизнингча, йигирма етакчи давлат иштирокида Лондонда бўлиб ўтган уч-

рашувнинг энг муҳим ютуқларидан бири шундаки, музокаралар жараёнида оддий бир ҳақиқат билан ифодаланиши мумкин бўлган оқилона ёндашув устуворлик қилди. Яъни, аввал жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли вужудга келган ёнғинни ўчириш керак, шундан сўнггина ўз умрини яшаб бўлган Бреттон-Вуд тизими ва унинг институтларидан янги молия-банк тизимига, уни бошқариш таъмоийилларига ўтиш моделини шакллантириш, янги молиявий механизмларни қабул қилиш керак.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Мазкур анжуманда конструктив ва самарали мунозаралар жараёнида молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича янги ғоялар ва амалий йўллар таклиф этилади, конференция натижалари халқаро ҳамжамият томонидан Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг тажрибасини теран тасаввур этиш ва англаш имконини беради, деб ишонаман. Зеро, улар миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш бўйича пухта ўйланган ва изчил сиёсати туфайли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида вужудга келган таҳдидларга самарали дош бермоқда.

Ишонаманки, конференция иши давомида билдирилган янги ғоялар мамлакат, минтақа ва глобал миқёсда молиявий ва иқтисодий тизимларни ривожлантириш, ислоҳ қилиш назарияси ва амалиётига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

Чуқур эҳтиром билан

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

«УМИД НИҲОЛЛАРИ» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!

Хурматли ота-оналар, устоз-мураббийлар ва спорт мухлислари!

Авваламбор, сиз азизларни, саховатли Сирдарё заминида, тобора қад ростлаб, чирой очиб бораётган Гулистон шаҳрида жам бўлган барча ўғил-қизларимизни бугунги қувончли воқеа — «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

«Умид ниҳоллари» деб ном олган, ўқувчи ёшларимизнинг куч-қуввати ва қобилиятини, салоҳияти ва маҳоратини намоён этадиган, иродасини тоблайдиган бу мусобақаларнинг мард ва матонатли инсонлар юрти бўлмиш Мирзачўл воҳасида ўтаётгани алоҳида рамзий маънога эга.

Бир пайтлар қуш учса — қаноти, одам юрса — оёғи куядиган чўли биёбон бўлган, ота-бобола-рийигизнинг фидокорона меҳнати ва қатъияти

ҳисобидан обод ва файзли заминга айланган бу маскан бугун сизларни ўз бағрига қабул қилмоқда ва эъозламоқда.

Азиз болаларим!

Бу дунёда, қайси соҳада бўлмасин, бирон-бир ютуқ ва натижа ўз-ўзидан келмаслигини, ўйлайманки, барчангиз яхши англайсиз. Жумладан, спорт оламида ҳам юксак марраларни эгаллаш, ўз муродига етиш учун, аввало, мустаҳкам пойдевор, истеъдод ва интилиш, энг муҳими, кучли ирода, тинимсиз меҳнат ва шижоат кераклиги ҳеч кимга сир эмас.

Ана шундай олийжаноб, барчангизга ярашадиган хусусият ва аломатлар мавжуд бўлган ва ўзаро бирлашган жойда, албатта, муносиб ютуқ ва ғалабалар қўлга киритилади.

Бугун мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган, жаҳон жамоатчилиги эътироф этаётган саъй-ҳаракатларимиз, шу борада замонавий моддий-техник базани барпо этаётганимиз, авваламбор, униб-ўсиб келаётган сиз, ёш авлодимиз учун, сизнинг қобилият ва салоҳиятингизни рўёбга чиқариш учун амалга оширилмоқда.

Кейинги беш йил мобайнида юртимизда Болалар спортини ривожлантириш дастури доира-

сида 130 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, 900 дан ортиқ спорт иншооти қуриб битказилгани ва юксак талаблар асосида жиҳозлангани бунга яққол мисол бўла олади.

Биз болаларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан, ҳам жисмоний, ҳам маънавий бақувват, баркамол ва етук инсонлар бўлиб вояга етиши учун ҳар қайси шаҳар ва қишлоқда, барча тураржойларимизда замонавий талабларга жавоб берадиган спорт масканлари, стадион ва сузиш ҳавзаларини бунёд этиш, уларни жонкуяр ва малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз. Ва бу мақсадга яқин йилларда, ҳеч шубҳасиз, албатта эришамиз.

«Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари қатори юртимизда шаклланган уч босқичли ягона тизимнинг узвий қисми бўлган «Умид ниҳоллари» мусобақалари спорт оламига энди қадам қўяётган, барчамизда катта умид уйғотадиган ёш талантларни кашф этадиган, таъбир жоиз бўлса, эртанги мамлакат, Осиё ва жаҳон чемпионларига қанот берадиган парвоз майдони, десак, ўйлайманки, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ишонаман — бу мусобақаларда сиз, азиз болаларим баланд руҳ билан, ёшлик шижоатин-

гиз, бор куч ва маҳоратингизни намоён этасиз, эришган натижаларингиз билан ота-оналарингиз, устоз-мураббийлар, дўсту ёрларингизни қувонтирасиз ва орангиздан энг муносиблар юксак шоҳсупаларга кўтарилади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай муҳташам, замонавий спорт мажмуаларини барпо этган моҳир қурувчиларга, меъмор ва муҳандисларга, бу қурилишларга катта ҳисса қўшган мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бутун Сирдарё аҳлига чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги ёшлик ва нафосат байрами билан яна бир бор қутлар эканман, адолат, ўзаро ҳурмат ва самимият руҳида ўтадиган бу бетакрор спорт мусобақалари ҳар бирингизнинг ҳаётингизда ёрқин ва ўчмас саҳифа бўлиб қолишини тилайман.

Барчангизга ўқишда ва шахсий ҳаётингизда доимо бахту омад ёр бўлсин, ўз муродингизга етинг, қадрли фарзандларим!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз азизларни, ўзини матбуот соҳасига бағишлаган заҳматкаш ва фидойи инсонларни мамлакатимиз ривож, Ватанимиз тараққиётини таъминлаш, жамиятимиз олдида турган юксак мақсадларга эришиш, яъни ҳар томонлама обод, эркин ва фаровон ҳаёт куриш йўлида қилаётган олийжаноб меҳнатингизни муносиб баҳолаб, барчангизни бугунги касб байрамингиз билан миллионлаб мухлисларингиз, бутун халқимиз қатори чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Албатта, Ўзбекистонимизни янада равнақ топтириш учун юртимиз кундан-кунга қандай катта ютуқ ва марраларни қўлга киритаётган бўлса, оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам фоят муҳим янгилиниш ва ривожланиш жараёнлари юз бераётганини, матбуотимизнинг ҳаёт

билан ҳамнафас бўлиб бораётганини муштарийлар, жамоатчилигимиз чуқур ҳис этмоқда ва ана шу ўзгаришларнинг амалий самарасига гувоҳ бўлмоқда.

Бунинг тасдиғи тариқасида баъзи бир рақамларни олиб келиш ўринли, деб ўйлайман.

Агар бундан ўн беш йил олдин республика-мизда 475 та оммавий ахборот воситаси бўлган бўлса, бугунги кунда бу рақам 1110 тани ташкил этмоқда. Хусусан, уларнинг 600 дан зиёди вилоятларда фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, мавжуд 90 та нашриёт, 1300 дан ортиқ матбаа корхонасининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, маҳсулот сифати юксалиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, истиқлол йилларида мамлакатимиз бу соҳада катта тараққиёт йўлини босиб ўтганидан далолат беради.

Шуни қайд этиш керакки, бугунги кунда ахборот тарқатишнинг тезкор усули бўлмиш интернет журналистикасини ривожлантириш бўйича ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунинг исботини юртимиздаги юздан ортиқ оммавий ахборот воситаси интернетда ўз веб-сайтига эга экани, олий ўқув юртларида интернет журналистикаси бўйича махсус фанлар ўқитилаётгани, шу йўналишда ижод қилаётган журналистлар сони

тобора кўпайиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси кўрсатувларининг сунъий йўлдош орқали тарқатилиб, Ватанимизнинг бой тарихи, бетакрор маданияти, бугунги сермазмун ҳаётини дунёга тараннум этишга хизмат қилаётгани мамлакатимизда энг замонавий электрон воситалар ва телекоммуникация тизимини жадал ривожлантириш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ишларимизнинг амалий натижасидир.

Шулар қаторида барча ҳудуд ва минтақаларимизда нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи ва уларнинг қамров доираси тобора кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Одамни қувонтирадиган, ҳайратда қолдирадиган бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бугунги кунда матбуот соҳасида ана шундай миқдор ўзгаришлари билан бирга, жиддий сифат ўзгаришлари ҳам юз бераётгани, газета ва журналлар, радио ва телеканалларнинг мазмунмундарижаси, мавзу доираси замон талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, журналистларнинг дунёқараши, билим ва тажрибаси, касб маҳора-

ти юксалиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир.

Айтиш жоизки, барчамиз кундалик ташвишлар билан банд бўлиб, бу соҳадаги муҳим ўсиш-ўзгаришларни баъзан сезмай ҳам қолмоқдамиз. Бугунги байрам муносабати билан оммавий ахборот воситалари эришаётган ютуқлар ҳақида сўз юритиш, ўз ишининг чинакам устаси бўлган минг-минглаб журналистларнинг фаолиятига муносиб баҳо бериш ҳар томонлама тўғри бўлади. Ҳаётимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришларни сезиш, кўриш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур англаш матбуот аҳлига, табиийки, ўз касбидан ғурурланиш, ўз меҳнатидан фахрланиш учун ҳақли равишда асос беради.

Мен ўз фаолиятим давомида журналистларнинг ишини яқиндан билиб, кузатиб келаётган бир инсон сифатида бу соҳанинг қандай нозик ва масъулиятли эканини, таъбир жоиз бўлса, баланд тоғ чўққисига чиқиш нечоғли қийин бўлса, ҳақиқий журналистнинг меҳнати ҳам шундай оғир ва машаққатли эканини ўзимга яхши тасаввур қиламан. Бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келмаслигини, бунинг учун истеъдод, тинимсиз заҳмат чекиш, қунт ва изланиш зарур-

лигини инобатга оладиган бўлсак, ўзбек матбуоти бугунги кунда жаҳон ахборот майдонида ўз ўрнини топишга интилаётгани, журналистларимиз чет эллик ҳамкасблари билан мулоқот ва баҳсларда ҳеч кимдан кам бўлмасдан ўзининг профессионал малакасини намоён этаётгани барчамизга мамнуният етказди.

Айни вақтда оммавий ахборот воситаларидаги ижобий ўзгаришларни эътироф этган ҳолда, фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, бугун замон талаб қилаётган вазифаларни ўз олдимизга қатъий қилиб қўймасак, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш устида аввало ўзимиз, шу касбнинг ҳақиқий фидойилари бош қотирмасак, ўйлайманки, биз учун бу ишни бошқа ҳеч ким қилиб бермайди.

Ўзингиз айтинг, журналист меҳнатининг қадрини, бу борада қобилият ва ижодий маҳоратнинг қанчалик зарурлигини яхши биладиган, ҳар бир мақола, ҳар бир эшиттириш ёки кўрсатув учун кўз нури, юрак қўрини бағишлаб яшайдиган инсонлар соҳадаги ютуқ ва камчиликларга ҳолисона ва танқидий баҳо бермаса, бошқа ким ҳам баҳо бериши мумкин?

Шунинг учун ҳам журналистларимизнинг ўз фаолиятини юксак талаб ва мезонлар нуқтаи на-

заридан баҳолаб, миллий матбуотимизни дунёдаги ривожланган оммавий ахборот воситалари даражасига кўтариш масаласи энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу борада биз эскидан қолган, қўл-оёғимизни кишандек боғлайдиган баъзи бир қолиплардан, овозимизни баралла қўйишга халақит бераётган номаъқул қарашлардан, мухтасар қилиб, ўзбекона қилиб айтганда, андишани нотўғри тушуниш, ўзини ўзи назорат қилиш каби ҳолатлардан воз кечишимиз зарур.

Ҳақиқатан ҳам, матбуотнинг энг муҳим вазифаси бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ташқи ва ички сиёсатни оддий фуқаролар кўзи билан, яъни турли-туман нуқтаи назарлардан баҳолаб ифодалаш, шу билан бирга, йўлимизда тўсиқ бўлиб турган иллатларга — бу коррупция ёки амалпарастлик бўладими, маҳаллийчилик, одамларнинг дардини кўрмаслик бўладими — буларнинг барчасига қарши муросасиз курашиш, бир сўз билан айтганда, адолатни қарор топтириш, жамиятимизни янада эркинлаштириш учун ўзини аямасдан, виждон амри билан яшаш журналист деган касбни танлаган инсонлар учун доимий ҳаёт мақсади бўлишини истардим.

Шу борада ҳаётимизда учраб турадиган яна бир масалага тўхталиш жоиз: бизда раҳбарга ва мансабда ўтирган кишига итоатгўйлик билан, муте бўлиб қараш ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Хизмат вазифасини ўзига умрбод мерос қилиб берилгандек тушунадиган, амал гўёки менга савлат, ақл бағишлайди, буйруқбозлик қилиш учун асос беради, деб ўйлайдиган ва шундай иш тутадиган мансабдорлар ҳам, афсуски, бугун оз эмас.

Савол туғилади: мана шундай раҳбарларни фош қиладиган, кўзини очиб қўядиган, лўнда қилиб айтганда, уларни қулоғидан тортиб офтобга чиқарадиган ким бўлиши керак?

Албатта, қонун, жамоатчилигимиз, тегишли идоралар, лекин бу борада энг таъсирчан куч — бу матбуот, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мустаҳкам ирода ва ўткир қаламга эга бўлган журналистгина бундай салбий иллатларга нисбатан кенг жамоатчилик фикрини шакллантириш, ноқобил раҳбарларнинг ички дунёсини, уларнинг кирдикорларини очиб беришга қодир бўлади.

Агарки менга буюрса, эл-юрт манфаати учун ўз шахсий манфаатидан, ҳузур-ҳаловатидан воз

кечиб, ҳатто ўз ҳаётини хавф остига қўйиб яшайдиган жонкуяр журналистларнинг ижодий жасоратини алоҳида тақдирлаган бўлардим. Чунки матбуотда бундай кескин мавзуларни кўтариб чиқиш, уларни холис ва ҳаққоний ёритиб бериш учун инсонда, аввало, катта юрак, воқеликка фаол муносабат, қатъий ҳаётий принциплар бўлиши керак.

Масалага янада чуқурроқ қарайдиган бўлсак, юқорида билдирилган барча фикрларни мужассам этадиган юксак бир тушунча борки, у ҳам бўлса, журналистнинг гражданлик позициясидир. Яъни, шу юрт меники, шу заминдаги ютуқ ва ўзгаришлар ҳам меники, лекин ҳаётимиз, тезкор тараққиётимиз йўлидаги тўсиқларни барта-раф этишга биринчи навбатда мен дахлдор ва масъулман, деган эзгу интилиш матбуот аҳлига ярашадиган энг муносиб фазилатдир.

Шу борада қалбимда, юрагимда бўлган бир фикрни сиз азизларга айтмоқчиман — бу ҳаётда адолат учун, ҳақиқат учун курашадиган, “Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз” деган эътиқод ва гурур билан яшайдиган одамларни, журналистлар, қалам аҳлини мен ўзимга энг яқин инсонлар деб биламан. Бугунги имкониятдан фойдаланиб, уларни доимо

қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни, уларни ўзимнинг ҳам-фикр ва маслақдошларим, деб билишимни яна бир бор изҳор этмоқчиман.

Азиз дўстлар, муҳтарам матбуотимиз фидоийилари ва фахрийлари!

Сизларни бутунги қутлуғ байрамингиз билан самимий табриклар эканман, барчангизга мустақкам соғлиқ, бахту саодат, янги ижодий ютуқлар тилайман.

*Ислон КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

АДАБИЁТГА ЭЪТИБОР — МАЪНАВИЯТГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳақида гапирганда, табиийки, халқимиз маънавиятининг, миллий тафаккуримизнинг ажралмас қисми бўлган, керак бўлса, унинг ўзагини ташкил этадиган она тилимизни, бой тарих ва қадимий анъаналарга эга адабиётимизни асраб-авайлаб, ривожлантириб келаётган заҳматкаш инсонлар, уларнинг оғир ва масъулиятли меҳнати барчамизнинг кўз олдимиздан ўтади.

Биз шоир деганда, аввало Алишер Навоийдек беназир зотларни, ёзувчи деганда, Абдулла Қодирий, Ойбек сингари ўз халқи учун нафақат ноёб истеъдоди, айна пайтда бутун ҳаётини бағишлаган буюк ва мўътабар инсонларни тасаввур этамиз.

Бир сўз билан айтганда, халқимиз адабиётни муқаддас ва улуг бир даргоҳ деб билади. Ана шундай баҳонинг ўзи эл-юртимиз ҳаётида бу соҳа

намояндаларига, уларнинг ҳаққоний сўзи, чуқур маъноли асарларига ишонч, ҳурмат-эътибор ва эҳтиром азалдан юксак даражага кўтарилганини яққол кўрсатиб турибди.

Ҳеч шубҳасиз, зиёлиларнинг илғор қисми бўлмиш бадий адабиёт вакиллариининг халқимиз қалбини, унинг олий мақсадлари, бутунги ҳаёти, тақдири ва келажагини яқиндан биладиган инсонлар сифатида жамиятимиздаги ўрни ва таъсири беқиёсдир.

Энг муҳими, ёзувчиларимиз ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, ўз ижодига, қалб амри билан танлаган касбига содиқ қолиб, миллий ўзлигимизни англаш, халқимиз онгу тафаккурини ўзгартириш, маънавий қадриятларимизни тиклаш ва юксалтириш йўлида хизмат қилиб келаётганини таъкидлаш ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шахсан мен шоир ва адибларни доимо жамиятнинг олдинги сафларида юрадиган, ҳаётни кузатиб, одамларнинг юрагида, дунёқарашида бўлаётган ўзгаришларни ҳаммадан аввал сезиб, уларни таъсирчан образлар, ёрқин бадий бўёқлар орқали маҳорат билан ёритиб бера оладиган, эл-юрт учун куйиниб яшайдиган фидойи инсонлар, деб биламан.

Мана, ҳадемай мустақиллигимизга ўн саккиз йил тўлади. Шу ўтган даврда биз юртимизда эркин, демократик жамият пойдеворини барпо этиш йўлида янгича руҳда ўсиб-улғаяётган навқирон авлодни вояга етказмоқдамиз. Савол туғилади: бу жараёнларга ёзувчилар қандай ҳисса қўшмоқда ва уларнинг олдида турган асосий вазифалар нималардан иборат?

Ўзбек тили, адабиёти бу борада қандай роль ўйнаши керак? Она тилимизни, бадиий тафаккуримизни ривожлантириш орқали халқ маънавиятини юксалтириш йўлида яна қандай ишларни қилишимиз зарур?

Ҳозирги шиддат билан тез ўзгараётган замоннинг ўзи ўртага қўяётган кескин ва долзарб муаммоларни англаш, таъбир жоиз бўлса, даври-мизнинг бадиий соломасини яратишга ёзувчиларимиз қодирми?

Мана шундай катта масалалар билан майдонга чиқиши керак бўлган Ёзувчилар уюшмасининг фаолияти бизни, аввало, шоир-адибларимизнинг ўзини қониқтирадими?

Жамиятнинг илғор ва онгли вакилларини бирлаштирган мазкур ижодий ташкилот бугун олдимизда турган янги ва юксак марраларга халқни даъват этиш, айтиқса, таълим ва тарбия,

маънавият, маданий ҳаётни ривожлантиришда нима иш қилиши керак, деган саволни кун тартибига қўйиш ўринлидир.

Албатта, адабиёт, ижод аҳли фаолиятига баҳо беришда, аввало, уларнинг меҳнати, маҳорати ва истеъдоди меваси бўлган асарларидан баҳраманд бўладиган кенг китобхонлар оммаси, жамоатчилик фикрига суяниш энг ҳаққоний, демократик ёндашув эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шуни айтиш жоизки, аксарият ёзувчиларимиз совет даврининг тарбиясини олган, узоқ йиллар ҳукмрон мафкура руҳида ижод қилган. Лекин яна бир ҳақиқат ҳам борки, уларнинг кўпчилиги коммунистик тузум ғояларини сўзда маъқулласа ҳам, аслида ич-ичидан уларни қабул қилмаган. Негаки, коммунистик тузум инсоннинг, бинобарин, миллат ва халқнинг эркин ва озод яшашига, миллий тафаккур, диний қадриятларга қарши бўлганини ижод аҳли ҳаммадан кўра чуқурроқ англаган.

Табиийки, давр тақозосига кўра, ёзувчилар яшаш учун, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун коммунистик тузум билан муроса қилишга мажбур бўлган. Шу маънода, мустабид тузум даврида виждон азобини ким кўпроқ тортган, деса, мен,

доимо бу ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсоннинг кадр-қиммати, эл-юрт тақдири ҳақида қайғуриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги қаторида бўлган ижод аҳли, деб айтган бўлардим.

Барчамизга аёнки, ХХІ аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятни эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яъни, ёзувчи “Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшаяпсан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қиляпсан?” деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўйлайманки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади.

Бундай маънавий ҳуқуққа эга бўлиш учун ижодкорларимиз, аввало катта билим ва ҳаётий тажрибага, кенг дунёқараш, юксак ижодий маҳоратга эга бўлиши, энг муҳими, бу ўта оғир,

кучли иродани талаб этадиган жабҳада ҳақиқий фидойлик кўрсатиши лозимлигини яхши тушунамиз.

Шу боис ҳам ҳаётнинг ўзи Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарасини ошириш масаласини олдимизга долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Мухтасар айтганда, бизнинг бадиий ижод соҳасига, бу Уюшманинг бугунги тақдири, эртанги кунига бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ.

Бизнинг бу борадаги барча саъй-ҳаракатларимиз, аввало Ёзувчилар уюшмасидаги муҳитни яхшилаш, уни мавжуд оғир вазиятдан чиқаришдек муҳим масалани ҳал қилишга қаратилиши зарур. Бу борада Уюшма аъзолари, шоир ва адибларимизнинг ўзлари нима иш қилиши, айти пайтда давлат, ҳукумат, Президент томонидан қандай ёрдам бериш кераклигини аниқлаб олишимиз лозим.

Менинг фикрим бўйича, Ёзувчилар уюшмасининг биринчи раҳбаридан тортиб оддий аъзосигача — унинг фаолиятига дахлдор ҳар бир одам ёзувчилар оламининг фикру зикрини, муаммоларини, бу ижодий ташкилотнинг Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама тушунишга қодир бўлиши керак.

Халқимиз йиллар, асрлар давомида орзиқиб кутган озодликка эришиб, ўз тақдирини ўз қўлига олганидан кейин ҳар қандай таҳдид ва хатарларга қарамасдан, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадида амалга ошираётган ишларимизни, энг муҳими, бу борада қандай оғир йўллардан, қандай мураккаб босқичлардан ўтишга тўғри келаётганини чуқур англаб етишимиз керак.

Адибларимиз айнан мана шундай масалалар устида, бугунги кунда уларнинг сўзи халқ қалбида қандай акс-садо бераётгани ҳақида яна бир бор ўйлаб кўришларини истардим.

Сир эмаски, бугун илгаригидек фақат том-том асарлар чиқариш билан иш битмайди. Ноқулайроқ бўлса ҳам, ўзимизга бир саволни бериб кўрайлик: кенг китобхонлар, айниқса, ҳозирги ёшлар бу асарларни ўқияптими?

Тўғриси айтидиган бўлсак, ёшлар бугун ахборот ва маълумотларни асосан Интернет орқали оляпти, дунёни телевидение, компьютер орқали танияпти. Ота-онаси, ўқитувчилари минг тарғибташвиқ қилмасин, бугунги ёшлар “Ўткан кунлар”, “Уруш ва тинчлик” каби мумтоз романларни ёппасига ўқияпти, деб айта оламизми?

Модомики, шундай экан, энди одамлар, ёшлар китоб ўқимай қўйди, деб фақат нолиб ўтирмасдан, ана шу таъсирчан замонавий ахборот воситалари орқали адабиётимизни кенг тарғиб этиш, хусусан, Интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадиий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бош қотириш зарур, деб ўйлайман.

Бу ҳақда сўз борганда, ўзбек тилидаги Интернет адабиётини шакллантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг ўз веб-сайтларига эга бўлишига эришиш нафақат адабий жараёнга, керак бўлса, бутун маънавий-маърифий ҳаётимизга кучли таъсир ўтказишини сизлар албатта яхши тушунасиз.

Айни вақтда ана шундай замонавий воситалар ёрдамида мумтоз адабиётимизни, жумладан, Алишер Навоий асарларини халқимизга яқинлаштириш, бу ноёб меросни ҳақиқатан ҳам маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаига айлантириш барчамиз, аввало адабиёт аҳлининг вазифаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу борада яна бир муҳим масала устида ўйлаб кўришимиз керак. Яъни, ёзувчиларимиз ўз истеъдоди билан одамларнинг онги ва дунёқараши, маданий савиясини юксалтириш, халқ қалбининг куйчиси бўлишдек оғир ва мураккаб, улут

бир вазифани зиммасига олган экан, аввало эл-юрт олдидаги фарзандлик бурчини, гражданлик позицияси ва масъулиятини чуқур сезиши, англаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Менинг фикримча, ёзувчилик — бу оддий касб эмас, худо берган истеъдоддир. Бу — қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир.

Шу маънода, Ёзувчилар уюшмаси юртимиздаги бошқа жамоат ташкилотларидан мутлақо фарқ қилади. Бу Уюшма ҳар бири алоҳида бир олам бўлган ўнлаб, юзлаб шоир ва адибларни, уларнинг нафақат моддий, балки маънавий манфаатларини, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш учун бевосита масъул эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Шу ўринда яна бир фикрга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Чинакам ижод ва истеъдод маҳсули бўлган асарларни, ёзувчининг юрагидан, қалбидан чиққан ҳаққоний ва таъсирчан фикрларни кенг оммага етказиш учун барча мавжуд во-

ситалардан унумли фойдаланиш зарур. Дейлик, эски даврда бўлганидек, ёзувчи нашриёт учун хизмат қилишига чек қўйиш лозим.

Керак бўлса, нашриётлар ҳам, театрлар, радио-телевидение, киностудиялар ҳам ёзувчи ва шоирларнинг ижодини жамоатчиликка, ўқувчи ва томошабинларга етказиш, улар билан ҳамкорлик қилишдан, уларга янада кенгроқ минбар беришдан манфаатдор бўлиши лозим. Чунки, бу ижод турларининг ҳам тағзаминида биринчи навбатда адабиёт, сўз санъати туриши ҳеч кимга сир эмас.

Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарасини оширишда энг муҳим **биринчи масала** ижодкор ўзининг ижтимоий бурчини қандай тушуниши билан бевосита боғлиқдир. Нега деганда, адибнинг сўзи, унинг ижодий меҳнатининг маҳсули жамият тараққиёти учун нақадар зарур эканини барчамиз, аввало шу соҳага кириб келаётган ва шу соҳада фаолият олиб бораётган адибларнинг ўзи яхши англаб олиши керак.

Таъбир жоиз бўлса, одам ёзувчилик касбини танламайди, аксинча, бу касб ёзувчини танлайди. **Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод** соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳ-

натини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур.

Шундан келиб чиқадиган **иккинчи масала** шуки, бугунги кунда ёзувчиларнинг машаққатли ижодий меҳнاتини тўғри ва адолатли баҳолаш учун давлат ва жамият томонидан яна нима иш қилиш керак, деган савол устида ўйлашимиз даркор. Аслида бу ўта мураккаб масала бўлиб, очиғини айтганда, бир ёзувчига юқорироқ, бошқасига эса пастроқ баҳо беришда ҳакам бўладиган одам ҳам, аниқ мезон ҳам йўқ.

Бундай вазифани ўз зиммасига оладиган кишилар, менинг назаримда, жуда оғир ва мушкул ишни ўз зиммасига олган бўлади. Нега деганда, инсоннинг ҳиссиётлари, унинг чексиз руҳий оламини тасвирлаб берадиган, не-не буюк донишмандлар ҳам ожиз қолган бу ҳаётнинг азалий ва абадий савдоларини акс эттирадиган ижод соҳасида қандайдир мезон ва меъёрлар механизминини ишлаб чиқишнинг ўзи қийин нарса.

Айтайлик, заводда ишлаб чиқарилган буюм — соат ёки машинанинг сифатига баҳо бериш мумкин, лекин ижод маҳсулига шундай баҳо бериб бўладими? Агар бу масаланинг моҳиятига тўғри етиб борилмаса, ялғ этган ёш истеъдодга муносиб баҳо берилмаса, уни ижодий ишдан сову-

тиб, қобилиятини сўндириб қўйиш ҳеч гап эмас. Бу эса гавҳарнинг қадрига етмасдан, худдики уни тупроққа кўмиб қўйиш билан баробар, десак, муболаға бўлмайди.

Хулоса шуки, адабий жараёнга, шоир ва адиблар фаолиятига баҳо беришда ўта нозиклик ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак.

Менга қолса, ўз истейдоди, кўз нури ва юрак кўрини, бутун борлигини бағишлаб, фақат ижод билан шуғулланадиган ҳақиқий ёзувчиларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш учун уларга барча шароит ва имкониятларни яратиб берган бўлардим.

Маълумки, Уюшма таркибидаги айнан шу масалалар билан шуғулланиши лозим бўлган Адабиёт жамғармаси бугунги кунда молиявий жиҳатдан ночор аҳволга келиб қолган. Шу сабабли унинг ўрнида янги жамғарма — Ижод фондини тузиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш бу муаммоларни ечишга имкон туғдиради, деб ўйлайман.

Бунинг учун тегишли идора ва вазирликлар билан биргаликда Ижод фонднинг низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш керак. Бу Фонднинг низом жамғармасини шакллантиришга албатта давлат ўз маблағи билан ҳисса қўшади.

Шунингдек, мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари, турли ташкилот ва муассасалар, халқаро ташкилотларнинг хайрия маблағларини ҳам бу жамғармага жалб этиш устида ишлашимиз керак.

Нега деганда, адабиёт масаласи — бу маънавийт масаласидир. Бу Фонд ёзувчиларни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, юртимизда ижод соҳасининг, миллий маданиятимизнинг ривож топиши учун, келажагимиз учун хизмат қилишини ёддан чиқармаслигимиз лозим. Ижодий жараённинг, адабиётнинг асосий бунёдкори — бу ёзувчи ва шоирлардир. Лекин бу ишни фақат уларнинг елкасига ташлаб қўймасдан, жамоатчилик, бутун жамиятимиз унга ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Айни пайтда бундай Фонд ёзувчиларнинг ижодий фаолиятини оширишга хизмат қиладими ёки боқимандаликка олиб келадими — бу ҳақда ҳам ҳар томонлама чуқур ўйлаш лозим. Бошлаётган ишларимиз амалий самара бериши, гоявий-бадий етук асарлар яратишга замин туғдириши учун пухта ўйланган механизмларни яратишимиз зарур.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ижодий фаолият учун қалам ҳақи тўлаш тизимини қайта кўриб

чиқиш керак. Бу — энг нозик масала. Бу тизим адолатли бўлиши, Ёзувчилар уюшмаси ишининг самарасини оширишда рағбатлантирувчи омил вазифасини бажариши, содда қилиб айтганда, ҳақиқий ижод намунасини қалбаки асарлардан, яъни шолени курмақдан ажратишга хизмат қилиши керак.

Ижод аҳли учун шарт-шароитларни яхшилаш ҳақида гапирганда, яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ёзувчилар уюшмасининг поликлиникасини ва Дўрмондаги ижод уйини таъмирлаш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаш лозим.

Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағ ажратишни кўзда тутиш, таъмирлаш ишларини 2010 йилда амалга ошириш, жорий йилда эса тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш керак. Шу билан бирга, Дўрмон ижод уйининг бугунги кун талаблари асосида самарали фаолият юритишини таъминлаш учун унинг ҳам низомини ўзгартириш зарур.

Барчамиз яхши англаймизки, адабиётда ҳам анъаналар давомийлиги, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эътибор, уларнинг билим ва тажрибасини ёшларга ўргатиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу маънода, Уюшма фаолиятида кекса адиб-

ларга эътиборни янада кучайтириш керак, деб ўйлайман.

Ёши улугъ ёзувчиларга, асарлари ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қиладиган оқсоқолларга ёрдам тариқасида Ижод фондидан маълум миқдордаги маблағни Ёзувчилар уюшмасининг қарори билан уларга бериб бориш айтилган бўлур эди.

Бундай савобли ишни маданият ва санъатнинг бошқа соҳаларида ҳам жорий этиш зарур, деб ҳисоблайман.

Учинчи масала. Бу чора-тадбирлардан кўзда тутилган асосий мақсад — Ёзувчилар уюшмасининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини янада оширишдан иборат. Токи Уюшмага аъзо бўлган ҳар қайси инсон авваламбор бу ташкилот унинг ижодини ривожлантириш, асарларини жамоатчиликка етказиш, истеъдодини рўёбга чиқариш, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалий ёрдам ва кўмак беришга қодир эканини яқиндан ҳис қилиши лозим.

Ўзимизга савол берайлик: ҳўп, бир қаламкаш уюшмага аъзо бўлди. Бунинг таъсирини бугунги кунда у ўз ижодида, ҳаётида сезадими? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Яъни, ёзувчиларда Уюшма мени ўз бағрига олди, энди

хотиржам бўлиб, ижод билан шуғулланишим мумкин, деган тушунчани ҳис этиш, шундан қониқиш ҳосил қилиш йўқ.

Уюшма — бу бирлашма дегани. Шундай экан, ягона эзгу мақсад йўлида бирлашган одамлар бир-бирига елкадош бўлиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшаши керак эмасми?

Уюшма раҳбариятининг асосий бурчи, вазифаси, такрор айтаман, биринчи навбатда ижодкорлар учун зарур шарт-шароит яратишдан иборат бўлиши керак. Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса, аввало, моддий асос, молиявий заминга эга бўлиш лозим.

Шу билан бирга, Ёзувчилар уюшмасининг сифат таркибини ҳам кўриб чиқиш зарур, деб ўйлайман. Бу муқаддас даргоҳ не-не улуғ ижодкорларнинг қутлуғ номлари, ижодий мероси билан боғлиқ. Шундай экан, Уюшма ўзининг обрў-эътибори ва юксак мақомига муносиб бўлиши, адабиётни ўз ҳаётининг маъно-мазмунини деб биладиган фидойи инсонларгина бу ташкилотга аъзо бўлиши керак.

Тўртинчи масала — ёш ижодкорлар билан ишлаш масаласи. Истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришда чуқур ўйланган усуллар, яъни аниқ механизм

зарурлигини бугун адабиётимиз манфаатлари талаб этмоқда. Ёш адиб ва шоирлар, адабий танқидчиларнинг ҳар бири ўз асарлари билан адабий жамоатчилик назаридан, ижодий танловлар, жиддий тақризлардан ўтиб, тегишли эътирофга сазовор бўлиб, шундан кейингина адабиёт майдонига ва Уюшма аъзолигига кириши лозим. Авваламбор, устоз адибларни, Ёзувчилар уюшмасининг тажрибали ва нуфузли аъзоларини ёшлар билан ишлашдек муҳим жараёнга кенг жалб қилишимиз даркор.

Уюшма низомида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш, умуман, бу борада алоҳида ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур. Айниқса, вилоятларда бу ишни алоҳида кўриб чиқиш ва назоратга олиш керак.

Уюшма аъзолигига даъвогарларнинг асарларини баҳолашда истеъдод ва фақат истеъдод асосий мезон бўлиши зарур. Бунинг учун нафақат марказда, балки жойларда ҳам фаолият кўрсатаётган ижодий тўғарак ва семинарларнинг иш самарасини ошириш, баҳс-мунозаралар, мушоиралар, фикр алмашувлар, шу билан бирга, устоз ёзувчи ва шоирларнинг маҳорат мактабини ўрганиш бўйича машғулотлар олиб боришни кучайтириш даркор.

Ёш ижодкорлар ўртасида ўтказиладиган танловларда қатнашаётган қаламкашлар орасидан энг яхши истеъдод эгаларини танлаб олишда Ёзувчилар уюшмаси асосий ташаббускор бўлиши, бу ишларни “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда амалга ошириши зарур.

Бу борада амалий натижа бермаётган баъзи бир юзаки тадбирлар ҳам борки, улар бутун ўзини қанчалик оқлаяпти — бу масалани ҳам алоҳида кўриб чиқиш керак. Умуман, ёш ёзувчиларнинг ижодий семинарларини санаторийларда, хушхаво чаманларда ўтказиш шартми? Ахир, ёзувчи зоти доимо ҳаёт қўйнида бўлиши, унинг қайноқ нафасини сезиб туриши керак эмасми?

Ижод — бу ўзини қийнаш, машаққат чекиш, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш, том маънода фидоийлик демакдир. Чинакам ёзувчи одамларнинг дарду ғами билан яшаши, халқ ичига кириб бориши, ўзи учун илҳомни, янги мавзуларни шу ҳаётдан, унда бўлаётган ўзгаришлардан олиши кераклигини барчамиз яхши биламиз.

Шундай экан, нима учун бу анжуманлар турли вилоятларда эмас, ҳар йили бир жойда ўтади? Қолаверса, бу семинарларга номзодларни танлаб олиш бўйича аниқ тартиб-қоидаларни иш-

лаб чиқиш ҳақида ҳам бош қотириш фурсати етди, деб ўйлайман.

Бешинчи масала. Назаримда, биз бир вақтлар раҳматли Озод Шарафиддинов бошлаган муҳим бир ишни эътибордан четда қолдиргандекмиз. Яъни, у киши “Жаҳон адабиёти” журнали орқали бошлаб берган дунё адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш, чоп этиш, ўрганиш билан боғлиқ тажрибалар, чет эл ёзувчилари билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига бутун етарлича аҳамият бермаяпмиз. Ҳолбуки, биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобиғимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак.

Қисқача айтганда, бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарур. Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, қадриятларимизга ҳурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва, ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин — бутун бу масалалар халқаро майдонда ўзлигимизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Мен бу борада Фарб билан бирга Шарқ мамлакатлари, жумладан, Япония, Хитой, Жанубий Корея билан, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Кувайт каби араб давлатлари билан алоқаларни кучайтиришни тавсия этган бўлардим.

Бундай ижодий ҳамкорлик алоқаларини боғлашда албатта ўзаро тенглик, ҳурмат ва самимият фоят зарур. Шунини унутмаслик керакки, ўзбек миллати, ўзбек халқи — худонинг назари тушган миллат. Ўзбекистон — Оллоҳ назар солган юрт. Бизнинг юртимиз, халқимиз ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмайди.

Энг охириги масала — нашриётлар ва нашр масаласи. Бугунги кунда нашриётларга тўла эркинлик берилган, уларнинг фаолиятига ҳеч ким четдан туриб аралаша олмайди. Лекин ана шу эркинликни тўғри тушуниш, масалага масъулият билан ёндашиш даркор. Яъни, фақат иқтисодий манфаат ортидан қувиб бадий жиҳатдан заиф, миллий маънавиятимиз, қадриятларимизга тўғри келмайдиган, адабиётнинг обрўсини туширадиган китоблар нашр этилишига йўл қўймаслик керак.

Айниқса, адабий жараён кўзгуси бўлган газета ва журналларда шеър ва ҳикояларни чоп этиш-

да талабчанлик ва масъулиятни янада кучайтириш керак, десам, ўйлайманки, муҳтарам адибларимиз ҳам бу фикрга қўшиладилар.

Бунда, айниқса Уюшма муассислигида чоп этиладиган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока”, “Ёшлик”, “Амударё” журналлари фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шаклу шамойили, мавзу-мундарижасини яхшилаш, муаллифлар, ижодий жамоатчилик билан кенг ҳамкорликда иш олиб боришни таъминлаш, сўзсиз, катта аҳамият касб этган бўлур эди.

Бундан ташқари, ҳар бир китоб, ҳар бир бадий асарнинг талаб даражасида чоп этилишида Ёзувчилар уюшмаси ва нашриётлар ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш, ўз таркибида истеъдодли, ҳолис ва адолатли адиб ва мунаққидларни бирлаштирган ижодий кенгашларнинг самарали фаолият кўрсатишига эришиш керак.

Ёш ижодкорларнинг асарларини чоп этишга ҳам айнан шу кўз билан қараб, бу масалага алоҳида эътибор бериш лозим. Бундай ёндашув марҳум Муҳаммад Юсуф каби ҳақиқий истеъдодларни қашф этиш ва уларнинг ижодини халққа етказишда энг тўғри ва адолатли йўл бўлади.

Менимча, бу масаланинг асосий калити — чинакам иқтидор эгаси бўлган ёш ижодкорларнинг биринчи китобини давлат ҳисобидан чоп этишдан иборат. Бу борада Ёзувчилар уюшмаси ва нашриётлар Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан шартнома тузиб, бу китобларни уларнинг кутубхоналарига, ахборот-ресурс марказларига етказиб бериш ва шу тариқа минг-минглаб фарзандларимизнинг бу асарлардан баҳраманд бўлишига эришиш мумкин.

Шу билан бирга, академик лицей ва касбхунар коллежларида, олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшларнинг ана шу китоблар ҳақидаги фикрларини ўрганиш ёшларимиз ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кучайтиришга хизмат қилиши табиийдир.

Айниқса, биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган болалар адабиётини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз, мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланиши, ҳар қандай китобхонлик, мутолаа маданияти болалиқдан бошланишини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Ёш истеъдодларни айнан ана шундай талаблар асосида камол топтириш, уларнинг адабиёт

оламида ўз муносиб ўрнини эгаллашини таъминлаш учун Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Ёш ижодкорлар билан ишлаш кенгашининг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш ва янги асосда қайта ташкил этиш лозим.

Мана шу фикрларни сизларга мурожаат тариқасида етказиб, бу масалалар хусусида сизлар билан, яъни, давлат ва ижодий ташкилотлар билан биргаликда бош қотириб, тегишли хулоса ва қарорлар чиқариш ўринли, деб биламан.

Шу билан бирга, илгари билдирган бир фикримни таъкидлаб айтмоқчиман: агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса — миллат яшайди.

Мана шундай улкан ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда жонкуяр ва фидойи адибларимиз ўзбек адабиётининг муқаддас анъаналарига садоқатли бўлиб, уларни муносиб давом эттирган ҳолда ижод қиладилар ва янги-янги гўзал асарлар билан халқимизни хушнуд этадилар, деб ишонаман.

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз азиз деҳқон ва фермерларимизни, барча дала меҳнаткашларини бугунги катта меҳнат ғалабангиз — мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи бор 6 миллион 610 минг тоннадан зиёд улкан ғалла хирмони бунёд этганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Деҳқонларимизнинг пешона тери ва машаққатли меҳнати эвазига эришилган бу улуг ғалабанинг моҳиятини азал-азалдан ҳар қайси хонадон ва юртнинг тўқлиги, фаровонлиги тимсоли бўлиб келаётган нонни кўзига тўтиё қилиб яшайдиган халқимиз чуқур англайди ва юксак қадрлайди.

Инсоннинг ризқ-рўзи бўлмиш дон экинларини ўстириш, табиий офат ва иқлим инжиқликларидан асраш ва ҳимоя қилиш, уларни парвариш этишда ҳар мавсумда учрайдиган минг битта қийинчиликни енгиб ўтиш, ҳар бир бошоқ

устида парвона бўлиб, пишиб етилган ҳосилни нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш, хирмонга ва истеъмолчиларга етказиб бериш — буларнинг барчаси қандай оғир меҳнат ҳисобидан бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Кейинги йилларда жаҳон миқёсида ғаллачилик соҳаси катта қийинчилик ва муаммоларга дучор бўлаётганига, шу билан бирга, дунёда истеъмолчиларнинг сони кўпайиб, дон маҳсулотларига бўлган талабнинг тобора ортиб бораётгани, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласининг кун тартибидан кескин ўрин олаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Шу маънода, Ўзбекистонимизнинг ғалла мустақиллигига эришгани ва сўнгги йилларда юртимизда дон тайёрлаш ҳажми мунтазам ўсиб бораётгани, халқ хўжалиги ва аҳолиимизнинг эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш билан бирга, етиштирган ғалламизни экспорт қилишга муваффақ бўлганимизнинг ўзи нафақат иқтисодий, керак бўлса, сиёсий-стратегик аҳамият касб этиб, кўнглимизни ифтихорга тўлдирмоқда ва эртанги кунга бўлган ишончимизга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Барчамизга аёнки, бу йилги мўл ҳосил осонлик билан қўлга киритилгани йўқ. Аввало, ўтган

йилнинг куз мавсуми ғаллачилик учун ноқулай келгани, баҳор фаслининг эса ниҳоятда серёғин бўлиб, кутилмаган дўл, сел ва жала оқибатида қуёш ҳароратининг етарлича бўлмаганини, қишлоқ хўжалигидаги турли хил зараркунанда ва касалликлар деҳқонларимизни яна бир бор жиддий синовдан ўтказганини эслаш ўринлидир.

Лекин ҳаёт қийинчиликларида тобланган, иродаси бақувват, ернинг сирини чуқур биладиган, замонавий аграр технологияларни пухта ўзлаштирган деҳқон ва фермерларимизнинг тинимсиз ва фидокорона меҳнати бугунги мана шундай улкан ғалабага замин яратди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Айни пайтда фермерлик ҳаракатини мустаҳкамлаш мақсадида бу борада бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган имтиёزلарни яратиб, унинг ривож учун янада кенгроқ йўл очиб бераётганимиз, ўтган йили фермер хўжаликлари майдонларини оптималлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ғалла навларини ҳар бир ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитига, сув билан таъминланиш даражасига қараб жойлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилгани, минерал ўғитлар, сифатли уруғлик, ёқилғи-мойлаш материалларининг фермер хўжа-

ликларига ўз вақтида етказиб берилгани, мавжуд комбайнларга қўшимча равишда бу йилги мавсум учун 140 та янги комбайн сотиб олингани ҳам деҳқонларимизга катта куч ва мадад бўлганини қайд этиш жоиз.

Эришилган бу ютуқнинг миқёси ва салмоғи ҳақида гапирганда, мамлакатимиз бўйича суғориладиган ерларда ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан ўртача 2 центнерга ортиб, гектарига 50 центнерни ташкил этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Тошкент, Фарғона вилоятларида эса бу кўрсаткич 53—62 центнердан ошгани, айниқса, таҳсинга лойиқдир.

Шулар қаторида Пахтаобод, Марҳамат, Қўрғонтепа, Балиқчи, Учқўрғон, Норин, Қарши, Косон, Иштихон, Тошлоқ, Ангор, Музработ, Бухоро, Пешку, Гурлан, Хўжайли каби туманларда ҳосилдорлик 56—66 центнерга етганини барчамиз деҳқонларимизнинг пировард натижаларга эришиш йўлида сафарбарликни ошириб, қандай ютуқларни қўлга киритишга қодир эканининг яққол намоёни сифатида қабул қиламиз.

Энг муҳими, бу йилги етиштирилган мўл ҳосилнинг 3 миллион 800 минг тоннадан зиёди,

яъни ярмидан кўпроғи бевосита фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолдирилгани, айрим туманларда бу рақам 60—70 фоизни ташкил этаётгани, деҳқонларнинг омборлари донга, қут-баракага тўлиб бораётгани уларнинг ўз меҳнатидан катта манфаат топаётганининг амалий ифодаси, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, қишлоқ аҳлининг ҳаёт даражасини юксалтиришга, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг бош мақсад-муддаосини, яъни қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади, деган эзгу ғояни амалга оширишга хизмат қилади, иншоолло.

Шу борада фермерларимизнинг ён-атрофда, мамлакатимизда юз бераётган жараёнларга фаол муносабати, дахлдорлик ва масъулият туйғуси тобора кучайиб, фермерлик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда том маънода ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани, айтишқа, эътиборлидир.

Бу йилги ғалла мавсумини якунлар эканмиз, барчамиз келгуси йил ҳосилига замин яратиш ҳақида ўйлашимиз, бунинг учун деҳқончилик маданиятини юксалтириш, серҳосил навларни кўпайтириш, доннинг сифати ва истеъмол хусу-

сиятларини янада ошириш, бу борада илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарурлигини, албатта, ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Ишончим комилки, республикамиз қишлоқ хўжалиги ходимлари пахта ва бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил етиштириб, бу йилги мавсумни барча соҳалар бўйича ёруғ юз билан якунлайдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу қувончли кунда фермер ва деҳқонларимизни, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, механизатор ва комбайнчиларни, бу улкан ғалабага муносиб ҳисса қўшган барча инсонларни яна бир бор қизгин табриклаб, ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этаман. Ўз меҳнати билан юртимизни ҳар томонлама обод ва фаровон қилаётган заҳматкаш ва фидойи юртдошларимизга бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.

Доимо соғ-саломат бўлинг, меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, хонадонларингиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака аримасин, қадрдонларим!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.*

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ. <i>2008 йил 31 август</i>	3
ВАТАННИ ШАРАФЛАГАНЛАР ЭЛ-ЮРТ АРДОҒИДА. <i>2008 йил 10 сентябрь</i>	11
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ- ЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИГА, БУТУН ЖАМОАСИГА. <i>2008 йил 27 сентябрь</i>	16
ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА. <i>2008 йил 30 сентябрь</i>	21
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВГА. <i>2008 йил 25 октябрь</i>	27
ВАТАНИМИЗНИНГ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ — БИЗНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ. <i>Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза, 2008 йил 5 декабрь</i>	29
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ- НИНГ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. <i>2008 йил 12 декабрь</i>	66

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЮКСАК САЛОҲИЯТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА. 2008 йил 16 декабрь	89
НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИ ВА НАВОИЙ ШАҲРИ АҲОЛИСИГА. 2008 йил 19 декабрь	107
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ. 2008 йил 31 декабрь	112
ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 17 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН МУРОЖААТ. 2009 йил 14 январь	119
ЭНГ АСОСИЙ МЕЗОН — ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИНИ АКС ЭТТИРИШ	131
МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЯНГИЛАШНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ. 2008 йилда республикани ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза, 2009 йил 13 февраль	147
ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. 2009 йил 7 март	199
НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗ. 2009 йил 21 март	204
ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 2009 йил 28 апрель	208

ЭЗГУ ИШЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ. 2009 йил 9 май	221
«ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ» ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА. 2009 йил 22 май	227
«УМИД НИҲОЛЛАРИ» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА. 2009 йил 29 май	234
МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА. 2009 йил 27 июнь	238
АДАБИЁТГА ЭЪТИБОР – МАЪНАВИЯТГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР	247
ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА. 2009 йил 17 июль	270

Ислам Абдуганиевич Каримов

**ОБЕСПЕЧИТЬ ПОСТУПАТЕЛЬНОЕ
И УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ СТРАНЫ —
ВАЖНЕЙШАЯ НАША ЗАДАЧА**

Том 17

На узбекском языке

Нашр учун масъул Б. ХУДОЁРОВА
Бадий муҳаррир Ҳ. КУТЛУКОВ
Техник муҳаррирлар У. КИМ, Т. ХАРИТОНОВА
Мусахҳихлар Ш. ОРИПОВА, С. САЛОХУТДИНОВА
Компьютерда тайёрловчи Л. АБКЕРИМОВА

Босишга рухсат этилди 04.08.2009. Қогоз формати 84×108^{1/32}.
Таймс гарнитурда офсет усулида босилди. Шартли б.т. 14,7.
Нашр т. 8,44. Тиражи 10000. Буюртма № 09-214.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«Ўзбекистон» наشريёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

66.3(5Ў)

K25

Каримов, Ислон Абдуғаниевич.

Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз /Ислон Абдуғаниевич Каримов. — Т. 17. — Т.: «Ўзбекистон», 2009. — 280 б.

ISBN 978-9943-01-462-6

ББК 66.3 (5Ў)

+ 65.9(5Ў)

ISBN 978-9943-01-462-6

